

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

БОБАКАЛОНОВА ЛОЛА ЗУХРИДДИНОВНА
АНГЛИЯ АНЪАНАВИЙ ВА ОНЛАЙН НАШРЛАРИДА
КАСБИЙ ЭТИКА МАСАЛАЛАРИ
(“The Times” газетасининг 2011-2012 йиллардаги босма ва онлайн
версиялари мисолида)

5A220102 – халқаро журналистика

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
филология фанлари доктори
Хуршид Дўстмухамедов

Тошкент – 2012

Ҳимояга рухсат этилди:

Факультет декани	_____	А.Нурматов
Кафедра мудири	_____	Х.Дўстмуҳамедов
Илмий раҳбар	_____	Х.Дўстмуҳамедов
Расмий тақризчи	_____	Ф.Муминова

Магистрлик диссертацияси

**Мавзу: Англия анъанавий ва онлайн нашрларида касбий этика
масалалари**

ДАК қарори: халқаро журналистика факультети магистранти

Бобакалонова Лола Зухриддиновнанинг

Магистрлик диссертацияси “_____” га баҳолансин

“_____” _____ 2012 йил

ДАК раиси:

Абдусамат Раҳимов

ДАК котиби:

Ёқутхон Эркабоева

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси магистранти Бобокалонова Лоланинг “Англия анъанавий ва онлайн нашрларида касбий этика масалалари” (“The Times” газетасининг 2011- 2012 йиллардаги босма ва онлайн версиялари мисолида) мавзусидаги магистрлик диссертациясига

ТАВСИЯНОМА

Бутун дунё миқёсида ахборот алмашинуви жараёнлари глобаллашиб бораётган ҳозирги кунда журналистика соҳасида касбий ахлоқ масалаларига эътибор бериш муҳим масалалардан бирига айланди. Чунки мазкур соҳадаги касбий этика фақат соҳа тараққиётига таъсир кўрсатиб қолмасдан, сўз эркинлиги ва таҳририятлар фаолиятини ҳимоялаш, ташқи таъсирлардан ва турли ахборий хуружлардан ҳимояланишда ҳам алоҳида ўринга эга бўлди. Чунки касбий этика журналистлар учун кундалик меҳнат фаолиятининг ҳар бир жабҳасида ҳаққоний, холис ва тўғри фаолият юритиши учун йўналтириб турадиган муҳим йўриқномадир. Шу боис хорижий давлатларда мазкур муаммога алоҳида эътибор қаратилади. Сўнгги йилларга келиб Ўзбекистонда ҳам мазкур журналистларнинг касбий этикаси масалалари борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда ОАВ ҳам миқдор жиҳатдан, ҳам фаолият эркинлиги жиҳатидан тубдан янгиланди. Турли характердаги ОАВ пайдо бўлди ва ахборот майдонида рақобатга киришди. Бу борада уларнинг самарали фаолият юритиши учун касб этикаси масалаларига эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, мазкур йўналишда халқаро журналистика соҳасида амалга оширилаётган тадқиқот ишларида хорижий кузатувлар, уларнинг тажрибасини ўрганиш, лозим топиладиган жиҳатларини менталитетимиз ва қадриятларимизга кўра татбиқ этиш асосий талаблардандир.

Магистрант Бобокалонова Лоланинг ушбу магистрлик диссертацияси Ўзбекистонда амалий жиҳатдан тез ривожланаётган, лекин назарий жиҳатдан тўлиқ ишланмаган мавзуга бағишланган.

Магистрант Бобокалонова Лола магистрлик диссертацияси учун танлаган мавзусини режа асосида ҳар томонлама очиб беришга ҳаракат қилган. Ишни тайёрлаш жараёнида мавзу йўналишида кўплаб илмий адабиётларга, амалий материаллар ҳамда турли матбуот нашрлари материалларига мурожаат қилган, уларни синчиклаб ўрганиб кенг камровли таҳлил ишларини олиб борган.

Магистрант мазкур ишда илмий фикрлаш, тадқиқот давомида ўрганилган адабиётлардан келиб чиққан ҳолда муаммони эркин таҳлил қилиш, тўплаган назарий билимларини амалий материаллар билан мустаҳкамлаш ва шу асосда яқуний илмий хулосалар чиқаришга интилган, ўз олдига қўйган мақсадларига эриша олган.

Магистрлик диссертацияси методологик тузилиши жиҳатдан ДАК талаби даражасида ёзиб тугатилганлиги сабабли илмий раҳбар сифатида ҳимоя қилишга тавсия этаман.

Илмий раҳбар:

Х.Дўстмуҳамедов
Филология фанлари доктори,
Аудиовизуал журналистика ва
оммавий коммуникация
кафедраси мудири

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Халқаро журналистика факультети

Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси

**магистрант Бобокалонова Лоланинг “Англия анъанавий ва онлайн
нашрларида касбий этика масалалари” (“The Times” газетасининг 2011-2012
йиллардаги босма ва онлайн версиялари мисолида) мавзусидаги магистрлик
диссертациясига ёзилган расмий**

ТАҚРИЗ

Мустақиллик йилларида Республикамиз матбуотида фуқаролик жамиятини барпо этиш асослари, хусусан, бунда демократиянинг асосий шартларидан бўлмиш эркин фикр психологияси, масъулияти, одоби ҳақида, шунингдек, оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш ҳамда журналистлар шахси, маънавияти ва касб одобига доир чиқишлар кўпайди.

Мазкур соҳада хорижий мамлакатлар журналистикаси тажрибасига доир кўплаб тадқиқотлар ҳам амалга оширилмоқда. Бироқ улар мазкур давлатнинг босма ва онлайн нашрларида ёритилаётган маълумотлар журналистларнинг нечоғлик ҳаққоний ёндашуви асосида тузилаётганига доир ишлар эмас. Ахборот билан танишиш осон, бироқ мураккаб, сабаби танлаш имконияти кенг, бири бошқасига ўхшамайди. Бу эса анъанавий ва онлайн нашрларининг фаолияти бўйича ўрганилиши керак бўлган масалалар мавжуд эканлигини билдиради. Ахборот маконида ҳаққоний ёритадиган манба билан ишлаш шароитини яратиш эса муҳимдир. Шунга кўра, глобал тармоқ нашрларида касбий ахлоқий масалаларига доир тадқиқотни амалга ошириш журналистика соҳасида кичик илмий иш, янгилик бўлади, десак муболаға бўлмайди.

Магистрант Бобокалонова Лоланинг Англия анъанавий ва онлайн нашрларида касбий ахлоқий масалаларини ёритишга бағишланган ушбу диссертацияси бугунги кунда журналистика соҳасидаги муҳим

муаммоларлардан бирига бағишланган. Чунки журналист касб этикаси масалаларининг хорижий мамлакатлар, жумладан Англия ОАВ фаолиятида ҳал этилиши, муайян ОАВ таҳририятлари касбий ахлоқ кодексларининг ўзига хосликлари ҳамда ОАВ тараққиётида уларнинг тутган ўрнини таҳлил этиш, миллий журналистикамизда мазкур мавзу йўналишида ижобий янгиликларга йўл очиши шубҳасиздир.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, Бобокалонова Лоланинг магистрлик диссертацияси учун танлаган мавзуси бугунги кун нуқтаи назаридан долзарб аҳамиятга эгадир.

Магистрлик диссертациясининг мавзу-мундарижаси ҳар томонлама тўғри тузиб чиқилган.

Ишнинг биринчи боби “Англия анъанавий нашрларида касбий этика масалалари” деб номланади. Унда касбий ахлоқий кодексларнинг инглиз журналистлари фаолиятини тартибга солувчи муҳим омил сифатидаги роли, анъанавий нашр фаолияти самарадорлигини таъминлашнинг касбий ахлоқий меъёрлари, “The Times” газетасининг фаолиятида касбий этика масалаларининг намоён бўлиш шакллари тадқиқ этилади.

Ишнинг иккинчи бобида Англия онлайн нашрларида касбий этика масалалари таҳлил қилинади. Мазкур бобда бугунги кунда бутун жаҳонни ўз таъсир доирасига олиб улгурган Интернет ахборот майдонида ахлоқий меъёрлар тизимининг яратилиши, “The Times” газетаси онлайн версияси фаолиятининг ўзига хосликлари ва унда касбий ахлоқий мезонларга амал қилиниши, мазкур нашрнинг интерактив фаолиятида касбий этика масаласидаги ютуқ ва камчиликлар назарий фикрлар, турли касбий ахлоқий кодекслар таҳлили ва амалий материалларни ўрганиш орқали очиб беришга ҳаракат қилинган.

Магистрлик диссертациясининг хулоса қисмида эса ушбу тадқиқотни амалга ошириш давомида ўрганилган ва таҳлил этилган муаммолар юзасидан яқуний умумлашма хулосалар баён қилинади.

Диссертациянинг ютуқли жиҳатлари сирасига иш якунида миллий нашрларимиз фаолияти самарадорлигини оширишни кўзлаб чиқарилган умумлашма фикрларни киритиш мумкин.

Умуман олганда, тадқиқотчининг мавзу ва объектни аниқ танлаб олгани диссертациянинг мазмунли чиқишига ва соҳа вакиллари учун фойдали бўлган маълумотлар билан бойишига замин яратган.

Магистрлик диссертацияси бир қатор ижобий жиҳатлари билан бирга айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Ишнинг айрим ўринларида имловий хатолар учраб туради. Лекин улар жузъий камчиликлар бўлиб, ишнинг умумий илмий қиммати ва мазмунига жиддий таъсир кўрсатмаган.

Мен расмий тақризчи сифатида Бобокалонова Лоланинг “Англия анъанавий ва онлайн нашрларида касбий этика масалалари” (“The Times” газетасининг 2011-2012 йиллардаги босма ва онлайн версиялари мисолида) мавзусида ёзилган магистрлик диссертацияси ДАК талабларига жавоб беришини алоҳида таъкидлайман ва уни ижобий баҳога тавсия этаман.

Расмий тақризчи:

Ф. Муминова
Филология фанлари
доктори,
профессор

М У Н Д А Р И Ж А:

КИРИШ.....	3-11
1-БОБ. АНГЛИЯ АНЪАНАВИЙ НАШРЛАРИДА КАСБИЙ ЭТИКА МАСАЛАЛАРИ.....	12-47
1.1. Касбий ахлоқий кодекслар инглиз журналистлари фаолиятини тартибга солувчи муҳим омил сифатида.....	12-23
1.2. Анъанавий нашр фаолияти самарадорлигини таъминлашнинг касбий ахлоқий меъёрлари.....	24-34
1.3. “The Times” газетасининг фаолиятида касбий этика масалаларининг намоён бўлиши.....	35-47
2-БОБ. АНГЛИЯ ОНЛАЙН НАШРЛАРИДА КАСБИЙ ЭТИКА МАСАЛАЛАРИ.....	48-83
2.1. Интернет ахборот майдонида меъёрлар тизимини яратилиши..	48-64
2.2. “The Times” газетаси онлайн версияси фаолиятининг ўзига хосликлари ва унда касбий ахлоқий мезонларга амал қилиниши.....	65-75
2.3. “The times” нашрининг интерактив фаолиятида касбий этика: ютуқ ва камчиликлар.....	76-79
ХУЛОСА.....	80-81
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	82-88
ИЛОВАЛАР	

Кириш

“Ҳозирги даврда жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари XX асрнинг охири ва XXI аср бошларида бутун инсоният, ер юзидаги барча халқлар ва миллатлар тараққиёти учун, айниқса, ҳаётга кириб келаётган ёш авлод учун мисли қўрилмаган имкониятлар яратиб берганини ҳеч ким инкор этолмайди. Авваламбор, фан ва техниканинг илғор ютуқлари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет тизими турли давлатлар ва минтақалар ўртасидаги чегараларни очиб бериб, ўзаро ҳамкорлик ва интеграция ривожига сўзсиз катта ҳисса қўшаётганига бугун барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз”¹.

Омма тилида сўзлаганда, интернет сув жўмраги каби ахборот оқимини бир тизимга жамламоқда. Бу ҳолатда ахборот ҳам гўё сув йўналиши сингари шиддат билан оқмоқда.

Маълумотларнинг қўплиги яхши, чунки у танлаш имкониятини беради, бироқ бир сўз қидируви юзлаб манбага мурожаат қилишни кўрсатса, баъзида бир нечтасининг ўзидан кузатувга нисбатан чарчоқ, ҳатто зерикиш ҳиссини пайдо қилади. Сабаби манбалар турли хил ёндашувда, бир-бирига ўхшамаган ҳолатда ёритилган бўлади, баъзида. Ана шу пайт эса глобал тармоққа маълум меъёрларни тадбиқ этиш керакмикан, деган фикрга келамиз. Ахборотга қўйилган маром, бевосита уни тарқатувчи фаолияти билан боғлиқ. Интернет тизимида берилаётган маълумотлар эса журналистнинг касбига бўлган масъулияти масаласига кўпроқ дахлдор.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти. Глобаллашув жараёни жаҳон майдонида рўй бераётган ўзгаришлар, ахборот оқимининг тезкорлиги ва хилма-хиллигида ҳам ўз аксини топади. Ахборот қанчалик кўп бўлса саралаш ҳам шунча мураккаблик касб этади. Муҳими, у холис, ҳеч қандай уйдирмаларсиз тузилган, ахлоқий нормаларга жавоб бериши лозим. Ҳар қайси давлатда тартиб биринчи муҳим масала. Ана ўша ҳар қандай мамлакатнинг ҳар қайси соҳасида ўзига хос ахлоқий меъёрлар тузилган ва бу

¹ Каримов И.А. Энг асосий меъзон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш.-Т.: Ўзбекистон, 2009.

фаолиятнинг яхши самара бериши учун, қолаверса, бошқа жиҳатдан омманинг яшаш тарзига қулайлик яратиш мақсадида ҳам тузилади. Бугун, юқорида айтиб ўтилганидек, глобаллашув ахборот оқимини ҳосил қилаётган ва танлаш, саралаш имконияти чексизлиги даврида журналистика соҳасида ҳам касбий ахлоқий меъёрларга амал қилиш муҳимдир.

Бугун матбуотда фаолият олиб бораётган журналист фақат қоғозда ифодаланган матннинг муаллифигина бўлиб қолмай, балки интернет тармоғидаги визуал ахборотнинг қаламкаши сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Электрон версия имкониятлари кенглиги жиҳатидан бу яхши ҳолат, деб баҳоланади. Бироқ “ёзув қондаси” масаласига кўра онлайн матбуот бироз тартибсиздек қаралаётгани ҳам сир эмас. Ана шу тушунчага ойдинлик киритиш бугуннинг муҳим масаласи, сабаби онлайн тизими омма орасида, аллақачон тезкор, қулай ахборот манбаи сифатида ном қозонган. Магистрлик диссертациямизнинг мавзуси эса ана шу жиҳатларига кўра долзарбдир. Журналистнинг касб одоби муаммоларини ўрганиш долзарблиги сабабларидан яна бири – мамлакатимизда нодавлат, хусусий оммавий ахборот воситалари тармоқларига кенг йўл очилганидир. Мустақиллик йилларида матбуот рекламаси кўпайди, оммавий ахборот воситаларини таъсис этувчи муассислик институти шаклланди, таҳририятнинг иқтисодий асосларини яратиш ва мустаҳкамлашга эътибор кучайди. “Ахлоқий мезонларнинг чигаллашуви, оммавий ахборот воситаларининг концентрациялашуви унинг сердаромад соҳага айланаётгани, бозорнинг парчаланиб кетиши, янгидан-янги технологиялар ва ўсиб бораётган рақобат журналистика маданиятини, айниқса кундалик босма журналистикани пароканда қилиб юборди... Бу, журналистика одоб муҳитининг нормал ҳолатига жиддий хатар солди”.²

Мана шундай бир вазиятда кўплаб омиллар журналистнинг ҳаётӣй, инсонӣй, фуқаровӣй ва касбий позициясига таъсир кўрсатиши муқаррарки,

² Эдмонд Б.Ламбет. Приверженность журналистскому долгу (Об этическом подходе в журналистской профессии). – М.: Виоланта, 1998. – С. 146.

уларни ҳам назарий, ҳам амалий аспектда журналистнинг касб одоби фани ўрганади.

Интернет журналистикаси ва журналистнинг касб одоби меъёрларини белгиловчи мезонларни ишлаб чиқиш зарурияти эндиликда бутун долзарблиги билан аён ҳақиқатга айланиб улгурди³.

Мавзудан кузда тутилган мақсад ва ундан келиб чиқадиган вазифалар. Халқаро журналистика соҳаси тадқиқий ишларида хорижий кузатувлар, уларнинг тажрибасини ўрганиш, лозим топиладиган жиҳатларини менталитетимиз ва кадриятларимизга кўра тадбиқ этиш асосий талаблардандир. Шу мақсадда ишимиз Англия давлати тажрибаси мисолида ёритилиб, унда асосий кузатув мазкур давлатнинг анъанавий ҳамда онлайн нашрларида касбий-ахлоқий меъёрларга риоя қилиш масаласига аҳамият қаратилади. Касбий-ахлоқий меъёрлар сифатида эса журналистик кузатув, материал тўплаш, янгиликлар устида ишлаш, уларни қайта кўриб чиқиб, оммага ҳавола этиш, аудитория билан ўзаро муносабат ўрнатиш қаралади, энг муҳими, ҳудудий, минтақавий ва ҳатто Халқаро аҳамият касб этувчи ҳуқуқий меъёрлар, кодекслар ҳамда уларга риоя қилиниш ва қилинмаслик ҳолатлари мисоллар асосида очиб берилади. Ишнинг ўзига хос аҳамиятли жиҳати, унда бошқа тадқиқий ишлардан фарқли ўлароқ ҳам босма ҳам электрон нашрлар кузатуви йўлга қўйилганидир. Ана шу мақсаддан келиб чиқиб ишни ёритишда бир қатор вазифалар белгиланган. Булар:

- анъанавий нашрлар ва онлайн матбуот тармоғида ёритиладиган материаллар бўйича умуммиллий ҳамда Халқаро миқёсда амалда бўлиб келаётган касбий этика масалаларини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларни ўрганиш;

- журналистик изланувчанлик, материаллар устида изланиш олиб бориш, уларни тайёрлаш ва тарқатишдаги ёндашувни кузатиш;

- Англия анъанавий нашрлари журналистлари позицияси ва онлайн

³ Дўстмуҳаммедов Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил: /Монография/ — Т.: Янги аср авлоди, 2007. Б.6.

тармоқда унинг ифодасини кузатиш ва таққослаш;

- анъанавий нашрлардаги ёндашувнинг онлайн нашрларидан фарқли жиҳатларини аниқлаш;

- материалларни тайёрлашда журналистик мезонларга амал қилиш ҳолатига эътибор қаратиш;

- маълумотларни саралаш, фактлар билан ишлаш ва энг муҳими аудитория билан муносабат масалаларида журналист маҳоратини кузатиш;

- кузатувлар, таҳлиллар асосида касбий-ахлоқий муаммоларни ҳал этиш йўллари аниқлаш, уларни ишда акс эттириш ва бошқа вазиятларни ўрганиш асосий масалалардир.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Журналист касб одоби тушунчаси билан боғлиқ манбалар устида изланиш олиб борилганида бу масала бўйича хориж ва рус тилларидаги қатор тадқиқотлар кузатилади. Миллий журналистикамизда эса фақат битта, филология фанлари доктори, профессор Х.Дўстмуҳаммедовнинг “Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил (мустақиллик даври ўзбек матбуоти фаолияти мисолида. 1991–2007 йиллар) номли махсус тадқиқоти мавжуд. Муаллиф мазкур мавзуда монография тузиб, қўлланма яратган. Тўғри, С.Жабборов⁴, Ф.Мўминов, Қ. Ирназаров ва бошқа қатор олимларнинг асарларида ОАВ қонунчилиги масаласига эътибор қаратилган. Бироқ улар бевосита журналист касб ахлоқи мавзусидаги қўлланмалар эмас. Шу жиҳатдан ҳам ўзбек тилида ягона манба мавжуд, деган фикрни илгари сура оламиз. Соҳанинг ўрганилганлик даражаси эса Х.Дўстмуҳаммедов монографиясида батафсил кўрсатиб ўтилади.

Журналистнинг касб одоби муаммоларини махсус тадқиқ этиш масаласи жаҳон журналистикасида бир неча юз йиллар илгари бошланганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Муаммо ҳам амалий, ҳам умумэтика билан боғлиқ алоҳида касб одоби муаммолари сифатида ўрганилган. Чунончи инглиз шоири, публицист, сиёсий арбоб Ж. Мильтон (1608–1674) 1644 йили ёзган

⁴ Қаранг: Жабборов С. Оммавий ахборот воситалари қонунчилиги. Т.: 2000

«Ареопагитика» рисоласида матбуот эркинлиги ғоясини илгари сурган.⁵ «Матбуот эркинлиги ҳақида»ги биринчи ҳуқуқий ҳужжат сифатида эътироф этилган қонун 1766 йили Швецияда қабул қилинган.⁶

Журналистнинг касб одоби муаммолари билан шуғулланиш XX асрнинг бошларидан, айниқса асрнинг иккинчи ярмидан сезиларли даражада кучайди. АҚШ, Германия, Финляндия, Болгария, Венгрия ва бошқа кўплаб давлатларда бу мавзу кун тартибидан тушмаган.⁷

Х.Дўстмухаммедов монографиясида⁸ шўро даври матбуотшунослигига доир тадқиқотларда журналистнинг касб одоби муаммолари этика, фалсафа, психология, социология ва бошқа фанлар негизида бир қадар ўрганилгани таъкидланади ва турли давлатлар олимларидан Т.М.Фролова, С.Рагимова, И.Кумилганова, В.М.Теплюк, Б.В.Потятиник, В.И.Россман, И.С.Паримский, А.П.Скрипник, И.Р.Мамедзода, Н.С.Сафаров, О.Е.Савельева, Б.Дугарсүрэнгийн, Г.С.Бакенова, Н.Асиме каби тадқиқотчиларнинг ишларида журналистнинг касб одоби муаммоларига тааллуқли кўплаб аҳамиятли ва эътиборга лойиқ фикр-мулоҳазалар учраши билдирилади. Мазкур тадқиқотчилар асарлари номи келтириб ўтилади.

Этикага бағишланган луғатларда «касб этикаси» атамасига «кишилар ўртасидаги касб фаолияти билан боғлиқ муносабатларга маърифий тус берадиган ҳуқ-атвор кодексларидир» дея таъриф берилган.⁹

Таниқли олим Д.С. Авраамовнинг «Журналистнинг касб одоби» ўқув қўлланмаси тузатилган ва тўлдирилган ҳолда 2003 йили иккинчи марта нашр этилиши,¹⁰ яна бир таниқли олима Г. В. Лазутинанинг шу номдаги ўқув қўлланмаси 1999, 2000 ва 2006 йили уч қайта босмадан чиқарилиши,¹¹ С.Г. Корконосенконинг 2006 йили иккинчи марта чоп этилган «Журналистика

⁵ Мильтон Д. Арёпагитика. // В кн. Корабли мысли.— М.: Книга, 1980.— С. 25—45.

⁶ Ворошилов В. В. Журналистика. Учеб. пособие. — Санкт-Петербург, Изд-во Михайлова В.А., 1999. — С. 126.

⁷ Каранг: Авраамов Д. Профессиональная этика журналиста. — М.: Мысль, 1991.— С. 11.

⁸ Дўстмухаммедов Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил: /Монография/ — Т.: Янги аср авлоди, 2007. Б.6.

⁹ Словарь по этике. — М.: Политиздат, 1981.— С. 274.

¹⁰ Авраамов Д.С. Профессиональная этика журналиста. Учеб.пособие. 2-е изд., испр. и доп.— М.: Изд-во Моск. ун-та, 2003.

¹¹ Лазутина Г.В. Профессиональная этика журналиста: Учеб. пособие. — М.: Аспект-Пресс, 2006.

асослари» китобининг алоҳида боби «Журналист интизоми принциплари» деб аталиши¹² сўз юритилаётган мавзунинг ўрганилиш диапазони, аспекти тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Мустақиллик йилларида Республикамиз матбуотида фуқаролик жамиятини барпо этиш асослари, хусусан бунда демократиянинг асосий шартларидан бўлмиш эркин фикр психологияси, масъулияти, одоби ҳақида, шунингдек оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш ҳамда журналистлар шахси, маънавияти ва касб одобига доир чиқишлар кўпайди. Файласуф, психолог, маънавиятшунос, матбуотшунос М. Қуронов, М.Бекмуродов, В. Каримова, С. Олимов, О. Сафаров ва ушбу тадқиқот муаллифининг бир қатор мақолалари эълон қилинди.¹³ Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультети ўқитувчиси Абдулла Шернинг «Ахлоқшунослик»,¹⁴ Н.Э.Муҳаммадиевнинг «Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти» номли дарсликлари¹⁵ бу борада эътиборли янгилик бўлди¹⁶.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Иш объекти сифатида Англиянинг “The Times” газетаси танланди. Бунда нашрнинг босма ва электрон версиялари ўрганилиб, уларнинг ҳар иккисида журналист позицияси кузатилади. Касбга доир ахлоқ масалалари қай даражада тартибда эканлиги кузатилади. Тадқиқот предмети сифатида ана шу масалаларни

¹² Қаранг: Корконосенко С.Г. Основы журналистики. Изд. второе., – М.: Аспект Пресс, 2006.– («Принципы поведения журналиста»– С. 284–311.)

¹³ Қаранг: Қуронов М. Биз кўзлаган манзиллар. // Халқ сўзи. – 2002, 6 сентябрь.; Бекмуродов М. Фуқаролик жамияти ва ўзбек менталитети. // Ҳуррият. – 2002, 9 октябрь.; Каримова В. Фуқаролик жамияти психологияси. // Халқ сўзи. – 2002, 18 декабрь.; Олимов С. Шарқона маънавият. // Халқ сўзи. – 2003, 17 январь.; Сафаров О. Демократик жамиятда журналист ким? // Халқ сўзи. – 2002, 1 ноябрь.; Дўстмуҳаммад Х. Глобаллашув: дунёни эзгулик бошқарсин. // Халқ сўзи. – 2001, 13 ноябрь.; Шу муаллиф. Демократлашаётган менталитет. // Халқ сўзи. – 2002, 16 октябрь.; Шу муаллиф. Асримизга муносиблик туйғуси. // XXI аср. – 2004, 9 сентябрь.; Шу муаллиф. Журналист шахси ва унинг қонуний асослари. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2001. – 3-4-сон.; Шу муаллиф. Мақола нега ёзилмади? Ёхуд калтакланган йигит, арзнома ва «5 w» қоидаси. // Ўзбекистон матбуоти. – 2002. 6-сон.; Шу муаллиф. Журналистнинг шаъни таъмадан устун. // Ўзбекистон матбуоти. – 2003. 1-сон.; Шу муаллиф. Одобида зиё мужассам. // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2003. 1-сон.; Шу муаллиф. Қонуннинг асоси – ахлоқ. // Журналистлар ҳуқуқий саводхонлиги муаммолари. Оммавий ахборот воситалари ва ҳуқуқ. – Т.: 2003. – Б.8–10.

¹⁴ Шер Абдулла. Ахлоқшунослик. – Т.: Янги аср авлоди, 2003.

¹⁵ Муҳаммадиев Н.Э. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти. – Т.: Ўзб. Рес. ИИВ Академияси, 1998.

¹⁶ Дўстмуҳаммадов Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил: /Монография/ — Т.: Янги аср авлоди, 2007. Б.6-9.

ёритишда учраган барча муаммоли жараёндар тушунилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Бугун хорижий мамлакатлар журналистикаси тажрибасига доир кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Англия давлатига тааллуқлилари ҳам. Бироқ улар мазкур давлатнинг босма ва онлайн нашрларида ёритилаётган маълумотлар журналистларнинг нечоғлик ҳаққоний ёндашуви асосида тузилаётганига доир ишлар эмас. Ахборот билан танишиш осон, бироқ мураккаб, сабаби танлаш имконияти кенг, бири бошқасига ўхшамайди. Бу эса, онлайн нашрларининг фаолияти бўйича ўрганилиши керак бўлган масалалар мавжуд эканлигини билдиради. Ахборот маконида ҳаққоний ёритадиган манба билан ишлаш шароитини яратиш эса муҳимдир. Шунга кўра, глобал тармоқ нашрларида касбий ахлоқий масалаларга доир тадқиқотни амалга ошириш журналистика соҳасида кичик илмий иш, янгилик бўлади, десак муболаға бўлмайди.

Тадқиқотнинг таркибий тузилиши. Мавзуни ёритишда унинг барча жабҳаларини атрофлича ўрганиш мақсадида таркибий қисмларга ажратдик. Унга кўра биринчи боб “Англия анъанавий нашрларида касбий этика масалалари” деб номланди. Журналистларнинг маълумотларни излаш, улар устида ишлаш, уларга ҳолисона ёндашиш, объектлар билан муносабатда шахсий масалаларни аралаштирмаслиги ва шу каби ҳолатларини аниқлашни авваламбор, босма нашрлардан кузатиш лозим. Бунинг учун эса маълум ҳуқуқий меъёрларни билиш талаб этилади. Мазкур бобнинг биринчи фасли айнан ана шу ҳуқуқий асос, яъни касбий ахлоқий кодексларнинг ўрганилишига тааллуқли бўлиб, у қуйидагича номланади: “Касбий ахлоқий кодекслар инглиз журналистлари фаолиятини тартибга солувчи муҳим омил сифатида”. Тартиб ҳар соҳада мавжуд, унинг ёрдами билан маълум ахлоқий номутаносибликларга чек қўйилади. Европа журналистикасида сенсация ҳолатлари кўпроқ юз берадигандек туюлади, кишиларга ва шу сабабли ҳам улар фаолиятида ахлоқий меъёрлар масаласини ўрганиш ҳам қизиқ, ҳам масъулиятли ишдир. Фасл кодексларнинг амалий ифодасини акс эттиради.

Навбатдаги фасл “Анъанавий нашр фаолияти самарадорлигини таъминлашнинг касбий ахлоқий меъёрлари”га бағишланади. Унда журналист эмас, балки нашрларнинг иш юритишидаги белгиланган ҳуқуқий меъёрлари хусусида сўз боради. Тартиб барчага баробар эканлигига алоҳида тўхталинади. “The Times” газетасининг фаолиятида касбий этика масалаларининг намоён бўлиши”. Бу бобнинг сўнгги фасли. Аввалгиларида айрим тушунчаларга тўхталинган эди. Энди бевосита объект ўрганилади. Унинг фаолиятидан мисоллар келтирилади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “Англия онлайн нашрларида касбий этика масалалари” деб номланади. Унда биринчи бобдан фарқли равишда онлайн нашрлар таҳлил этилади. Онлайн матбуот тушунчаси, унинг анъанавий ОАВдан фарқли хусусиятлари ёритилади. Бобнинг биринчи фасли “Интернет ахборот майдонида меъёрлар тизимини яратилиши” деб номланади. Глобал тармоқнинг ўзига хос жиҳатлари, тезкорлик, манбаларнинг хилма-хиллиги ва уларни танлай билиш, улар билан танишишда маълум меъёрларга риоя қилинганликка эътибор қаратиш каби масалаларга тўхталинади. Бунда жаҳон тўрига ҳақиқатдан ҳам биров тартиб керакми, деган мулоҳазали фикрга жавоб изланади ва кераклигича таҳлил этилади. Иккинчи фасл “The Times” газетаси онлайн версияси фаолиятининг ўзига хосликлари ва унда касбий ахлоқий мезонларга амал қилиниши” дир. Бу фаслда онлайн матбуотнинг афзаллиги, унинг журналистик фаолият учун қулайликлари, аудитория билан ўзаро алоқа ўрнатишда муҳим восита эканлиги бу фаслда аниқ манба, яъни “The Times” газетасининг электрон версияси фаолияти орқали намоён қилинади. Албатта унинг ўзига хос хусусиятларига тўхталинади, журналистларнинг ёзув тартибига, ҳолисона ёндашувига синчковлик билан назар ташланади ва меъёрга риоя қилинмаслик ҳолатлари бўйича тегишли фикрлар билдирилади. Учинчи фасл “The times” нашрининг интерактив фаолиятида касбий этика: ютуқ ва камчиликлар”да интерактив фаолият бевосита онлайн тизимида қандайлиги ҳақида маълумотлар бериб ўтилади. Интернет тизимининг оммани жалб этиш имкониятларидан, бугунги кун

учун энг фаол жараён турли форумларнинг ташкил этилаётгани, уларда билдирилаётган фикрлар, илгари сурилаётган турли масалалар хусусидаги баҳс, таклифлар ана шу фаслда таҳлил этилади. Ишнинг хулоса қисмида тадқиқ этилган барча масалалар бўйича умумлашма фикрлар жамланади. Ҳар бир боб фасллариини ёритишда аниқланган илғор фикрлар кетма-кетликда баён этилади. Сўнги иш фойдаланилган адабиётларни кўрсатиш бўлиб, унда авваламбор, методологик асос, Халқаро ва умуммиллий ҳуқуқий асослар кўрсатилади. Мавзуни ёритишда фойдаланилган турли илмий адабиётлар ва таҳлил этилган нашрларнинг босма ва электрон версиялари сонлари келтирилади.

1-БОБ. АНГЛИЯ АНЪАНАВИЙ НАШРЛАРИДА КАСБИЙ ЭТИКА МАСАЛАЛАРИ

1.1. Касбий ахлоқий кодекслар инглиз журналистлари фаолиятини тартибга солувчи муҳим омил сифатида

Журналист – жамоатчилик фикрини шакллантирувчи ва йўналтирувчи шахсдир, чунки унинг бераётган маълумоти омманининг маълум фаолиятига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Масалан, ОАВ ёхуд интернет тармоғидан олган об-ҳаво маълумотининг ўзи бизни кечагидан фарқли қийинишга, соябон олиш, уст-бош ва ҳатто пойафзалимизни ҳам бошқасига ўзгартиришга ундайди. Агар айтилганидек бўлмаса, ана шу биргина янглиш маълумот нафақат бизга, балки яна неча минг кишининг кундалик фаолиятида ноқулай вазият юзага келишига сабаб бўлади, умуман, янглиш хабар ҳар қандай ишда салбий таъсирини ўтказмай қолмайди.

Касб ахлоқи тушунчаси деганда, маълум манбаларда берилган фикрлардан аввал, ўз таҳлилларимизга тўхталсак. Аввало, бугунги кун журналистидан талаб этилаётган жиҳатларни санаб ўтамиз. Бизнингча, ҳар қайси соҳада фаолият олиб боровчи шахсни ўрганишда, биринчи галда, унинг туғма қобилияти масаласи туради. Туғма қобилият тўғри йўналтирилса, бу шахс ҳаётда қийналмай ўз йўлини топиб кетади. Унинг фаолияти нафақат ўзига, балки ўша соҳанинг ривожланишига ҳам катта туртки бўлади. Жамиятда бундай кишиларнинг кўпайиши эса давлат ривожининг асосий омилларидандир. Қобилият эса маълум билимларга эга бўлишга чорлайди. Энди шахс соҳасига тааллуқли барча билимларни ўзлаштириши керак. Ақлли кишилар фикран ўзига жалб эта олади, қолаверса, улар яна бошқаларни ўз билимлари билан етаклайди. Жамиятда ақлли кишиларнинг кўплиги янги ютуқларга эришиш калити сифатида ҳам хизмат қилади.

Эндиги масала бу – ахлоқдир. Ахлоқ шахс ҳаётида тарбия орқали ифодаланади. Демак, бунга оилавий муҳит, ота-она, шунингдек, аждодларнинг ҳаёт ҳақидаги кўрсатмалари, намунали хулқлари ҳам сабаб бўлади. Инсонга ўзини тутиши, муомаласи ва кийиниш маданиятига кўра баҳо берилиши ҳам ана шундан. Албатта, бирор соҳани юритаётган ақлли, тарбияли кишида тажриба бўлиши ҳам ишни самарали фаолиятга йўналтиради. Энди бу шахсни бир соҳа вакилида янада очиқроқ тавсифлаймиз. Айтайлик, журналист фаолиятида.

Гўзал хулқ эгаси ўзининг ишини пухта, сидқидилдан бажаради. Журналист ҳар бир масалага тўлиқ ёндашиши лозим. Чунки у бутун бир жамият, яъни кенг омма билан ишлайди. Унинг аудиторияси турли ёшдаги, табақадаги, миллату элат, хуллас, ҳар хил билимли, тажрибали, тарбияли инсонлардир. Агар журналист кузатаётган масала сиёсий мазмун касб этса, албатта, ушбу ҳолатга доир манбаларга эҳтиёткорона ёндашади. Аввало, берилаётган маълумотнинг асосий объекти билан танишади, ўзгаларига ҳам кўз югуртиради. Унинг хулқи масалага ҳолисона ёндашувида акс этади. Журналист касби ахлоқи эса ана шуларда намоён бўлади. Ёндашув бир ёқламалиги тарафкашлик деб номланадиган бўлса, у ана шу хусусиятга йўл қўймаслиги керак, агар акси бўлса, бу касб одобига риоя қилмаслик, деб баҳоланади.

Жумладан, футбол шарҳловчиси. У ўз юрти жамоаси тарафкаши, бироқ шарҳда маълумотларни мароми билан бериб бориши, рақиб жамоага нисбатан маданият кўрсатиши, улар ҳақида ёлғон, салбий фикрларни бермаслиги, хуллас, ҳар икки жамоага ҳам ҳурмат кўрсатган ҳолда шарҳни олиб бориши талаб этилади. Реклама тўғрисидаги халқаро меъёрларда ҳам таъкидланганидек, бир маҳсулот ёки товар ҳақида маълумот бераётганда бошқа турдаги товар кўрсатилмаслиги ва айниқса унинг реклама қилинаётган товар ёки хизматдан камчилик хусусиятлари маълум қилиниши тақиқланади.

Масаланинг яна бир жиҳати маълумот олувчи ҳам маълум кузатувга, билим ва кўникмага, ўз шахсий фикрига эга бўлиши лозим. Чунки айти пайт

ахборот манбалари жуда кўп ва ҳатто бир-биридан яхшигина фарқлилари ҳам мавжуд. Саралаш имконияти жуда кенг ва ҳатто тарқоқ ҳолатда.

Ана шу турлилик инсонларга ҳам хосдир. Кишилар орасида “мен ҳеч кимнинг буйруғига бўйсунмайман, мени тартибга солувчи ҳали туғилмаган”, дейдиганлар ҳам учраб туради. Тўғри, ҳар ким ўз ҳуқуқи ва эркинлигига эга, у хоҳлаган ишини бажариши мумкин, бироқ ҳаётда “ким нима қилса қилаверсин” шиори бўлганида у ҳозиргача давом этган бўлмасди, даврлар, неча минг асрлар илгариёқ тугатилган бўларди.

Тўғри, инсонлар яшашни тартибга келтирувчи Қонунларни ўзлари қабул қиладилар, бироқ табиатнинг муҳит, макон ва ҳаво тизимини бошқарувчи ўзига хос Қонунлари ҳам борки, уни ҳеч ким тузолмайди, ўзгартиролмайди, бузолмайди. Демак, тартиб асли табиатдан бошланади.

Энди ахлоқ масаласига ойдинлик киритсак. Этика – грекча «ethika», «ethos» сўзидан олинган бўлиб, «характер», «одат» маъноларини билдиради. Бу одамларнинг ахлоқий юриш-туриш стандартларини, принципларини белгилаб беришдир¹⁷.

Психологияда шахс темпераментининг тўрт туригина мавжудлиги қайд этилади. Миллиардлаб инсонлар шу тўрт характер туригагина хосдирлар. Бироқ яна муҳим тушунчалар, тарбиявий муҳит, моддий шароит, маънавий, руҳий қўллаш каби масалалар ҳам борки, улар ҳар бир индивидни бир-биридан яхшигина ажралиб туришига етарли асос бўла олади. Бундан англашиладики, ҳуққ ҳам инсон сонига тенг миқдорда бўлади.

Ахборот макони деб аталаётган, сониясига дунёнинг турли бурчакларидан туриб янги маълумотни жойлаштира олаётган, умуман, интернет тизими учун тинмай ишлаётган кишилар ҳам ана шу тўрт темпераментнинг бирига хос, аммо ҳар хил муҳитда тарбия топган кишилардир. Бундай деётганлигимизнинг сабаби, улар бераётган маълумотларнинг турлилигидадир. Жаҳон бўйича таълим тизими кузатилганда бир соҳага оид мутахассисга, масалан, журналист бўлиш учун

¹⁷ Байимбетов Б. Интернетда материал тайёрлаш хусусиятлари. Маърузалар матни. Б.29.

бир хил фанлардан дарс берилади, бироқ рус журналисти инглиз ҳамкасбидан фарқли ёзади, сабаби оддий, унинг тарбияланган муҳити, миллий менталитети, одоби бошқача бўлган. Бу фикрни журналистика касб этикаси масаласи бўйича илмий изланиш олиб борган ва бу масалада ўзбек тилида биринчи бўлиб қўлланма тузган олим Х.Дўстмуҳаммедов ҳам қуйидагича талқин этади: “Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, халқимизнинг маданияти, маънавияти ва одоб-ахлоқ меъёрлари меросига мурожаат қилинса, ҳозирги замон журналистикаси соҳасида касб одоби мезонлари учун мустаҳкам асос бўларли таълимотлар, ҳикматлар, ўз кадр-қимматини йўқотмаган кадриятлар жуда кўплаб топилади. Уларни синчиклаб ўрганиш, саралаш ва журналистнинг касб одоби соҳасига бевосита тааллуқли ўринлардан фойдаланиш яхши самара беради”¹⁸. Демак, тарихий келиб чиқиш, амалдаги давлат тузуми энг катта тарбиявий муҳит саналар экан.

Англия Буюк Британиянинг тўрт маъмурий-сиёсий қисмларидан бири ҳисобланади. Буюк Британия тарихдан ривожланган мамлакат. Шунинг учун бу давлатда ОАВ фаолиятини тартибга солиш тажрибаси яхши йўлга қўйилган. Бу, биринчи навбатда, ҳуқуқий ҳужжат, ахлоқий кодекслар, шунингдек, таҳририятларнинг ички низомва қонун-қоидаларида кўринади. Мамлакат оммавий ахборот воситалари устидан қуйидаги йўналишлар бўйича ҳукумат томонидан кузатув ва текширувлар ўтказиб турилиши кузатилади:

1. Молиявий назорат. Бу ҳукуматнинг лицензиялар бериш, солиқ ва фойда олишни текшириш орқали амалга оширилади;

2. Таҳририят сиёсатини назорат қилиш. Бунда ҳукумат ОАВнинг жамоатчилик фикрини шакллантиришда ва сиёсий соҳада аҳамиятли ахборотни тарқатиш орқали аудиториянинг сиёсий онгини шакллантиришдаги вазифаларини кўпинча таҳлил қилиб олади.

¹⁸ Дўстмуҳаммедов Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил. - Т.: Янги аср авлоди, 2007. Б.94-95.

Англия оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий тартиботи бошқа давлатларнинг тизимидан фарқли. Улар давлат томонидан назорат қилинмайди, уларнинг устидан цензура ўрнатилмаган. Газета ёки журналларнинг муҳаррирлари ва мухбирлари мамлакат фуқаролари бўйсунадиган умумий қонунлар олдида жавоб берадилар ҳолос.

Мухбирлар мудофаа ва халқаро алоқалар ҳамда шунга ўхшаш бошқа соҳалар бўйича ахборот йиғишда давлат томонидан қабул қилинган Official Secrets Act, яъни Расмий Сирлар Қонуни доирасидан чиқиб кетмасликка мажбур.

Англия журналистлари ўз фаолияти давомида фойдаланадиган ахлоқий кодексларининг асосийлари қуйидагилардир:

1. International Federation of Journalists (Журналистлар Халқаро Федерацияси) ташкилоти томонидан 25-28 апрель 1954 йил санасида Бордода ўтган Федерациянинг Иккинчи Жаҳон Конгрессида қабул қилинган “Declaration of Principles on the Conduct of Journalists” (“Журналистлар муносабатида тамойиллар декларацияси”) журналистлар фаолиятининг барча қирраларини ўз ичига олган 9 тамойилдан иборат. Декларацияга 2-6 июнь 1986 йилда Хелсингорда ўтказилган 18 ЖХФ Жаҳон Конгрессида охириги марта ўзгартиришлар киритилган.

2. “Society of Professional Journalists’ Code of Ethics” (“Профессионал журналистлар жамиятининг этика кодекси”) – илк бора 1926 йил қабул қилинган ва 1973, 1984, 1987 йилларда ҳамда охириги марта 1996 йилда ўзгартирилган бўлиб, таркибида 4 та талаб остида жами 37 та меъёрни жамлайди. Айтиб ўтиш керакки, ушбу меъёрни ҳозирги кўриниши аввалги (1987 йилги) вариантыдан кескин фарқ қилади.

3. United Kingdom: Code of Practice – Press Complaints Commission (Матбуот шикоятлари комиссияси) томонидан 1994 йил апрелда қабул қилинган. 1997 йил 26 ноябрь ҳамда 1999 йилнинг декабрь ойида бир қатор ўзгартиришлар киритилган. 16 банд ва меъёрларга бўлинган.

4. NJU. Code of Conduct – British National Union of Journalists (NUJ)
(Британия журналистлари миллий уюшмаси)нинг Муносабатлар кодекси
1994 йилнинг 29 июнида қабул қилинган. 12 та меъёрни ўз ичига олади.

Мамлакатда ҳудудий ва маҳаллий газеталари марказий шаҳарларидан тортиб, кичик туманларда ҳам чиқарилади. Уларнинг чиқиш даврига кўра тонгги ва кечки кундалик газеталар, якшанбалик ва ҳафталик газеталарга ажратиш мумкин. Бу газеталарнинг 90 %и ўз онлайн саҳифасига ҳам эгалигини таъкидлаш жоиз.

Манбаларда Англияда матбуотни ахборот етказиш, баҳсга чорлаш ва тасвирлаш функциялари мавжудлиги алоҳида таъкидланади. Бундан мақсад, асосан, ҳар соҳадаги сайловчига тўғри танловни қабул қилиши учун ишончли ва аниқ ахборотни етказиш. Одамларга факт ва ахборотни тўлиқ берилиши уларни ўз-ўзини ҳимоя эта олишни таъминлайди. Ундан ташқари, Англия оммавий ахборот воситалари фаолиятида интерактивлик ҳам ўзига хос тарзда йўлга қўйилгани ОАВ учун ўз аудиториясини кенгайтириш имкониятини беради.

Мамлакат миқёсида олиб қаралганда, илк 20 таликка кирувчи сифатли матбуот нашрлари қуйидагилар: “The Times”, ”The Guardian”, “The Daily Telegraph”, “The Financial Times”, “The Observer”, “The Sunday Times”, “The Sunday Telegraph”.

Улардан “The Times” газетаси 1785 йилдан чоп этилади. Айтишларича, “The Times” янгиликни истамайдиган жамиятга тегишли экан. Ҳафта давомида унинг уч хил наشري чоп этилади. Ҳаммаси бир хил жуда тез сотилади. “The Times” газетаси фаолиятига кейинги фаслларда батафсил тўхталамиз.

Англия тарихидан маълумки, мамлакатда ҳукумат томонидан матбуот эркинлигини чеклашга қаратилган қонун лойиҳаларини яратишга зўр бергани сайин мамлакатдаги оммавий ахборот воситалари тизимида касб кодексларини ишлаб чиқишга эътибор кучайган. Англия Парламентида мана шунга ўхшаш ҳаракатлар зўрайган паллада матбуот соҳасида ўзини-ўзи

бошқариш тизimini яратиш ташаббуси эълон қилинган ва матбуотга оид шикоятларни кўриб чиқувчи Матбуот қўмитаси ташкил этилган¹⁹.

1953 йилда Матбуот кенгаши тузилган. У расмий идора эмас, балки бир канча журналистлардан ташкил топган жамоатчилик кенгаши, гоҳ-гоҳи баъзи бир газеталар ёки улар устидан фуқаролар томонидан берилган норозиликларни текшириш вазифасини бажаради. Бу уюшма узоғи билан арзнома тушган газетага танқидий ҳисобот ёзади. Аммо бунинг газета фаолияти учун унчалик зарари сезилмайди.

Юқорида саналган ахлоқий кодекслар ичида Матбуот шикоятлари қўмитасининг “Editors’ Code of Practice” (“Мухаррирларнинг амалиёт кодекси”) мамлакатда нисбатан кучлироқ таъсирга эга. Чунки мазкур қўмита шу даврга қадар мамлакатда журналистика ва сўз эркинлигининг ҳимоячиси бўлиб келади. Журналистлар устидан тушган аризаларни судгача етиб бормасдан ҳал бўлишида муҳим ўрин тутаяди. Агар биз мазкур ҳужжатни таҳлил этадиган бўлсак, у қуйидаги қисмлардан таркиб топган.

Кодекснинг сўзбошисида матбуотнинг барча ходимлари энг юксак даражадаги касбий талабларга амал қилишлари бурч саналиши айтилади. Мазкур этика кодекси ҳар бир шахс ва жамоатчиликнинг ҳақиқатни билишга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан келиб чиқаяди. Мазкур ҳужжат кўпроқ ўз-ўзини бошқариш тизими асосида ижод қилишни кўзлайди. Кириш қисмида, шунингдек, барча шахсларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, сўз ва фикр эркинлиги, жамоатчилик манфаатлари журналистлар учун доимо асосий ахлоқий мезонлар бўлиб қолиши таъкидланган. Нашрларнинг ҳам босма, ҳам электрон версияларида мазкур кодекс талабларига амал қилиш муҳаррирлар ва ноширларнинг бурчи саналган. Улар ушбу бурчнинг тўла бажаришлари учун барча штатдаги ходимлари, шунингдек, журналист бўлмаган матбуот тарқатувчи ходимларининг кодекс талабларига риоя қилаётганликларини кузатиб боришлари лозим.

¹⁹ Сиберт С. Фред, Шрамм У., Питерсон Т. Четыре теории прессы. – М.: Вагриус. – 1998, С. 13.

Мухаррирлар Матбуот шикоятлари комиссияси кўриб чиқаётган ва уларга алоқадор бўлган шикоят ўринли бўлса, кўмита талабларига бўйсунтирилари, жиддий хатоларга йўл қўйишгани кўмита томонидан аниқланса, кўмитанинг қарорини келтириб, кейинги нашр сонларида ўз хатоларини тўғрилашлари лозимлиги алоҳида қайд этилган.

Шундан сўнг кодекснинг асосий меъёрлари бошланади. Меъёрлар аввал айтганимиздек, 16 банддан иборат. Ҳар бир банд махсус сарлавҳаланган ва яна ички таркибий бўлинишларга эга:

1. Accuracy (Аниқлик) бандида нотўғри, чалкаш ёки шубҳали маълумот ва суратларни чоп этмаслиги, агар бундай ахлоқий талаблар бузилишига йўл қўйилса, дарҳол хатосини тузатиши зарурлиги, ҳар қандай материалда факт ва шахсий фикр, шарҳларни аниқ ажратиб бериши лозимлиги айtilган.

2 Opportunity to reply (Жавоб беришга имконият) бандида агар нашрда хато ёки чалкашликка йўл қўйилган бўлса, бунинг сабабини келтириш зарурлиги айtilган.

3. Privacy (Шахсийлик) ўзгаларнинг шахсий ҳаётига аралашмаслик, уларнинг оилавий ҳаёти, хонадони, соғлиғи, телефон алоқалари ва бошқаларига дахл қилмаслик, эгасининг рухсатисиз шахснинг сурати, биноси кабиларнинг расмларини чоп этмаслик зарурлиги айtilган.

4 Harassment (Таъқиб этиш, безовта қилиш) бандида эса журналистлар бошқаларни таъқиб этишлари, уларни саволга тутиб туриб олишлари, кетма-кет телефонда безовта қилишлари, суратга олишлари ёки кетишлари сўралганда ҳам одамларга тегишли ҳудуддан кетмай туриб олишлари ва эргашиб юраверишлари мумкин эмаслиги қайд қилинган.

5. Intrusion into grief or shock (Мушибат ёки шок ҳолатларига аралаштириш) бандида эса одамларнинг бошларига ғам-ташвиш тушган ва зўриқиш ҳолатида турган вақтида уларга одоб доирасида ва самимий мурожаат қилиш, лекин бу билан журналист суриштируви олиб борилишини тўхтатиб қўймаслиги зарурлиги айtilган. Энг эътиборли меъёр бизнинг бу банднинг иккинчиси бўлиб, унда агар журналист ўз жонига қасд қилган ҳақида

ёзаётган бўлса, ўзини ўлдириш усулини батафсил тасвирлашдан ўзини тийиши зарурлиги таъкидланган.

6. Children (Болалар) бандида асосан 16 ёшга тўлмаган болаларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинади. Хусусан, уларнинг мактаб ҳудудидаги вақт мобайнида уларга бировнинг ҳалақит бериши, мутасадди шахслар ёки тарбиячи-мураббийнинг рухсатисиз 16 ёшдан кичик болани сўроққа тутиш, суратини олиш тақиқланади. Бу бандда яна бир муҳим меъёрлардан бири шуки, муҳаррирлар ота-она ёки мураббийнинг обрўси, мансаби ёки мавқеини боланинг шахсий ҳаётидаги барча деталларни ёритиш учун сабаб килиб келтирмасликлари шартлиги ёзилган.

7. Children in sex cases (Жинсий ҳолатлар билан боғлиқ вазиятларда болалар) номли бандда агар болалар 16 ёшдан кичик бўлса ва бундай вазиятларнинг гувоҳи бўлган бўлса уларнинг исмини аниқ кўрсатиш мумкин эмаслиги айтилади. Бундай вазиятларда фақат 16 ёшдан юқори ўсмирларнинг исми кўрсатилиши мумкин.

8. Hospitals (Шифохоналар) бандида журналистлар шифохона ёки шунга ўхшаш ташкилотларга киришдан олдин ўзларини танитишлари ва рухсат олишлари, у ердаги шахсларнинг шахсий ҳаётига аралашмасликлари ёзилган.

9. Reporting of Crime (Жиноятларни ёритиш) бандида жиноят содир этган шахснинг қариндошлари ёки дўстларининг номи уларнинг рухсатисиз журналистик материалга киритилмаслиги, болалар бундай воқеага гувоҳ бўлган бўлса, уларнинг келажагини асраш лозимлиги таъкидланган.

10. Clandestine devices and subterfuge (Яширин ускуналар ва айёрлик) деб номланган бандда журналистлар ахборот излаш чоғида яширин камералар ёки эшитиш мосламаларидан фойдаланмасликлари, шахсий телефон, уяли телефон сўзлашувлари, электрон почта, хатлар, шахсий ҳужжатлар, расмларни рухсатсиз олмасликлари кабилар ёзилган. Агар маълумот жамоатчилик манфаатларига хизмат қилса ва бу ўринда яширин олинган маълумотни бошқача изоҳлаш мумкин бўлмаса, мазкур маълумотлардан фойдаланиш ҳам мумкин.

11. Victims of sexual assault (Жинсий тажовуз жабрланувчилари) бандида эса агар етарли асос бўлмаса, номусига тажовуз қилинган шахсни аноним сақлаш талаб этилади.

12. Discrimination (Камситиш) бандида шахсларнинг ирқий, ранги, диний, жинсий, ижтимоий келиб чиқиши ёки жисмоний ёхуд ақлий нуқсони жиҳатидан камситилиши мумкин эмаслиги айтилган. Агар журналистик материалда мазкур маълумот ўта зарур бўлсагина, ушбу детал келтирилиши мумкин.

13. Financial journalism (Иқтисодий журналистика) сарлавҳали банд бугунги бозор иқтисодиёти шароитига мос ҳолда ишланган меъёрларни ўз ичига олади. Чунончи, унда журналистлар ўз манфаатлари йўлида маълумот эълон қилишлари, ўзлари ёки бирор танишларининг фойдасини кўзлаб, материаллар ёзишлари ман этилади.

14. Confidential sources (Яширин ахборот манбалари) бандида журналистлар ўз ахборот манбаларини очмасликлари ахлоқий бурч эканлиги айтилган.

15. Witness payments in criminal trials (Жиноий жавобгарлик ишларида гувоҳларга пул таклиф қилиш) номли бандда жиноятчиликда айбланаётган гумондорнинг айби судда тўла исботланмагунча, жиноятни кўрган гувоҳларга пул бериш ёки шундай таклиф билан улардан маълумот олиб уни чоп этиш ахлоққа зид деб қаралади.

16. Payment to criminals (Жиноятчиларга пул тўлаш) номли охириги бандда жамоатчилик манфаатларига мос келмаса, жиноятчиларга пул таклиф қилиб, уларнинг қилган жиноятларини тафсилотларини тўла ўрганиш ва шу асосда материал ёзиб чоп этиш мумкин эмас, дейилган.

Кодекснинг охирида “The public interest” (“Жамоатчилик манфаатлари”) номли қисм бўлиб, унда журналистлар доимо озчиликдан кўра кўпчиликнинг манфаатларини ҳимоя қилишлари лозимлиги таъкидланган.

Мазкур кодекс мазмуни бизга бугунги даврнинг нақадар мураккаблашуви, аҳоли ўртасида ҳар қандай вазиятга тайёр туришдек

масалаларни қамраб олганини кўрсатаёпти. “Авваллари ўзбек хонадонларида эшиклар кулфланмасди”, деган жумла севимли ўзбек миллий фильмимиз “Суюнчи”да айтилгани шу он ёдимизга тушди. Замонми ёхуд инсон мураккаблашиб бораётгани ҳар бир ҳатти-ҳаракатда эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, зийраклик, синчковлик каби хусусиятларга эга бўлишни талаб этаёпти. Албатта, бу ахлоқ масалалари билан боғлиқ ҳодисалардандир ва касб ахлоқи деган тушунча ҳам ана шу вазият тақозоси эканлигини англатади.

Шу ўринда, мамлакатимизда ОАВ Қонунчилиги бўйича журналистга қўйиладиган мажбуриятларни эсга олсак. Ўзбекистон республикасининг “Журналистлик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасида журналистнинг мажбуриятлари берилади. Унга кўра, “ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида журналист:

- қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари талабларига риоя этиши;

- ўзи тайёрлаётган материалларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириши ва ҳолис ахборот тақдим этиши;

- айбсизлик презумпцияси принципига амал қилиши;

- шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши шарт.

- журналист ўз касбига доир ахборотдан шахсий мақсадларда фойдаланиши, ахборот манбаи ёки муаллиф розилигисиз жисмоний шахснинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотларни эълон қилиши, шунингдек, аудио ва видеоёзиш воситаларидан фойдаланиши мумкин эмас; журналист қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши шарт”²⁰.

Бундан кўринадикки, ҳар қайси давлатда касб ахлоқи билан боғлиқ масалаларга жиддий эътибор қаратилади.

²⁰Тўртинчи ҳокимият: Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами. – Т.: Мехнат, 2003.Б.47.

Умуман олганда, демократик давлатда плюрализм бўлиши, бунда ҳар бир шахс ўз фикри, қарашига эгаллиги ҳар жиҳатдан ижобий самара беради. Бу эркин демократик давлат ва одил фуқаролик жамияти тушунчасини ифодалайди. Демократия амалда бўлган давлатда яшаш тарзини яхшилаш учун керакли ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўлади, хусусан касбий фаолиятга доири ҳам. Инглиз журналистлари учун тузилган ахлоқий кодексларда кўрдикки, аввало, бу касб эгаси ахборот билан ишлашда холис ёндашувни амалга ошириши, қолаверса, масалага эҳтиёткорона ёндашиши умумий маъно касб этади. Энг муҳими, касб ахлоқи бўйича тузилган кодекслар журналистдан маълум тартибларга риоя қилиб материал тайёрлашни талаб этади, бу эса омманинг манбага бўлган ишончини кафолатлайди.

1.2. Анъанавий нашр фаолияти самарадорлигини таъминлашнинг касбий ахлоқий меъёрлари

Сўнгги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари тизимида катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. “Тўртинчи ҳокимият” номли китобда бу қуйидагича таъкидланади:

“Юксак марраларга эришиш учун кейинги йилларда мамлакатимизда қонунчилик соҳаси ва амалий ҳаётимизда, оммавий ахборот воситалари ва матбаачиликнинг эркин фаолияти учун зарур қафолат ва шароит барпо этиш, журналист кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда”²¹.

Умуман, дунё мамлакатларида оммавий ахборот воситалари жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида етакчи ўрин тутди. Газета ва журналлар, радио ва телевидение ҳар бир давлатда омма билан ҳокимият ўртасида ўзига хос алоқа воситаси, ошкоралик кўзгуси, ҳақиқат жарчиси бўлиб хизмат қилади. Юртбошимиз жамиятимизнинг бугунги ҳаёти, унинг барча қувончли, шу билан бирга машаққатли, оғир томонлари матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ўзининг қанчалик холисона аксини топса, жамиятимизда шунчалик адолат ва тўғрисиўзлик муҳити ҳукмрон бўлади, деб жуда оқилона таъкидлаганлар. Халқ фикрининг очик-ойдин ифодаловчиси демократиянинг муҳим таянчи бўлганлиги учун давлат бошқавруви органлари оммавий ахборот воситалари билан маслаҳатлашишга, уларнинг таклифларини эътиборга олишга мажбурдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон республикаси Конституциясининг 67-моддасида: “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди”, дейилади. Бинобарин, давлатимизнинг Асосий Қонунида бу қоида бежиз қайд этилмаган. Ушбу қисқа жумлаларда оммавий ахборот воситаларининг

²¹ Тўртинчи ҳокимият: Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами. – Т.: Меҳнат, 2003.Б.5.

ролини ошириш, эркинлигини кўрсатиш, уларнинг халққа садоқат билан хизмат қилишига эришиш зарурияти алоҳида уқтирилган.

Ҳозирги кунда мустақил давлатимизда оммавий ахборот воситалари ва уларда хизмат қилаётган ижодкорларнинг эркин, кенг қамровли, ошкора фаолият кўрсатишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Кейинги бир неча йил ичида Олий Мажлисбу борада қатор қонунлар қабул қилдики, улар ҳар қайси оммавий ахборот воситаси ва ҳар бир журналист учун дастуруламалдир, ўзига хос ҳимоя воситасидир.

Бугунги кунда соҳага доир, хусусан, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги, “Реклама тўғрисида”ги, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунларининг қабул қилиниши ОАВ соҳасининг ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамловчи омил бўлди. Бундан ташқари, мамлакатимизда соҳа учун хизмат қилувчи Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари мониторинги ва уларни лицензиялаш маркази ташкил этилди. Албатта, буларнинг барчаси соҳа бўйича олиб борилаётган ислохотлар натижасидир.

Мазкур яратилган ҳуқуқий асослар барча мамлакатлар журналистикаси учун хосдир, ҳатто жаҳон миқёсида қабул қилинган Халқаро ахлоқ меъёрлари ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Шу ўринда савол туғилади: нима учун барча соҳада касб ахлоқи бўйича маълум белгиланган ҳуқуқий асос яратилган? Албатта, бу саволга анъанавий нашрларнинг фаолияти мисолида, қолаверса, улар ишининг самарадорлигини таъминлашда касбий ахлоқий меъёрларнинг аҳамияти сўз юритамиз.

Юқорида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятинининг ҳуқуқий асослари берилганда, улар орасида матбуот, нашрлар фаолияти билан боғлиқ Қонун ҳужжати номига ҳам дуч келинди. Саволга ана шу Қонун лойиҳалари асосида жавоб излаймиз. Улардан

биринчиси, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда ОАВ эркинлиги, цензурага, монополаштиришга йўл қўймаслик, таъсис этиш ҳуқуқи ва ҳужжатлари, муассис ва таҳририят шартномаси, ОАВни рўйхатга олиш, нашрга оид маълумотлар ва шу каби ташкилий, ҳуқуқий масалаларга батафсил тўхталинади. Айтиб ўтиш жоизки, мазкур Қонун умумий талаблар мажмуи бўлгани боис тузилганидан бошлаб унга кўп бора ўзгартиришлар киритиб келинади.

“Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунда эса ахборот ва унга доир тушунчалар, ахборот эркинлиги, ахборот олиш ва бериш тартиби, шахснинг ахборот борасидаги ҳавфсизлиги каби масалаларга эътибор қаратилади. Албатта, ахборот бугуннинг долзарб муаммоларидан бири эканлиги, журналист учун касб ахлоқи масаласига ҳам ахборотнинг бугунги кучли аҳамият касб этаётгани сабаб бўлмоқда. Яна бир Қонун “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида” бўлиб, ушбу ҳуқуқий манбада журналистлик фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солади, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, унга ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлар беради, журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини белгилайди. Шунга кўра мазкур Қонун ҳужжатида маълум мавзудаги ахборотни тўплаш, таҳлил этиш ҳамда тарқатиш билан шуғулланувчи шахс, яъни журналистга таъриф берилади, унинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, дахлсизлиги, текширув олиб бориши, касбига доир фаолияти кафолатлари, аккредитацияси, жавобгарлиги ва шу каби масалалар моддаларда аксини топади. Мазкур Қонун ҳужжати биз ўрганаётган мавзуга бевосита дахлдор бўлиб, унда қайд этилганидек, нашр фаолиятини яхшилиги унда фаолият олиб боровчи журналист маҳоратига дахлдордир.

Журналист касб ахлоқи бевосита аудитория билан алоқаларида ўз ифодасини топади. Демак, аввало, журналист аудитория билан самарали муносабат ўрнатиши лозим.

Ҳозирги вақтда журналист-аудитория муносабатларини айнан қандай меъёрлар бошқаради (амал қилади) ва ахборот товари ишлаб чиқариш ва истеъмолчи билан ўзаро алоқаларда улар оптимал тартиб ўрнатишга қанчалик ёрдам беришини ҳам мулоҳаза қилиб кўриш лозим.

Касбий-ахлоқий ҳужжатларни таҳлил этиш асосида шунини айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда қуйидаги талабларни ўзида жамлаган меъёрлар яхши самара беради. Биз уларни қисман таҳлил этиб ўтаемиз.

Биринчи меъёр: Умумэзгулик ва инсониятнинг дахлсиз ҳуқуқларидан бири сифатида матбуот эркинлигини ҳар томонлама ҳимоя қилиш.

Матбуот эркинлиги ҳамма вақт долзарб масала бўлиб келган ва у жаҳоннинг кўпчилиқ давлатлари қонунчилигида ҳам, бошқа меъёрий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. АҚШ Конституциясидаги “Биринчи қўшимча”нинг қабул қилиниши ҳам айнан матбуот эркинлигини таъминлаш учун амалга оширилган. Бу борада С. Жабборов билдирган фикрни келтириш ўринлидир:

“Агар биз “Биринчи қўшимча”нинг моҳиятига эътибор қилсак, у фуқаролар ҳуқуқини ҳимоялаш эмас, балки ҳукуматнинг матбуот эркинлигига қарши ҳаракатларини ман қилишни кўпроқ назарда тутди”²².

Бундан ташқари, эркинлик ҳамда ўз фикрини эркин ифодалаш журналист касбий этикаси мутахассислари, хусусан, Э.Б. Ламбет ва Г.В. Лазутиналар томонидан энг муҳим касбий ахлоқий тамойиллар сирасига киритилади.

Иккинчи меъёр: Одамлар ва жамиятнинг ҳақиқатни билиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш, фактларга шахсий фикрларни аниқ ажратган ҳолда

²² Жабборов С. Оммавий ахборот воситалари қонунчилиги. Т.: 2000.

ёндашиш, нотўғри маълумот тарқатиш ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ахборотларни яширишга қарши ҳаракат қилиш.

Ҳар бир кишининг “ахборот ва ғояларни қидириш, олиш ва тарқатиш” ҳуқуқи 1948 йилда “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 19-моддаси орқали мустаҳкамланган.

Халқаро Журналистлар Федерациясининг “Журналистлар ахлоқи принциплари декларацияси”нинг дастлабки бандида “биринчи навбатдаги журналист бурчи” дея талқин қилинади.

Ушбу ҳақиқатни оммага етказишни кўзловчи меъёр журналистларда ўз навбатида ҳаққонийлик, холислик ва тезкорлик принципларига амал қилишларини тақозо этади. Зеро, мавқеидан фойдаланиб ўз фикрини оммага сингдиришга интилиш ҳаракатини кишиларнинг фикр ва сўз эркинлигига таҳдид сифатида баҳолаш мумкин. Умуаҳамиятга молик хабарлар, масалан, аҳолига таҳдид солиши мумкин табиий, сиёсий, мафкуравий хавфдан хабар топган журналист, албата, бундан аудиторияни огоҳ этишга интилиши ва бу йўлда ҳиссиётга берилмай, омма онгида ортиқча ваҳима туғилишини олдини олиши лозим.

Ўрни келганда алоҳида таъкидлашимиз лозимки, ҳозирги вақтда миллий журналистикамизнинг жиддий камчиликларидан бири рўй бераётган (ёки бўлаётган) табиий ва бошқа таҳдидлар ҳақида ўз вақтида хабар бермаслигидир. Бу эса фойдадан кўра кўпроқ зарар келтириши, айнан шу кечиктириш орқали олди олинмоқчи бўлинган саросиманинг кучайиб кетишига таъсир этиши мумкин. “Профессional журналистлар жамияти”нинг “этник меъёрлар кодекси”да (1996 й.) ҳам бу масалага атрофлича эътибор қаратилган. Хусусан, унга кўра жамиятга таҳдид солувчи “Бўлиши муқарар бўлган конфликт (зиддият)лар ҳақида очик гапириш”га журналистлар мажбурдирлар.

Учинчи меъёр: Аудиториянинг ахлоқий қадриятлари ва маданий стандарт (яшаиш даражаси)ларини ҳурмат қилиш.

Бу меъёр халқаро миқёсда қабул қилинган касбий этика кодекслари ва бошқа ахлоқий ҳужжатларнинг деярли барчасида учрайди. Жумладан, “Профессионал журналистлар жамияти”нинг “Этик меъёрлар кодекси”да бу “Бошқа маданий кадриятларга қиёсланмаган ҳолда ҳурматлаш” деб кўрсатилган бўлса, профессионал журналистларнинг халқаро ва регионал (маҳаллий) ташкилотларнинг маслаҳат йиғилиш (20 ноябрь 1983 йил Париж)да қабул қилинган “Журналист касбий этикасининг халқаро тамойиллар”да “умумий кадриятлар ва маданиятлар хилма-хиллигини ҳурматлаш” шаклида тилга олинади.

Мазкур меъёр кўп миллатли халқимизга хизмат қилишга бел боғлаган ҳар бир журналист учун ҳам бирдек муҳимдир. Унга амал қилиш мамлакат мамлакат ҳудудида демократик тамойилларнинг шаклланишида ва тақи халқаро муносабатларнинг яхшиланишида катта аҳамият касб этади.

Тўртинчи меъёр: одамларнинг ОАВга бўлган ишончини оширишга интилиш.

Бу меъёр ўз навбатида:

- ОАВнинг ўз аудиторияси билан очик мулоқот олиб бориши;
- ўз фаолияти ҳақидаги кишиларнинг ҳаққоний норозиликларини ошкора қабул қилиши;
- кишилар учун танқидга жавоб бериш имкониятини яратиш;
- жиддий хатоларни дарҳол тузатиш сингари бир қатор ахлоқий меъёрларга амал қилиш талабини қўяди. Зеро, ахборот ва аудитория учун қарашишда рақиблани енгишга интилувчи ҳар бир ОАВ ва унинг ходимлари айнан шундай мақсадларига етишишлари мумкин.

ОАВ учун ахборот материали тайёрлаш жараёнида журналист учун ўрнатилиши зарурий бўлган алоқалардан яна бири, ҳатто энг аҳамиятлиси – бу улар иши учун керакли маълумотни тақдим қилувчилар билан боғланишдир. Журналист ишончли маълумотга эга бўлмаса, ҳеч нарсага қодир бўлмайди. Мелвин Менчер таъкидлаганидек, манбалар репортёрга ҳаёт бағишловчи қон. Манба ёрдамида ахборотга етишмай туриб, репортёр

ишлай олмайди²³. Бу айниқса, янгилик ижодкори бевосита ўз гувоҳи бўлмаган ҳодисаларни ёритишда очик кўринади. Бундай вазиятда яқиндагина содир бўлган ва ҳали қоғозга туширилмаган ёки расмий жиҳатдан ҳужжатлаштирилмаган воқеа тафсилотлари ҳақидаги ишончли маълумот фақат ўша воқеа қатнашчилари ёки гувоҳларидан олиниши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ахборот олишнинг энг зарурий ва самарали воситаси – шахслараро муносабат журналистик фаолиятнинг ажралмас усули саналади. У ёки бу мақолани ёзишда ҳамкасблар ёки муҳаррирлар билан фикр алмашиш, ўзаро мулоқотда бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Бироқ ахборот манбаи билан юзма-юз мулоқот олиб бориш ҳамма вақт мажбурийдир, шунинг учун бўса керак, бир қатор тадқиқотчилар журналистнинг барча шахслараро алоқаларини айнан ахборот тўплаш процедуралари билан боғлайдилар.

Журналистнинг ўзига керакли бўлган маълумотларни тақдим этувчи одамлар билан муносабати касбий зарурат характериға эға. Бундай муносабатлар жараёнида журналист ўз олдига катта мақсадларни қўяди. Шу боис, суҳбатдошини тинглаш асносида унинг шахс сифатидаги қадр-қиммати (обрўси) масаласида қанчалик бош қотирса, бўлажак суҳбат мавзусига доир саволлар борасидаги чуқур билимға эғалиги ва бетарафлиги каби алоҳида вазифавий белгиларға ҳам шунчалик аҳамият бериши керак²⁴.

Журналист ва ахборот манбаи муносабатларида ахборот олиш кафолатларини таъминловчи қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар журналист фаолиятиға енгиллик ярптади. Чунки қонунлар давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва жавобгар шахслар ўз фаолиятлари ҳақида ОАВға ишончли, аниқ маълумотни тақдим этишни кафолатлайди. Қонунни бузиш ёки ундаги талабларни рад этиш эса охир оқибат суд жавобгарлигини тақозо қилади.

Бироқ журналистика қайси маълумотни бериш-бермаслик киши (манба, раҳбар)ларнинг ўз шахсий истак-иродаси билан боғлиқ эканини ҳам ҳисобға

²³ Mencher M. Nachrichten Reporting und Schreiben.Berlin.2002 .309 бет

²⁴ Авраамов Д.С. Профессиональная этики журналиста. М.: 1991. 157-158-бетлар.

олсак, асосий иш яна журналист зиммасига тушади. Журналист ўзига керакли шахсни топиб, у билан шундай алоқа ўрнатиши керакки натижада унинг ўзи журналистга арурий маълумотларни тўлиқ ҳажмда тақдим этсин. Моҳият эътибори билан ўз фаолияти характеридан келиб чиқиб журналист, Т.С. Авраамов таъкидлаганидек, ўзининг ахборотга бўлаган вазифавий истеъмолчилик манфаатларини манба нисбатан шахсий муносабат шаклига ўзгартиришга мажбур бўлади. Яъни субъект-объект тарзидаги муносабатни “субъект-субъект” шаклидаги ўзаро таъсирга ўзгартириш керак бўлади²⁵.

Ўзининг илк мўлжаллари асосида муаллиф ёзажак асарининг қай хилда бўлишини аниқлаб олади ва бу йўлда учрашиш зарур бўлган шахсларни ҳам белгилай. Чунки ахборот манбаининг камлиги бир томондан асаб қимматини туширса, иккинчи томондан ахлоқий меъёрларнинг бузилишига ҳам олиб келади. Бундай вазиятда журналист биз авлагани бобларда кўрганимиздек, тарафкашликда айбланиши мумкин. Шу асосда журналист асарида кўплаб ахборот манбалари маълумотларида фойдаланиш масаласига тўхталиб ўтамин.

Янгилик учун ахборот тўплаш маҳоратли интервью олишдан ташқари кўплаб манбалардан фойдалана билишни ҳам талаб қилади. Хеч шубҳасиз айтиш мумкинки, ахборот топиш учун юзлаб жойлар мавжуд.

Яхши журналистларнинг энг ёмон асари ягона, фақат битта ахборот манбаи маълумоти асосида ёзилганидир. Бундай асарлар камдан-кам ҳолларда нашр учун яроқли бўлади. Бриан бу борада шундай фикр билдиради:

“Кўплаб манбалардан ахборот тўплаш – бу яхши ёзиш ва яхши коммуникациянинг калитларидан биридир. Бу шунингдек, аниқликни таъминлашнинг ҳам энг яхши усулидир. Кўроқ ва янада кўпроқ манбалар текширилиб, бир-бирига қарши қўйиб борилган вақтда ҳикоянинг аниқлиги сезиларли тарзда юксалади”.²⁶

²⁵ Д.С. Авраамов. Кўрс адаб: 158-бет.

²⁶ S. Brian, G. Kennedy, SD. Moen, D. Ranly. News Reporting and Writing. 7th Edition, Columbia. University of Missouri. 2002. 238-p.

Ҳақиқатан ҳам, ахборот манбалари қанча кўп ва хилма-хил бўлса, журналист материали шунчалик қизиқарли бўлади ҳамда муаллифни ҳам, таҳририятни ҳам йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолардан асрайди, ҳаққонийликни, бетарафликни таъминлайди. Асосийси эса, ўқувчиларга ҳар томонлама батафсил ахборот тайёрлашига замин яратади. “Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти” қўлланмаси муаллифлари бу тўғрида шундай ёзишади:

“Ахборот манбаларининг кескин чегараланиши оқибатида энг аввало ахборот олиш ва узатиш имконияти чекклаб қўйилади. Иккинчидан, узатилаётган хабарларнинг ўзи ҳам мазмуний бир хиллик, шали қолипчилик хусусиятини касб этади, бу эса навбатда, ижтимоий фикрлаш тарзига инсон ҳуқуқларига зарар етказади”.

Шу ўринда Профессional журналистлар жамияти қабул қилган кодексдаги “Журналист овозсизга овоз бериши зарур: расмий ва норасмий манбалар тенг бўлишга ҳақли” деган меъёрини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу бир тарафдан журналист учун зарурий маълумотларни таъминловчи манбалар сонининг ўсишига ва ўз навбатида, иккинчи тарафдан, улар ўртасидаги рақобат натижасида журналистда энг сара маълумотларни танлаш имкониятининг кенгайишига йўл очади.

Ўз материали характери, яъни унинг ижобий ёки танқидий мавзуда эканига боғлиқ ҳолда журналист асосий суҳбатдошлари билан мулоқотга киришиш тартибини тузиб чиқиши зарур. Бир ўринда бу унга ёрдам берса, бошқасида вазиятни ўрганишга тўсқинлик қилади. Шу асосда айтиш мумкинки, журналистларга ахборот тақдим этувчи одамлар билан алоқалар биз юқорида қайд этган шахслараро муносабатлар қоидаларигагина бўйсунмайди. Т.И.Фролова бу борада очиқ равишда айтганидек, журналистик муносабат “шаклига кўра шахсий, лекин моҳиятига кўра ижтимоий”дир²⁷.

²⁷ Қаранг: Д. С. Авраамов. Кўрс. Адаб. 252-бет.

Журналистика соҳасида қабул қилинган касбий этика кодексларининг барчасида, ҳеч шубҳасиз, исботсиз хабарлар, турли овозалар, миш-мишлар, шунингдек, номаълум манбалардан олинган маълумотларни ишончли ахборот сифатида халққа тарқатишни таъқиқлайди. Д.С.Авраамов ахборот манбалари ва маълумот эгаларини баҳолашда журналистларни ўзи учун ишончли, шубҳали ва ишончсиз манбаларга ажратади, деган фикрни илгари суради²⁸. Мазкур ахборот манбаларини тўғри танлаш муаммоси анча жиддий бўлгани боис, бу масалада журналистлар эътибор беришлари керак бўлган муҳим сифатлар хусусида турли мутахассислар томонидан турлича қарашлар ўртага ташланган. Жумладан, инглиз тадқиқотчиларидан бири Херберт Ганс ОАВ ходимлари бу масалада эътиборга олиш керак бўлган “олтита йирик сифат”ни ажратиб кўрсатади. Улар қуйидагилар: тарихан муносиблик, маҳсулотлилик, ишончлилик, ростгўйлик, муаллифлик, аниқлик (маълумотлари мавҳумлик даражасини камлиги)²⁹.

Д.С. Авраамов фикрича эса, журналист бу борада биринчи навбатта, чуқур билимга эгалик (компетентлик) ва холислик (объективлик) сифатларини ўрганиб, ҳар сафар мулоҳаза қилиб кўришга мажбур³⁰. Шу асосда айтиш керакки, манбаани танлаш ҳам зарурий, ҳам мураккаб жараёндир. Зеро, ҳар қандай вазиятда оддий гувоҳлардан кўра мутахассислар маълумотига таяниш камроқ хатога йўл қўйилишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, журналистлар ҳам тақдир тақозоси билан ўз яқинлари, масалан, туғишганлар, қавм-қариндошлар ёки севган кишиларидан олган маълумотлари асосида асар ёзишлари ҳам турли сабаб бўлиши мумкин. Шунини ҳисобга олган баъзи таҳририятлар, ОАВ ташкилотлар ўз ахлоқ кодексларида бу масала юзасидан маълум меъёрларни ҳам киритган.

Журналист ва ахборот манбаи муносабати ҳақида гап кетганда, ахборот манбаини сир тутиш масаласига ҳам тўхталиш зарурдир. Кодексларни кўздан

²⁸ Ўша жойда. 163-бет.

²⁹ H. J. Gans Deciding What's News. London. Constable. 1980.

³⁰ Д.С. Авраамов. Кўрс. адаб. 163-бет.

кечирсак, уларнинг барчасида мазкур мавзуга дахлдор меъёрлар мавжуд эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Биз таҳлил этаётган декларация ва кодексларнинг барчасида махсус тамойил ёки меъёр орқали “Журналистлар ўз махфий ахборот манбаларини ҳимоя қилиш учун ахлоқий мажбуриятига эга” (“Амалиёт кодекси”дан) эканликлари махсус қайд этиб қўйилган. Айнан шу масалада эса энг кўп меъёрларга яна Профессинал журналистлар жамиятининг этика кодексида дуч келимиз. Чунончи, кодексда журналист-ахборот манбаи муносабатига дахлдор қуйидаги меъёрларни ажиратиб кўрсатиш муҳимдир:

- журналист қачон имкони бўлса, манбаларни маълум қилиши зарур. Жамоатчиликнинг манба ишончилиги асосида имкон қадар кўп ахборот олишга ҳаққи бор.

- журналист ҳамма вақт анонимликка сўз беришдан олдин манбаларнинг мотив (мақсад)ларини сўраши зарур. Ахборот алмашинуви жараёнида қилинган бирон ваъда билан боғлиқ вазиятларни белгилаш зарур. Журналист сўзида туриши керак³¹. Шу асосда айтиш мумкинки, журналист ва ахборот манбаи муносабати ниҳоятда мураккаб ва жиддий эътибор талаб қиладиган масаладир.

Умуман олганда, анъанавий нашр фаолиятида самарадорликка эришиш учун унда хизмат қиладиган ходимлар, хусусан, журналистларнинг ҳатти-ҳаракатлари аҳамиятли ҳисобланади. журналист касб меъёрларига риоя қилиши, материал устида ишлашда холислик, аниқлик каби асосий мезонларга риоя қилиши керак. Чунки касбий-ахлоқий меъёрларнинг талаб этилиши жамият манфаатларидан келиб чиқиб тузилган. Жамиятнинг тинчлиги, фаровонлиги, ана шу журналистнинг ҳам осуда ҳаёти демакдир, сабаби у ҳам ана шу жамиятнинг бир қисми ҳисобланади.

³¹ webmaster@presswise.org.uk.

1.3. “The Times” газетасининг фаолиятида касбий этика масалаларининг намоён бўлиши

«Умумий давлат тизими таркибига кирадиган журналистика айни чоғда жамиятнинг ўзига хос ижтимоий институти ҳисобланади. Яъни, тизим ичидаги тизим...»³².

Н.Асиме.

“Журналистика” атамаси ўзида иш-фаолият, кишилар касби, ёзилган асар, ОАВ йиғиндиси ва ижтимоий институт маъноларини акс эттиради. Ҳар бир жамиятда турли соҳа билан шуғулланувчи шахслар ижоди натижасида асарлар вужудга келади ва ушбу ижод маҳсуллари уларни йиғиб, қайта ишлаб, тарқатиш фаолиятидаги кишилар томонидан қабул қилинади, жамланади, кейин бу касб эгалари ҳар хил мазмундаги материалларни ОАВнинг мос шаклида эълон қиладилар. Агар бу жараённи кузатсак, уни жамиятнинг алоҳида ижтимоий институти, деб баҳолай оламиз. Кўриниб турибдики, юқорида келтирилган журналистиканинг беш маъноси бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Ўрни келса, улар бир-бирини тўлдиради ҳам, дея оламиз.

Матбуот ходимлари, яъни журналистларда бошқа ҳамкасбларидан асар устида қайта иш олиб бориш имконияти кенгроқ бўлади. Чунки теле маҳсулот ёки радиоэшиттиришда қатнашаётган, дейлик, интервью берувчи ўз овози билан иштирок этади. Унинг сўзлари муаллиф томонидан қайта ўзгартирилиши имконияти мавжуд эмас. Босма нашр журналистларида эса пайти келганда, узоқ масофада, ҳеч қандай кўринишнинг аҳамиятисиз, ҳатто, интервью берувчига ҳалақит қилмаса, шовқинли вазиятда туриб ҳам суҳбатлашиш шароити мавжуд бўлади. Қисқагина жавоб олиб, уни ўзлари

³² Асиме Н. Формы и методы воздействия СМИ на формирование общественного мнения.: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Минск: 1998. – С. 1.

кайта ишлайдилар, ҳам. Агар материал жанрида суҳбат жараёни фотолавҳаси талаб этилмаса, ҳатто нашр ходимининг ўзи телефон орқалигина гаплашиб олади, холос. Теле, радио бошқа ускуналари, бундан ташқари ресижжёр, тасвирчи, чирокчи, ёрдамчи муҳандис, ҳайдовчилар иштирокини ҳам талаб этмайди. Демак, босма нашр журналисти анча қулай вазиятда бўлади, қолаверса, интервью берувчи ҳам.

Бундан кўринадикки, босма нашрда фаолият олиб боровчи шахслар ўқувчини жалб этиш учун материалларига ўз қарашларини ҳам сингдира оладилар. Бу бир жиҳатдан яхши, аммо ҳаққонийлик, холислик каби касбий ахлоқий мезонларнинг бузилишига ҳам сабаб бўлади, баъзида.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, халқимизнинг маданияти, маънавияти ва одоб-ахлоқ меъёрлари меросига мурожаат қилинса, ҳозирги замон журналистикаси соҳасида касб одоби мезонлари учун мустаҳкам асос бўларли таълимотлар, ҳикматлар, ўз кадр-қимматини йўқотмаган кадриятлар жуда кўплаб топилади³³.

Касбий меъёрларга амал қилинмаслик ҳолатлари, айниқса Европа мамлакатларида кўп учраши тадқиқотчилар томонидан алоҳида таъкидланади. Ривожланган мамлакатларда ушбу ҳолатларнинг бузмасликкф йўналтириб турадиган қатор ҳуқуқий меъёрлар амалда. Аввалги фаслда бу борада фикр юритган эдик. Энди ана шу назарий фикрларимизни бевосита нашрлар фаолиятида ҳам кузатсак. Касбий ахлоқий меъёрларга риоя қилиш масаласи ўрганилганда, аввало, ўша давлат ОАВ тизимига назар ташланади. Чунки ҳар бир ҳатти-ҳаракат, биринчи навбатда, ижтимоий-сиёсий муҳит билан чамбарчас боғлиқдир.

Англия газеталарини тарқаладиган ҳудуди, аудиториясининг умумий кўламига қараб миллий, ҳудудий ва маҳаллий нашр турларига ажратиб тасниф қилиш мақсадга мувофиқдир. Буюк Британияда миллий турдаги газеталар ўз ичига ўнта тонгги ҳамда ўнта якшанба газеталарини қамраб

³³Дўстмухаммедов Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил. - Т.: Янги аср авлоди, 2007. Б.63.

олади. Мазкур нашрлардан тонгги газеталарнинг ҳафта давомидаги умумий нусхаси 12 млн.ни ташкил этса, якшанба кунининг ўзида чиқадиган ўнта миллий газетанинг адади 13 млн. нусхагача чиқиб кетади. Бу, албатта, миллий газеталарнинг мамлакат аҳолиси ўртасидаги нуфузини кўрсатади. Шунингдек, “The Financial Times”, “The Sun”, “Guardian”, “Daily Mirror” сингари йирик миллий газеталар эса хорижий мамлакатларда ҳам чоп этиб, тарқатилади. Миллий газеталарни ўз услуби ва мавзу-мундарижасига кўра жиддий ва сариқ матбуотга ажратиш мумкин. Уларнинг кўпчилиги рангли ва кундалик сонларидан ташқари, шанба ёки якшанба кунлари турли иловалар ҳам нашр этишади.

Миллий нашрлардан ташқари, яна бугунги кунда мамлакатда 1, 300дан зиёд ҳудудий ва маҳаллий газеталар ҳам чоп этилади. Ушбу газеталар мамлакатнинг марказий шаҳарларидан тортиб, кичик туманларда ҳам чиқарилади.

Миллий газеталарга эгалик қилувчи асосий компаниялар:

1. [News Corporation](#)- 35 %

The Sun, The Times, News of the World, Sunday Times.

2. Mirror Group - 26 %

The Daily Mirror, Sunday Mirror, Daily Record, People.

3. United News and Media - 13 %

The Daily Express, Sunday Express.

4. Daily Mail & General Trust - 12 %

The Daily Mail, Mail on Sunday.

5. The Telegraph - 7 %

Daily Telegraph, Sunday Telegraph.

6. Guardian Media Group - 3 %

The Guardian, The Observer.

7. Pearson - 1 %

The Financial Times.

Ушбу номлари зикр этилган газеталардан "Financial Times", "The Times", "The Guardian", "The Daily Telegraph" нашрлари маҳаллий ва халқаро янгиликлар, спорт ва бошқа соҳаларга оид барча турдаги хабарлар ва долзарб муаммоларнинг тўлиқ тафсилотларини давомий равишда ёритиб боради.

"Financial Times" ("Молиявий вақтлар") нашри иқтисодий, молиявий, ишлаб чиқариш ва бошқа бизнес соҳасига ихтисослашган ҳамда шу соҳа вакиллариининг энг сеvimли газетасига айланиб улгурган.

"The Guardian" ("Қўриқчи" ёки "Соқчи") газетаси эса ижтимоий, санъат, маданият ва таълим сингари соҳаларга оид янгиликларни ёритиб боради. У ижтимоий долзарб муаммоларни кенг жамоатчиликка дадил маълум қилиши билан катта обрўга эга.

Ушбу нашрлар ичида, албатта, "The Times" Буюк Британиядаги ниҳоятда машҳур кундалик газета саналади. Таъкидлаш керакки, у мамлакатнинг энг қадимий газетаси эмас, лекин жорий 2012 йилда у ўзининг 227 йиллик юбилейини нишонлаш арафасида турибди.

Энди бевосита биз мазкур газетанинг қисқача тарихи, бугунги кундаги фаолияти, ўзига хос хусусиятлари ҳамда мамлакат матбуот нашрлари ўртасидаги нуфузи хусусида тўхталиб ўтамиз.

"The Times" – нафақат Буюк Британия, балки бутун дунёдаги ниҳоятда машҳур кундалик газеталардан бири.

"Таймс" газетасига 1785 йилда Жон Уолтер (инглизча John Walter) томонидан асос солинган. Дастлабки вақтларда у "The Daily Universal Register" ("Кундалик универсал рўйхат") номи билан чиқа бошлаган ва Жон Уолтер унинг илк бош муҳаррири бўлган. 1788 йилнинг 1 январидида нашрнинг 940 та сони чоп этилгандан кейин нашр номи "The Times"га ўзгартирилган ва ҳозиргача мазкур номда ҳар куни чоп этиб келинмоқда.

Узоқ йиллик тарихий фаолият натижасида газета бугунги кунда Буюк Британиянинг бутун дунёда кенг ўқувчилар аудиториясига эга машҳур ва жиддий характердаги кундалик матбуот нашрларидан бирига айланди.

Унинг дунёда қанчалик машҳурлигини кейинчалик бошқа давлатларда ҳам айнан “Таймс” номи мавжуд бўлган бир қатор машҳур газеталарнинг пайдо бўлиши билан ҳам изоҳлаш мумкин. Чунончи, АҚШнинг машҳур The New York Times, Ҳиндистонда чиқадиган The Times of India нашрлари ва бошқалар фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ҳозирги вақтда «Таймс» газетаси машҳур медиамагнат Руперт Мердок (инглизча Rupert Murdoch) бошқарувидаги News Corporation корпорациясига қарашли бўлган Times Newspapers Limited томонидан чоп этиб келинади.

Газетанинг якшанба кунларидаги сони "The Sunday Times" номи билан чиқади. Эътиборли жиҳати шундаки, газетанинг нархлари чиқадиган кунига боғлиқ равишда ўзгариб туради. Душанбадан жумагача чиқадиган сонлари 0,70 фунт стерлинг, шанба сонлари 1,40; якшанба куни чиқадиган наشري эса 2 фунт стерлингга сотилади. Албатта, бу унинг ҳажми ва ўша кунларда ўқувчиларнинг мазкур газетага бўлган талабларидан келиб чиққан. Чунки бизга маълумки, инглизлар ҳар куни эрталаб “Таймс”га ўхшаган кундалик газеталарни варақлаб нонушта қилишни анъанавий ҳаёт тарзларига айлантириб олишган. Газетанинг бош офиси Лондонда жойлашган. Ҳозирги кунда газета 692,581 нусха адад билан чоп этилмоқда.

Англияда “The Times” газетаси сиёсий жиҳатдан ўнг қанот вакиллари ва Консерватив партияни қўллаб-қувватлайди, деган фикрлар билдирилади. Аммо айрим мутахассисларнинг таъкидлашича, охириги парламентга бўлган сайловларда газета лейбористларни қўллаган ва уларнинг муваффақиятларига катта таъсир ўтказган.

“The Times” газетасининг веб-сайт сайти ҳам мавжуд бўлиб, унинг интернетдаги манзили <http://www.timesonline.co.uk> дир. Веб-сайт доимий равишда янгиланиб туради ва газета мухлислари сайтдан газетада эътиборларини жалб этган энг долзарб жиддий муаммоларининг янгича талқинлари билан танишиб боришлари мумкин. Кўриб турганимиздек, босма шаклда бўлгани каби биз мазкур нашрнинг онлайн нашридан ҳам бир қатор

иҷобий томонларни ўрганишимиз мумкин. Бу борада кейинги бобда мулоҳаза юритамиз.

"The Times" мамлакатда ижтимоий-сиёсий муаммоларни энг яхши ва қизиқарли шаклда таҳлил қиладиган ва таҳлилий материаллари, айниқса корреспонденция жанрининг энг яхши намуналари учраши билан ажралиб туради. "The Times" газетаси характериға кўра, деярли, ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади. Буюк Британия ОАВ ҳақидаги маълумот берувчи "Willings" энциклопедиясида маълумот берилишча, ушбу газета таркибий мундарижасини қуйидаги йўналишлар ташкил этади: сиёсий, ижтимоий, иқтисодий янгиликлар, халқаро мавзудаги ва спорт хабарлари, шунингдек, театр, санъат, китоб ва турли кўргазмалар ҳақида маълумот бериш³⁴.

Мавзулар йўналишларидан кўриниб турибдики, ҳар бир журналист ўз аудиторияси қизиқишидан келиб чиқиб ҳаётнинг маълум жараёнларини ёритишга ва шу асосда ҳам ўз ўқувчиларининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришига, ҳамда унинг дунё қарашини оширишга интилади. Зеро, журналда энг сўнгги дунё сиёсат оламидаги ўзгаришларга ўрин берилиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

"The Times" нашри ходимларининг мавзу танлаш ва янгиликларни саралаш маҳоратига тўхталадиган бўлсак, газетада турли мавзудаги янгилик ва таҳлилий материалларнинг қизиқарли тарзда ёритиб борилишини кузатамиз.

Нашрнинг ижтимоий сиёсий характеридан келиб чиқиб, нашр саҳифаларида ёритиладиган журналистик материалларнинг мавзу кўлами кенг бўлса-да, улар кўпроқ "сиёсий" ёхуд "ижтимоий аҳамиятга эга"лиги нуқтаи назаридан таҳлил этилиши сезилади. Бу борада яқинда нашр саҳифаларида чоп этилган айнан журналист ҳаёти билан дахлдор таҳлилий материал алоҳида эътиборга молик.

³⁴ Willings Press Guide 2002/ Volume 1. 128th edition. Waymaker Ltd.UK. 2009 Willings Press Guide 2009. Volume 1. 128th edition. Waymaker Ltd.UK. 2009. 37-p.

Хусусан, “The Sunday Times” нинг 2011 йил 3 май сонида чоп этилган Мартин Флетчернинг “Justice is done” (“Адолат қарор топди”) номли мақоласида АҚШ махсус ҳарбий кучлари Усама Бин Ладеннинг Покистонда ўлдирганлари ҳақида ёзади. Мақола чуқур таҳлилий характерга эга бўлиб, терроризм қаттиқ қораланади, турли сиёсий раҳбарларнинг Усама Бин Ладен ва Ал-Қоида террористик гуруҳининг қилган жиноятлари таҳлил қилинади³⁵.

“The Sunday Times” нинг 2012 йил 27 май сонида босилган журналист Matthew Campbellнинг “Kidman’s film tribute to hero Marie Colvin” (“Кидманнинг қаҳрамон Мари Колвин (хотираси) ҳурмати учун ишланган фильми”) сарлавҳали мақоласи бир қарашда маданий ва санъат соҳасидаги янгиликка ўхшаб кўринади. Лекин мақола билан танишганда, фильм баҳонасида кўплаб оловли нуқталардан “The Times” уфпнфсб ехеу бевосита репортажлар тайёрлаб узатган ва яқинда Сурияда ҳалок бўлган аёл журналист “уруш корреспонденти” (a female war correspondent) Мари Колвин ҳақида ҳам тўхталиб ўтилади. Журналистнинг маҳорати шунда кўринадик, у марҳум журналист аёл қаҳрамонликлари ҳақида маълумот учун гапирмайди, балки актриса Никол Кидман (Nicole Kidman) ўзининг сўнгги ишлаган фильмларидан бирини айнан шу аёл ҳаётидаги қаҳрамонликларни намойиш этишга бағишлагани хусусида ёзиб, фильмда айнан қайси уруш майдонларида журналист аёл қандай ишлар қилгани ҳаққоний тасвирланганини шарҳлайди. Материал билан танишган ўқувчи нафақат янги фильм ишлангани ҳақида хабар топади, балки журналист Мари Колвиннинг ҳаётий фаолиятидан ҳам муайян даражада хабардор бўлади.

Шу ҳолатни ўзбек журналистлари фаолияти билан қиёсласак, бизда муайян асар воқеа ҳақидаги хабарлар давоми ёки улар мавзусидаги баҳслар шарҳланар экан, кўпинча материал боши ёки охирига “Маълумот ўрнида” дея қўшимча ахборот илова қилинади. Албатта, касбий этика нуқтаи назаридан олиб қаралса, бу ҳолат самаралироқ. Чунки ўқувчи асосий янгилик билан унинг яратилишига туртки берган тарихий ҳақиқатни аниқ ажратиб

³⁵ Martin Fletcher, “Justice is done”, “The Sunday Times” 2011 йил 3 май сони

олишига имкон берилади. Бироқ кўпинча маълумот ўрнида деган илова кичикроқ шрифтда терилгани ёхуд баъзан ўта қисқа бўлиб қолгани учун ўқувчилар ҳар доим ҳам уларга эътибор бермасликлари мумкин. Шунинг учун айрим ҳолларда юқоридаги каби тажрибалардан қойдаланиш ҳам самаралидир. Чунки биз таҳлил этган мақолада муаллиф журналист ҳаётини фильмдаги кадрлар қиёси асосида бериш орқали ҳам собиқ журналист аёл қаҳрамонликларини, ҳам фильмнинг қанчалик ҳаётий чиққанини исботлашга ҳаракат қилган³⁶.

Энди бевосита ана шу янгиликлар мавзусини танлаш жараёнида журналист олдига қўйиладиган касбий-ахлоқий талаблар масаласига тўхталсак, таъкидлаш керакки, ҳеч бир кодекс ёки тамойил орқали журналистлар қаламга олиши мумкин бўлган мавзулар чегараланмайди. Қолаверса, журналистнинг бирор мавзуда асар ёзишини чегаралаш – бу умуминсониятнинг дахлсиз ҳуқуқларидан бири, шунингдек, журналист касбий этикасида етакчи тамойиллардан бири сўз эркинлигига таҳдид қилишдир. Шу боис касбий ахлоқ журналистларида ОАВ ходимлари ёзиши зарур бўлган ёки мумкин бўлмаган мавзулар доираси белгиланган. Бироқ уларда бевосита мавзу танлаш жараёнида журналист амал қилиши ёки ҳеч бўлмаса ёдда сақлаши зарур бўлган, ОАВ ходими фаолиятининг барча босқичлари қатори бу жараёнга ҳам таъсир этувчи меъёрлар мавжуд. Буюк Британияда қабул қилинган “Амалиёт кодекси”да журналист ўзи бўлиши кераклигини таъкидловчи меъёрлар мавжуд ва улар, шубҳасиз, журналист ахборотининг чексиз қудрати ва таъсирини назарда тутган ҳолда қайд этиб қўйилган. Бироқ шундай бўлса-да кодексида махсус эслатма билан “жамоатчилик манфаатини ўзида ифода эта оладиган ўринларда истиснолар бўлиши мумкин ва улар махсус (*) белги билан кўрсатилади” дейилган.

Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, журналист ўзининг жамият олдидаги вазифасини тўқис бажариши учун барча соҳа ва қатламларни қаламга олиши мумкин, бироқ бунда ҳамма нарсанинг оқибатини ўйлаш

³⁶ Matthew Campbell, “Kidman’s film tribute to hero Marie Colvin”, “The Sunday Times”, 2012 йил 27 май.

зарур. Шу маънода журналист асарида кишиларнинг шахсий ҳаётига аралашиш, жинояти фош бўлган ёки гумон қилинган шахснинг кариндошлари, дўстларини маълум қилиш, турли яширин усул ва воситалар, телефон суҳбатларини тинглаб ноқонуний равишда олинган маълумотларни ошкор қилиш таъқиқланади. Бироқ буларнинг барчасига * белгиси қўйилган. Маълумки, мазкур белги жамоатчилик манфаати йўлидаги истисноликларни кўрсатади. Демак, агар умумаҳамият ва манфаатга боғлиқ бўлса, бундай маълумотларни ҳам бериш мумкин. Шу ўринда жиддий савол туғилади: мазкур кодексда назарда тутилган жамоатчилик манфаатларига нималар киради? – бу саволга жавобни ҳам кодексдан топиш мумкин.

1. Жамоатчилик манфаати қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) Жиноят ёки оғир айбни кашф этиш (топиш) ва ёритиш;

б) Жамоатчилик соғлиги ва хавфсизлигини ҳимоялаш;

с) Бир шахс ёки ташкилот томонидан жамоатчилик бирор сўз (ифода) ёки ҳаракат билан нотўғри маълумот берилиши (алданишини) олдини олиш.

Шу ўринда “The Times” газетасидаги бош мақолаларга алоҳида тўхталиш зарур нашрдаги бош мақолаларда кўп ҳолларда ижтимоий-сиёсий аҳамияти жиҳатидан халқаро аҳамият касб этадиган материаллар ва мавзулар қаламга олинади. Жумладан, “The Times” газетаси 2011 йил 7 октябрь сонида босилган М.Агар (Michael Agar) нинг “Nuclear Arms Race” (“Ядро қуроли пойгаси”) номли мақоласи ҳамда унга берилган қўшимча схема эътиборни тортади. Унда дунёнинг қайси мамлакатада қурол пойгаси авж олгани ва ядро қуроллари мавжудлиги қисқа баён этилади ва аниқ далил сифатида харитавий схема келтирилади. Бу бутун дунё аҳолиси учун муҳим бўлган муаммолардан бири ва у касбий ахлоқ жиҳатдан журналист шахсий муносабатларини ортиқча ифодаламай узатилган ахборот сифатида муҳимдир³⁷.

Жамоатчилик манфаати қаерда кўринса, Матбуот шикоятлари комиссияси муҳаррирдан жамоатчилик манфаати йўлида қандай хизмат кўрсатилгани тўғрисида батафсил тушунтириш талаб қилади.

³⁷ Michael Agar, “Nuclear Arms Race” “The Times”, 2011 йил 7 октябрь сони.

2. Болалар билан боғлиқ ҳолатларда бола манфаатининг нормал (одатий) муҳимлигини устун қўйиб, истисноли тарзда жамоатчилик манфаатини ифодалаш керак.

Ушбу кўчирмадан кўриниб турибдики, агар қаерда журналистлар жамоатчилик манфаатига жиддий салбий таъсир этувчи ҳолатдан хабар топсалар, уни дарҳол қаламга олишлари зарур. Шу ўринда шахс ва ёшлар манфаати билан боғлиқ салбий воқеликларни ёзиш масаласида тўталиб ўтамиз.

Маълумки, кўпгина кодекслар қатори мазкур меъёрлар тўпламида ҳам жиноят содир этган бола шахсини аниқлаштириш ман қилинади. Бу эса ўз навбатида журналистдан мазкур мавзуда қалам тебратишида эҳтиёткорликни талаб қилади. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, болалар ҳар бир миллатнинг эртаси ва бу борадаги маълумотлар, ахборотларни ёритиб бориш журналистлар учун мажбурий вазифадир. Характерига кўра “The Times” газетасининг 2011 йил 27 декабрь сонидида босилган Ж.У.Томас (Jon Ungood-Thomas) нинг “Google grabs secrets of private lives” (“Google кишиларнинг шахсий ҳаёт сирларига чанг солмоқда”) номли мақоласи алоҳида диққатни тортади. Мақола лиди бироз бўрттирилганга ўхшаб кўринади: Google secretly harvested the personal data of millions of Britons using its fleet of Street View cars” (Google ўзининг кўча кузатувчи машиналар қўшинидан фойдаланиб, миллионлаб британияликларнинг шахсий маълумотларини яширинча тўплаб олди), - деб бошланган ушбу мақолада Google қидирув тизимининг Буюк Британияда кенг тарқалганидан тортиб, аҳоли тез-тез кириб маълумот алмашадиган манбага айланиши, бунинг натижасида у кишилар шахсий маълумотларининг ҳам базасига айланиб қолган, айрим интернет фойдаланувчилари мазкур жараёндан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишаётгани, мазкур салбий ҳолатлар нафақат мамлакат ичидаги фойдаланувчилар, балки хориждан ҳам уюштирилаётгани ҳақида ёзади.

Унинг илдиз отиб кетиши келгусида мамлакат аҳолисига янада катта муаммолар туғдириши мумкинлигини таҳлил этади³⁸.

Тан олиш керакки, мазкур мақола кўпроқ мавзуни умумий нуқтаи назардан ёритган. Унда интернетдаги қидирув тизими орқали ким қандай жиноий характердаги иш қилгани аниқ ёзилмаган, лекин ўзгалар маълумотларини қўлга киритиб, улардан турли нарсалар ундириш, уларни кўрқитиб, дўқ қилиш каби салбий ҳаракатлар бирма-бир санаб ўтилган. Муҳими, кенг жамоатчиликни огоҳликка чақирилган.

Журналист ўз ёзилажак асари учун мавзу танлашда, аввал таъкидлаганимиздек, бу мавзуни кўтаришдаги асосий мақсадни ва бўлғуси материалнинг ўқувчиларга қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини мулоҳаза қилиб кўриши лозим. Журналистика соҳаси амалиётида самарали хизмат қилган тадқиқотчилардан бири М. Менчер ўзининг “News Reporting and writing” асарида қуйидагиларни ёзади:

“Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, репортёрларга қарши билдирилган асосий шикоятлардан бири: уларда материаллари кишиларга зарар етказадими-йўқми деган фикрга қизиқишларининг камлигидир.

Яна бошқа танқидлар эса сенсация (шов-шув)га берилиш ва ҳусусий ишларга аралаштириш³⁹

Айни шу йўналишлардаги муаммоларни олдини олиш мақсадида Профessional журналистлар жамияти томонидан қабул қилинган “Этика кодекси”даги “Зарарни камайтиринг” талаби остида берилган айрим мажбурият характеридаги меъёрларни қайд этиб ўтамиз:

- ахборотни тўплаш ва тарқатиш зарар ёки кўнгилсизликларга олиб келиши мумкинлигини ёдда тутиш;

- жамоатчилик расмий (раҳбарлари)лари ва ўзига қувват, таъсир кўрсатиш ва эътибор (кўрсатиш йўли) идираётган бошқа кишиларга нисбатан оддий фуқароларда ўзлари ҳақидаги ахборотларни назорат қилиш борасида

³⁸ Jon Ungood-Thomas, “Google grabs secrets of private lives”, “The Times”, 2011 йил 27 декабр

³⁹ М. Менчер. кўрс. адаб. 623-бет.

хуқуқ бор. Фақатгина жамоатчилик эҳтиёжини устун қўйган ҳолдагина бирор кишининг шахсийлигига аралашishi оқланиши мумкин.

- даҳшат (шафқатсизлик)ларда завқланишга тарғиб этишдан чакланинг.

Маълумки, мавзу танлаш журналистнинг бирор-бир воқелик тўғрисида материал тайёрлашнинг бошланғич фаолиятидир. Шу боис бу жараёнда юқорида қайд этилган меъёрларни ёддан чиқармаган ҳолда ҳаракат қилиш ҳар бир журналист ўзи ёзмоқчи бўлган материалнинг ўқувчилар томонидан илиқ қарши олининшига замин ясашини ҳис этиши лозим.

“Таймс” газетаси гарчи Англияда энг жиддий характердаги нашр саналса-да, баъзан шов-шувга берилиб, фактларни талқин қилиш борасида ахлоқий меъёрларни бузган ҳолатлар ҳам учраб туради.

“Таймс” газетасида кундалик тезкор янгиликлар узатилгани учун турли муаммоли вазиятлар ва судда тортишувлар ҳам юз бериб туради. Уларнинг айримларида “Таймс” газетаси ҳақ бўлиб чиқса, баъзиларида таҳририят ўз хатоси учун компенсация тўлашга мажбур бўлади.

Шу жумладан, 2011 йилда Англия ва Уэльс олий суди Чарльз Грей томонидан “Лучанский “Times Newspaper“компаниясининг “Таймс“ газета таҳририятига қарши” ишини кўрди. Унда 1999 йилда “Таймс” газетасида босилган мақола муҳокама этилди. Мақолада доктор Григорий Лучанский Россиянинг йирик уюшган жиноий ташкилотининг раҳбари сифатида ёритилган ва миллиардлаб долларни “ювиш”, ядро қуролининг контрабандаси билан шуғулланишда айбланган эди. Лучанский ўзига қарши айтилган ушбу гапларни тухмат деб газета бош муҳаррири Стотхард, журналистлар – Листер ва Боунни судга берди. Судья Грей газетанинг ўзини оқлаш учун келтирган далилларини яроқсиз деб топди. Лучанскийнинг Англияга келиб-кетиши мамлакат ҳаётига ҳеч қандай хавф туғдирмаслигини таъкидлади. Натижада газета суд белгилаган жаримани тўлашга ва мазкур мавзунини қайта чоп этмасликка мажбур бўлди.

Кўриниб турибдики, газета журналистлари Листер ва Боун шов-шувга берилиб кетишган ва бошқа мамлакат фуқароси хусусида турли фактларни

келтириб, таъисрчан мақола ёзишган. Бироқ фактларнинг аниқлиги, ҳаққонийлигини судда асослаб бериша олмагани боис, газета товои пули тўлашга мажбур бўлган. Мазкур воқеани газета фаолиятидаги ахлоқий меъёр бузилишларига мисол қилиб келтирса бўлади.

Бироқ “Таймс” газетаси фаолиятида кенг қўламли фактларни тўплаш ва таҳлил қилиш маданияти акс этган мақолаларни қўплаб келтириш мумкин. Чунончи, газетанинг 2012 йил 22 март сонидида босилган Соғлиқни сақлаш материаллари муҳаррири (Health Editor) М.Барроу (Martin Barrow) нинг “Doctors vote for first strike in 40 years over pensions” номли мақоласи фактларга бойлиги ҳамда кўтарилган мавзунинг ҳар жиҳатдан очиб беришга ҳаракат қилинганлиги билан ажралиб туради⁴⁰.

Мақолада келтирилишича, британиялик шифокорлар деярли сўнгги қирқ йил ичида биринчи марта иш ташлаш намоёишини ўтказиш учун овоз беришган. Уларнинг бирлашмаси – Британия Тиббиёт Ассоциацияси (British Medical Association) 21 июлни намоёишнинг биринчи куни бўлишини эълон қилган. Мазкур муддат ўзгармайди ва у уюшма азолари томонидан қатъий муддат (“the strongest mandate from members” for industrial action) деб белгилангани алоҳида таъкидлаб, қабул қилинган ушма қароридан иқтибос ҳам келтирилган.

Мазкур намоёиш шифокорларнинг нафақаларини оширишни кўзлаб уюштирилмоқда. Буюк Британия ҳукумати ҳар ой айнан шундай ижтимоий таъминот масалалари учун соғлиқни сақлаш ходимлари маошидан катта солиқ олади, лекин улар нафақага чиққанда оладиган пул бунга мос эмас. Энг сўнгги қабул қилинган нафақа маблағлари схемаси (pension scheme)да ҳам бошқа соҳаларга қараганда тиббиёт ходимларининг нафақалари меъёри кам белгиланган.

Шундан сўнг журналист мазкур маълумотларни асослаш мақсадида бир қатор шифокорлар ва юқорида номи тилга олинган ушма ходимларининг фикрларидан парчалар келтиради. Хусусан, бу борада Британия Тиббий

⁴⁰ Martin Barrow, “Doctors vote for first strike in 40 years over pensions”, “The Times”, 2012 йил 22 март сони

Ассоциацияси Кенгаши раҳбари Ҳ.Мелдрум (Dr Hamish Meldrum, chairman of the BMA Council)нинг мақолада берилган фикри ўзига хос. Интервьюернинг айтишича, намоиш даврида барча жарроҳлик бўлимлари ва шифохоналарда ходимлар иш ташлашса ҳам, пациентлар ҳаёти хавф остига қўйилмайди. Шифокорлар тез тиббий ёрдам ҳамда фавқулодда ҳолатларга одатдагидай муносабатда бўлишга ваъда беришган, лекин доимий шифокор қабуллари ва тиббий кўрикдан ўтказиш кабилар қолдирилади.

Мазкур материал билан танишар экансиз, шифокорларнинг мазкур уюшмаси ҳукуматдан уларнинг даъволарини тезда кўриб чиқиш талабини кўяётгани, лекин халқ манфаати бу ерда устун ҳолда қолаётганини кўриш мумкин. Қолаверса, бундай иқтибослар ҳар хил шов-шувларнинг, халқ орасидаги тартибсизликларнинг ҳам олдини олади. Чунки намоишда шифокорлар қатнашиб, ҳукумат билан маълум мурсага келишар, лекин агар бу жараёнга кўп сонли халқ ҳам аралашса, иш жиддий тус олиши, кўпчилик зарар кўриши мумкин. Мазкур мақоладаги турли-туман далил ва фикрларнинг келтирилиши ҳам ана шу зарарнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилган.

Айнан шундай аниқ далилларга асосланган жиддий таҳлилий материалларга “Таймс” газетасидаги сўнгги ойларда Сурияда бўлаётган можароларнинг давомий ёритиб келаётган шарҳлар, хусусан, 2012 йил 24 май сонида босилган Martin Fletcherнинг “Syria: Russia and China refuse to act” (“Сурия: Россия ва Хитойнинг норозилик акти”), шунингдек, Хориж янгиликлари рукни остида 2012 йилнинг 29 май сонида берилган Д.Франкелштейн (Daniel Finkelstein) нинг Барак Обама ва унинг сайловолди кампаниялардаги жиддий рақиби Мит Ромнейларнинг сайлов олдидан ўзаро курашига бағишланган “The Open Race” (“Очиқ пойга”) сиёсий шарҳи ва бошқалар айнан шундай ахборот материаллари сирасига киради.

Умуман олганда, бугун “The Times” газетаси яратилганига 2 аср бўлганига қарамай ҳамон аҳоли учун муҳим ва жиддий ахборот манбаи бўлиб келмоқда. Унда ёритилаётган материаллар аҳоли томонидан ишонч

билан қабул қилинади. Чунки эҳтиёткорона муносабат талқинида фоалият олиб боровчи мазкур нашр мақолаларда кўплаб фактлар тўплаш ва улардан таҳлил давомида моҳирона фойдаланиш тизимини яхши йўлга қўйган. Албатта, бунда заҳматкаш журналистларнинг роли катта. Касбий этика масаласида эса улар қатъий меъёрларга амал қиладилар ва ҳатто бу борада таҳририят махсус, ички тартиботига ҳам эга. Албатта, журналист касбий ахлоқи газетанинг самарали фаолияти учун асосий хусусиятлардан саналади.

2-БОБ. АНГЛИЯ ОНЛАЙН НАШРЛАРИДА КАСБИЙ ЭТИКА МАСАЛАЛАРИ

2.1. Интернет ахборот майдонида меъёрлар тизимини яратилиши

“Замонавий журналистикани, матбуотни компьютерсиз, Интернетсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ахборотни зудлик билан чекланмаган масофаларга тарқатиш борасида Интернетга тенг келадиган рақобат йўқ. Нафақат қисқа хабар ва репортажлар, ҳатто очерклар... романлар матни газета, журнал ёки китоб юзини кўриб улгурмай, Интернет тармоғи орқали сон-саноксиз ўқувчилар эътиборига ҳавола этилмоқда”.⁴¹

Х.Дўстмуҳаммедов

Дарҳақиқат, бугун глобал тармоқ бизга деярли барча визуал воситалардан кенг фойдаланиш имконини беряпти, аввал ушбу маълумотлар оламига компьютер ёрдамида кирилган бўлса, ҳозирда кундалик ҳамроҳимиз, телефон орқали ҳам у билан боғлана оламиз. Ҳатто, интернет маълумотларни ташувчи восита — флешкаларда ҳам олиб юрилаяпти. Керакли ҳолатларда фойдаланувчи уни компьютерга улаб яна ўша кенг ахборотлар маконига кира оляпти.

Нима бўлганда ҳам бу янгиланишлар шароитнинг енгил бўлишига хизмат қилади ва шунга кўра ижобий ҳолат ҳисобланади. “XX асрнинг 80-йилларида ҳам Интернетга кўпроқ болалар эрмаги сифатида қаралган. Компьютер ўйинлари, электрон почта имкониятлари кенг қулоч ота бориши

⁴¹ Дўстмуҳаммедов Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил. - Т.: Янги аср авлоди, 2007. Б.38.

билан кишиларда исталган дақиқада, исталган миқдорда, исталган ахборотни олиш, узатиш имкони вужудга келди. Уяли телефон тармоқларининг ривожланиши ҳам исталган жойдан туриб, исталган масофадаги нуқтага индивидуал алоқага чиқишни оддий ҳолатга айлантирди. Лекин инсон табиати ана шундай фавқулодда имкониятдан ҳам қаноатланмаслиги табиий эди. Зеро, чекланмаган миқдордаги ахборотни мумкин қадар кўпроқ одамлар диққатига ҳавола қилиш истаги Интернет журналистикасининг яратилишига, шаклланишига олиб келди”⁴².

Интернет журналистикаси ҳақида сўз очишдан аввал, биров глобал тармоқнинг ўзига хосликлари ҳақида сўз юритсак. Бунга айна пайт билан боғлиқ айрим воқелиklar сабаб бўлмоқда.

Интернет тизими бизга кўп имкониятлар яратиб берди. Унинг ижобий жиҳатлари жуда кўп манбаларда таъкидланади. Бу борада қатор тадқиқотлар ҳам амалга оширилган. Бизга бунга ҳам кўп тўхталмаймиз. Мавзумиз доирасида унинг айна кундаги салбий ва ижобий жиҳатларига нигоҳ ташлаймиз. Албатта, ҳар нарсанинг ўзига хос манфий хусусиятлари (ҳатто шахснинг ҳам) бўлгани каби интернет тармоғининг ҳам ўзига хос инжиқликлари мавжуд.

Хўш, бу салбий ҳолатларга нима ёки ким сабаб? Албатта, уни тузувчиси бўлган, яна ўша шахсларнинг ўзлари. Ким билан суҳбатлашманг, интернетда ахборот оқими шиддат билан ўзгармоқда, дейди, бу фойдаланувчиларнинг сони ҳам ортаётганини ифодалайди. Бироқ ахборот билан танишаётганлар унинг асли ва тўғриси қайси хабар эканини аниқлашда биров қийналмоқдалар, масалан, бир хабарни 3-4 манбанинг ўзидан кузатганда уларда бир-бирига нисбатан номувофиқлик учраётгани чалғитмоқда. Айнан ахборот кўплиги фойдаланувчида турли хил фикрларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

⁴² Дўстмухаммедов Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил. - Т.: Янги аср авлоди, 2007. Б.38-39.

Бирон мавзуда маълумот қидирсак, ёзган ҳар бир сўзимиз билан боғлиқ, турли жанрдаги, минглаб материаллар гиперматнига дуч келамиз. Бу маълумотларни жойлаштираётган муаллифларнинг кўплигини англатади. Бугун мактаб ўқувчиси ҳам ўз блоги ёки саҳифасига эга бўла олади. Агар соҳаси компьютер технологиялари, ахборот тарқатишга умуман алоқаси бўлмаган шахсни биров қизиқтирсангиз, у ҳам сайт оча олади. Маълум дастурларни ўқишга ҳаракат қилмаса ҳам бўлади. Глобал тармоқда ана шу дастурларни тузиш бўйича ҳам тушунчалар жойлаштирилган, биргина кидирув тизимини яхши билса кифоя. Бир-икки соат шуғулланиб, унча мукамал бўлмаса ҳам ўз ахборот маконини туза олади. Бу ҳолат ҳаётда кузатилган ҳодисадир.

“Интернетда ҳар бир инсон ўзига хос «нашриётчи»га айланади. Бу ҳол эса, ўз навбатида кескин тусдаги, нафрат ғоялари билан суғорилган маълумотнинг ҳеч монеликсиз кенг тарқалишига олиб келади”.⁴³

Ҳуқуқшунос-профессор В. Монаховнинг таъкидлашича, интернетнинг вужудга келиши туфайли оммавий ахборот билан ишловчи анъанавий ва профессионал субъектлар – журналистлар қаторига ушбу машғулотнинг минглаб ва ҳатто миллионлаб ишқибозлари келиб қўшилдилар. Уларнинг жуда кўпчиликлари журналист касбининг анъаналари ва нормалари ҳақида заррача ҳам тасаввурга эга эмаслар⁴⁴.

Тўғри фикр, ахир нима учун журналистикага ёки бўлмаса журналистлик касб-корига заррача алоқаси-дахли бўлмаган сон-саноксиз муаллифларнинг Интернетдаги чиқишлари билан боғлиқ бўлган муаммоларни соҳамиз муаммоси деб зиммага юклаб олмоғимиз керак? Назаримизда, бу жиддий мулоҳазага ундайдиган муҳим савол. Ҳатто Интернетда нимаики кечаётган бўлса у «оммавий ахборот воситаси» тушунчасидан четда, деган қарашлар ҳам мавжудки, уни кескин рад этиш қийин⁴⁵.

⁴³ Шамшиева И. Интернет ва бағрикенглик муаммолари. // Инфоком. Ўз. 2005. – № 10. Б.84

⁴⁴ СМИ и Интернет: проблемы правового регулирования. – Автор-составитель проф.В.Н.Монахов. М.: – Экопринт. – 2003. – С. 8–9.

⁴⁵ Қаранг: Кириллов Р. Интернет: проигранная война. // Курьер. – № 50. 2006. С.9.

Маълумотларга қараганда, агар 90-йилларнинг ўртасида Интернет тизимига уланган шахсий компьютерлар сони дунё бўйича 5,8 миллионгани ташкил этган бўлса, 2002 йилга келиб бу рақам 147,3 миллионга (айрим маълумотларга кўра 544,2 миллионга) етди».⁴⁶ Россиянинг ўзида аҳолининг 20 фоизи Интернетдан фойдаланади.⁴⁷

Олим В. Монахов Россия Федерациясида Интернет-матбуот тизимининг вужудга келиш босқичларини даврлаштирар экан, унинг дастлабки босқичи 1998 йилга тўғри келишини таъкидлайди. Иккинчи босқич 1999–2000 йилнинг бошланишига, учинчи босқич 2000 йилга, тўртинчи босқич эса 2000 йилнинг куз ойларидан бошланган деб ҳисоблайди.⁴⁸ Эътибор берилса, бир босқичдан кейинги босқичга ўтиш муддатлари ниҳоятда қисқа. Бунинг сабаби шундаки, Интернет журналистикасининг вужудга келиши ва таракқиёти кўп жиҳатдан жамиятнинг компьютерлашиш суръатига, айниқса фуқаролар ўртасида Интернетга шахсан уланиш даражасининг кўп-озлигига боғлиқ⁴⁹.

Тадқиқотчи Д.Рашидова Интернет журналистикасининг долзарб муаммолари сифатида савияси паст, террорчилик мақсадидаги, миллатчилик руҳидаги ва порнографик ахборотнинг тарқалиши билан боғлиқ муаммоларни санаб ўтади.⁵⁰ Олиманинг виртуал журналистика соҳасидаги меъёрни билмаслик ва уларни назорат остига олиш муаммосини махсус ўрганиши диққатга сазовор. Дарҳақиқат, Интернет нашрларида ва электрон версияларда одоб доирасидан четга чиқишлар, ҳақоратловчи материаллар, шахсий ҳаётга аралашишлар, болалар порнографияси, ноҳолис реклама ва ахборот, ноҳолис рақобатга доир чиқишлар одат тусига кириб бормоқда.

⁴⁶ Свобода и ответственность. – Сб. статей за 2000–2002 гг. Вена. – 2002. С. 205.

⁴⁷ Қаранг: Рогозин Д. Ru – и точка // Российская газета. – 29 октября 2007.

⁴⁸ Қаранг: СМИ и Интернет: проблемы правового регулирования. – С. 12.

⁴⁹ Дўстмухаммедов Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил. - Т.: Янги аср авлоди, 2007. Б.48-49.

⁵⁰ Рашидова Д.К. Особенности формирования интернетовской журналистики и специфика интернет в качестве глобального СМИ.: – Автореф. на соиск. ученой степ. канд. филол. наук. – Т.: ЎзМУ. 2002. – С. 16.

«Буларнинг бари ёвузлик ва уларга қарши курашмоқ керак» деб ёзади тадқиқотчи.⁵¹

Бунга яна айни кунда, айниқса, ёшларимиз орасида фаол қўлланилаётган танишув, хабарлашув сайти <http://www.odnoklassniki.ru> ни ҳам келтириш мумкин. Аввалига, электрон почта каби бир-бири билан чат алоқасидек хабарлашув сифатида хизмат қилган ушбу сайт бугун миллионлаб фойдаланувчиларига эга, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида ҳам. Биз сайт ҳақида тўхталмоқчи эмасмиз, фақатгина яқинда ушбу сайт билан боғлиқ бўлган бир неча ҳолатни қайд этмоқчимиз. Маълум бўлишича, Тошкент шаҳрида яшовчи янги турмуш қурган бир келинчакнинг суратини умуман бегона бўлган профил ўзиники сифатида барча дўстлари эътиборига ҳавола этган. Сайтда унинг дўстлари ушбу суратга ўзларининг фикрларини билдириб боришган. Асабий ҳолат шуки, сурат эгаси бу сайтдан хабари йўқ, профилда эса фақат йигитлар томонидан савиясиз, тартибсиз муносабатлар ҳам билдирилган. Суратдаги гўзал қиз қариндошлари томонидан уни ушбу сайтда кўришгани ҳақида хабарни эшитади. Бироқ оиласининг тинчлиги учун, янги келинчак бўлгани сабаб бу ҳолатга гарчи қаттиқ қайғурса ҳам жавоб тополмайди. Унинг қариндошларидан бири профил қиз бола исми билан очилгани ва унинг 4000 га яқин дўстлари борлигини, улардан деярли барчаси йигитлар эканини аниқлайди, ҳатто профил эгаси шахсий маълумотлари жойлаштирилмагани, ўзини “ширин конфет” (шунга ўхшаш) номда таништирганини кўради. У суратга билдирилаётган комментарий, яъни муносабатларни кузатади, ўзи ҳам “Ишонманг, бу менинг синглим, унинг оиласи бор. Сайтдан умуман хабари йўқ, бу профил эгасининг сурати эмас” қабилдаги кўплаб муносабатлари билан қатнашади, жон куйдиради. Бироқ суратга фикрини билдираётган йигитларнинг 5-6 тасинигина ишонтира олади. Ҳатто, улар профил эгаси балки ўғил боладир, деган фикрга ҳам келишади. Хуллас, суратга нисбатан билдирилаётган муносабатларда

⁵¹ Ўша манба, Б. 16

айрим ёшларнинг ўта савиясиз, тарбиясиз фикрлашига ҳам, сурат эгасини тартибга чақирувлар, умуман бу ҳолатга қаршилиқ бесамар кетади.

Бу кимдир учун кичик, оддий ҳолатдир. Бироқ айти кузатув бир иболи келинчак оиласидаги хотиржамликнинг йўқолишига олиб келяпти, яна энг каттаси ёшларнинг бузғунчилик, ҳаёсизлик қилиб фикрлашаётганларини, яна бошқалари вақт, пул сарфлаш эвазига уларни ўз йўриғида, алдаган ҳолда бошқараётгани каби ҳолатларни кўрсатяпти.

Бугун оммавий ахборот воситалари орқали шоу-бизнеснинг машҳур вакиллари билан суҳбатда уларга “odnoklssniki сайтидаги профилингизни ўзингиз очганмисиз?” деган саволлар билан кўплаб мурожаатлар кузатиляпти. Масалан, “Даракчи” газетасининг 2012 йил 20 январь сонидан танилган раққосаларимиздан Паризода билан суҳбат эълон қилинади. Муаллиф интервьюси давомида мухлисларнинг саволларига ҳам жавоб келтириб ўтади ва айнан қайд этганимиз ҳам берилади. Унга жавобан Паризода интернет тармоғи ҳақида маълумотлари камлиги, танишув сайтларини тушунмаслигини алоҳида таъкидлайди. Демак, профил бошқалар томонидан очилган ва бошқарилади ҳам. Бундан кўриниб турибдики, ҳозирги пайтда “ишбилармонлар” кўпайиб кетган, улар машҳурларга қатъий бир тажовузда, деёлмаймиз, балки уларнинг санъатига кучли мухлисдирлар ҳам. Бироқ бу каби ишлар шунчаки эрмак, эътиборга тушиш ва ҳаттоки, ўйин сифатида ҳам ташкиллаштирилмоқда. Бу эса ўша инсонларнинг тубанлиги, билими, уқуви пастлиги, дунёқараши торлигидан далолатдир. Бу каби ҳолатларга қандай қилдиб чек қўйилади? Ахир санъаткор бўладими ёки оддий халқ вакили ҳамманинг ҳуқуқи тенгку! Афсуски, бу каби воқеликлар кўп кузатиляпти. Яна шундай ёш актрисаларимиздан бири Зарина Низомиддинованинг иккита профили мавжудлиги аниқланади. Қизиғи, уларнинг ҳар иккисида ҳам Заринанинг шахсий маълумотлари тўғри, бир хил тўлдирилган. Фақат иккисида икки хил сурат жойлаштирилган, холос. Фақат, биттасида иккинчисига маълумот олувчи кенг омма учун “Бу Зарина эмас, унинг клоуни” деб ёзиб қолдирилган жумлани ўқиймиз. Демак, бу

машҳурлар ҳаётига ҳам раҳна солувчи восита бўлиб хизмат қиляпти. Энг ачинарлиси, буларнинг барчаси келажакни қурувчи ёшларнинг асосий вақтларини билим олиш ўрнига қандайдир беҳаёликларга ажратаётганларини ҳам ифодаламакда. Хўш, бунга қандай ечим топа оламиз? Бу ҳолатга ҳуқуқий жавобгарлик, жазо борми? Айбсиз айбдорлар қайси ташкилотга мурожаат этишлари лозим?

“Интернет орқали тарқатилган ҳақоратга қандай жавоб бериш керак? – деган савол қўяди А. Симонов ва ўзи қуйидагича жавоб қайтаради: – Ундай ҳақоратларга қулоқ осмаслик керак. Бордию, бундай ҳақоратлар кўпайиб кетса, нима учун бундай ҳолат юз бераяпти, эҳтимол одамлар ҳақдир, шу хусусда бош қотирмоқ керак”.⁵²

Интернет тармоғида номақбул мавзулар тарқалишининг олдини олиш чоралари (жумладан, Покистонда, Хитойда) дунёдаги тараққий этган мамлакатларда бир қадар йўлга қўйилган эса-да, муаммо тугал ҳал этилган эмас.⁵³

Кўриниб турибдики, бу биргина бизнинг муаммоимиз эмас. Шу сабаб айтиш глобал тармоқдаги салбий жиҳатларга чекловларни изладик.

Изланиш давомида интернет тизимини тартибга солувчи махсус қонуний чекловлар мажмуини кузатмадик. Тўғри, ҳар бир тизим ундан қандай фойдаланиш мумкинлиги, имкониятлари ҳақида алоҳида ахборот тақдим этган. бироқ нотўғри фойдаланиш оқибатида берилажак жазо кузатганларимизнинг ҳеч бирида учрамади. Бу борада ўз фикримизга таянамиз. Масалани ўрганиш учун, бизнингча, аввало, қонунчиликка мурожаат этиш лозим. Масалан, сурати интернетда розилигисиз жойлаштирилган шахс муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиши керак. “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида” нафақат юртимизда, балки, халқаро майдонда ҳам ҳуқуқий манбалар яратилган.

⁵² Козлова Н. Цензура онлайн. // Российская газета. – 2007, 31 января.

⁵³ Қаранг: Шамшиева И. Интернет ва бағрикенглик муаммолари. // Инфоком. Уз.– 2005. №10.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида веб-журналистика соҳасига оид қонунчилик базаси йўқ, чунки, анъанавий ОАВга тегишли қонун ва қоидаларини интернетга тегишли деб қараш мумкин, аммо интернет уларга нисбатан анча мураккаб ва фаолияти жуда кенгдир.

Муаллифлар ҳуқуқини ҳимоя қилишни жорий қилиш бўйича халқаро актларга ЮНЕСКО⁵⁴ ташаббуси билан қилинган ва 1952 й. қабул қилинган «Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилувчи халқаро конвенцияси», 1967 й. қабул қилинган «Интеллектуал мулк бўйича халқаро ташкилот» тўғрисидаги Стокгольм конвенцияси ва 1971 й. қабул қилинган «Таҳририятда адабий ва бадиий асарларни ҳимоялаш» тўғрисидаги Берн конвенцияларини киритиш мумкин.

Россиянинг *Интернет-маданияти жамғармаси* веб-сайтларни ва интернетдаги баъзи мақолаларни депонентлаш (маълумотларнинг тўғрилигига жавобгар бўлиш) ишларини амалга оширади, бу эса муаллифларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ёрдам беради. «Биз маълумотларни қароқчилик йўли билан кўчириш ва фойдаланишнинг олдини олмаймиз, чунки буни амалга ошириш мумкинчилиги йўқдир. Биз фақат муаллифларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун имконият яратиб берамиз» – деган эди ушбу лойиҳанинг ташкилотчиларидан бири. Интернет-маданияти жамғармаси аниқ бир электрон нашр учун «мустақил гувоҳ» сифатида жавобгарчиликни ўзига олади. Кейинчалик муаллиф ҳуқуқини ҳимоялашда фойдаланиш учун жамғарма «ашёвий далил» сифатида сайтнинг ёки электрон нашрнинг компакт дискда ёзилган нусхасини олади. Уларга бу хизматлари учун қиммат бўлмаган миқдорда пул тўлаш керак бўлади. Кўчирма (плагиат) муаммолари бўйича суд жараёнлари бўладиган бўлса бу каби лойиҳа хизматларининг аҳамияти жуда муҳимдир.

Интернетда муסיқани ҳимоялаш шунчалик муаммо экан, матн шаклидаги маълумотларни ҳимоя қилиш унданда мушкулдир. Чунки, матнда

⁵⁴ UNESCO – (United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization) Бирлашган Миллатларнинг таълим, илм ва маданият масалалари бўйича ташкилоти

берилган маълумотни кўчириб олиш (copy-paste) ҳар қандай компьютерда ишлашни биладиган одамнинг қўлидан келади.

Сайт администратори веб-саҳифани очган ҳар бир интернет фойдаланувчисини пойлаб ўтира олмайди, баъзи программалар эса фақат қайси йўналишдан неча марта ташриф буюрганларини ҳисоблаб туриши мумкин ҳолос. Лекин, фойдаланувчини профессионал тарзда изқуворлик қила оладиган жуда қиммат техникалар ҳам борлиги ва улардан фақат махсус хизматларгина фойдаланиши мумкинлиги айтилади.

Веб-журналистикада маълумотни «қароқчилар»дан ҳимоя қилиш учун аҳамиятли ҳисобланган матнларни пароллар билан ҳимоялаш мумкин, аммо бундай тақдирда ҳам парол билан матндан фойдаланган ёки уни сотиб олган ўқувчилардан бири буни бошқа сайтларга тарқатиб юбормаслигига ҳеч ким қафолат бера олмайди.

Шундай экан, айтиш мумкинки муаллифлик ҳуқуқини ҳимоялар интернетда, айниқса собиқ МДХ ҳудудида жуда қийин. Тармоқда оммавий тарзда фойдаланувчиларни пойлаш жуда қимматга тушади ва бу нарсани охирига етмайди. Шунинг учун бутун дунё вакиллари фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган маҳсулотлардан фойдаланиш қоидаларига виждонан ёндашишларига умид қилиб қолади.

Бу масалага янада ойдинлик киритиш учун “Онлайн-матбуот” тушунчасига изоҳ берамиз, электрон матбуот ҳақида фикр юритамиз.

Онлайн-матбуот – бу босма нашрларнинг каталогидир. Унинг ёрдамида биз босма нашрларнинг электрон кўринишини кузатиш имкониятига эга бўламиз. Материаллар билан танишишда ҳаракатли ҳолатларга дуч келамиз. Бу, албатта, ҳар қандай ўқувчига маъқул келади.

Россия Федерациясида “Пресса-Онлайн” тизими иш юритади. Мазкур тизим Москва реклама агентликлари томонидан тузилган бўлиб, унга

нашриётнинг визуал кўринишини ифодаловчи восита сифатида қаралади⁵⁵.

Шу каби бошқа давлатларда ҳам бу тизим фаолият юритади.

Бу тизим фойдаланувчига қуйидаги шароитларни яратади:

-вақт масаласи. Албатта, ҳар ким бирон вақтда, бир ерда жамланиши қийин. Аввалига компьютер марказига борилган, навбат кутилган. Ҳозир телефони орқали ҳам ҳоҳлаган ерида фойдаланиш имконига эга;

-жой танламаслиги. Телевизорни хона ичида, унинг қаршисида ўтирган ҳолда кузатишимиз лозим. Онлайн матбуот эса ҳоҳлаган еримизда бизга янгиликлар билан танишиш шароитини яратади;

-тезкорлиги. Газета босилган фурсатдан уни келтириб беришларини кутамиз, электрон материални эса у ердан муаллиф жойлаштирган вақтданок кузатиш имконига эгамиз.

- кўчириб олишга қулайлиги. Интернет тизимида берилган хабарни архив материал сифатида нусхасини олиб қўйишимиз мумкин. Қолаверса, нашрларнинг аввалги сонларини ҳам кузата оламиз;

- дарслик маъносида. Газеталар билан танишиш бизга саводхонлигимизни оширишимизга ёрдам беради. Демак, электрон нашрни кўп кузатсак, ҳам асосий манбадан маълумот ола оламиз, ҳам кузатувимиз орқали дунёқарашимиз кенгаяди ва албатта, бунинг натижасида саводхонлигимиз ҳам ошади;

- нашриёт билан мулоқот ўрнатишнинг энг қулай усулига эгаллиги. Бу жиҳати эса омманинг нашр фаолиятига доир фикр-мулоҳазаларини ўз ўрнида билдира олиш имкониётларига кўринади. Биз ўз материалларимизни эълон қилиш учун, шикоятлар беришда ёки эълон қилинган бирор материалга бирор муносабатимизни билдиришда онлайн матбуотнинг электрон манзилига хабар қолдиришимиз мумкин.

-моддий етишмовчилик. Айрим ҳолларда газетани харид қилишга пулимиз кетаётгани дарҳол сезилади. Интернет тизимини боғлаган бўлсак,

⁵⁵ <http://www.prensa-online.com>

электрон нашрларга кетадиган пулни ҳис қилмаймиз, бу яна бизга бироз бўлса-да хотиржамлик ҳам беради.

Интернетнинг бу даражада ОАВ фаолиятининг деярли барча турларини қоплаб олиши анъанавий ОАВларнинг йўқолиб кетишига олиб келмайди. Бунга сабаб, интернет том маънодаги газета ёки радио вазифасини бажара олмаслиги аниқ. Масалан, автомобилда радио эшитиш учун интернетга уланиб у орқали радио эшитиш вақтни беҳуда кетказишдан бошқа ҳечнарсасиз эмас. Лекин, дунёнинг энг катта ахборот корпорацияларидан бирининг бошқарувчиси Руперт Мурдокнинг фикрича, яқин келажакда матбуот йўқолиб кетиши мумкин. У ўз фикрини 1995-2003 йиллардаги аҳолининг газеталарга обуна бўлиш сонининг, масалан, АҚШда 5%, Европада 3% ва Японияда 2%га тушгани, шунингдек, 60-йилларда обуна бўлганларнинг 75%и ҳар куни газета ўқиган бўлса ҳозир уларнинг фақат 50% шундай қилиши билан тасдиқлайди.

Шунингдек, яқин орада деярли ҳар бир анъанавий ОАВ ўз сайтига эга бўлиши кутилади (ривожланган давлатларда ҳозирнинг ўзида шундай), акс ҳолда анъанавий ОАВлар интернетсиз ўз фаолиятларини ривожлантиришлари бироз мушкул бўлиши табиийдир. Агар улар интернетсиз фаолият юритса, бу уларнинг ривожланишини секинлаштиради (масалан, ўз аудиторияси билан мулоқот қилишнинг қийинлашиши в.х.).

Таҳлилий объектимиз характеридан келиб чиқиб, Буюк Британия матбуот нашрларининг онлайн версиялари хусусида гап кетганда, мамлакатнинг деярли барча газета ва журналлари бугунги кунда ўз интернет саҳифаларига эга. Улар анъанавий версия билан бирга онлайн муҳитда ҳам сотилади. Айрим таҳлилий материаллари ва газетанинг илк саҳифаси реклама учун бепул ўқилиши мумкин.

Буюк Британия миллий ва маҳаллий нашрлари портали (UK Newspapers: national, local, daily, weekly, plus major magazines & portals) British Newspapers. UK Media online сайтининг маълумотига кўра: “Every national and regional newspaper published online: dailies, weeklies and monthly magazines

& broadcast media” – “Ҳар бир миллий ва минтақавий нашрлар: кундалик газеталар ва ҳафталик ва ойлик журналлар ҳамда аудиовизуал медиа онлайнда ҳам узатилади⁵⁶.

Интернетда ўтказилган баъзи тадқиқотларга кўра, аудиториянинг фикрича ахборот технологияларининг юксалиб бориши билан бирга маълумот, янгилик қидириш ҳам осонлашиб кетаверади, масалан, қўл соатлари ҳам ҳозирги қўл телефонлари каби янгиликлар олиш имконини бериши мумкин. New Internet & American Life лойиҳасининг экспертлари интернет келажаги ҳақида қуйидаги фикрларни келтирган:

- ОАВлар, кўнгилочар, реклама ва тижорат сайтлари ҳаммаси бирлашган ҳолда янада кучлироқ хизматлар турини яратади;

- интернет туфайли соғлиқни сақлаш соҳасида кейинги 10 йиллик даврда ривожланишнинг юксак даражасига кўтарилиши мумкин;

- ҳукумат ишлари очик, транспарент бўлишга мажбурланиши ва улар маълумотлари ҳамма учун интернет орқали осон олинadиган бўлиши кутилади;

- доимо ёқик турадиган ва тезлиги юқори бўлган интернет коммуникацияни шунчалик енгиллаштиради-ки, масофа тушунчасининг аҳамияти жуда пасаяди;

- одамлар ҳажми камроқ маълумотларни ўқишга ҳаракат қиладилар, яъни ҳажми қанчалик катта бўлса унда маълумот шунчалик кам бўлиши, вақтни бекор сарфлаш мумкин.

Нашрчилар учун ҳам фойдаланувчилар каби қулайликлар мавжуд. Аввало, тезкорликка эришадилар. Бома маҳсулотлар билан бош оғритмайдилар. Уни чоп этиш ва тарқатиш билан шуғулланувчиларга мурожаат этиб, ялинмайдилар. Энг муҳими, жамоатчилик билан алоқаларини ўрнатишга жуда катта имкониятдир. Бу тизимда PR услубларини қўллаш, яъни бунда, фойдаланувчиларга қандайдир йўинли ҳолатда иштирок этишни таклиф қилишлари, турли баҳсли мавзуларда фикр алмашишлари мумкин.

⁵⁶ wrxATzen.co.uk

Яна суратнинг ўзинигина эмас, балки унинг видеолавҳасини ҳам жойлаштири оладилар. Бу ҳам ахборот хавфсизлиги қоидаларидадир. Умуман олганда, онлайн-матбуот журналистларга ҳам, ахборот қабул қилувчиларга ҳам жуда катта имкониятлар яратмоқда. Бу унинг афзалликларидир.

Энди бевосита муаммоли жиҳатларга ҳам тўхталсак. Онлайн-матбуотда касбга доир тартибсизликлар, ноҳолис манбалар тарқатиш, оқ эмас, қора PRни тарғиб қилиш ҳолатлари ҳам кўп кузатилади. Бунга доир далилларни кейинги фаслда батафсил таҳлил этамиз. Талаблардан сўз очганда эса, Халқаро ахлоқий меъёрлардан сўзлаш ўринлидир.

Жаҳон Этикаси институтининг асосчиси Рушворд Киддернинг таъкидлашича, этика бу ёзилмаган қонундир, яъни журналистлар ўз ишларини ҳақгўйлик билан виждонан бажаришлари керак. Негаки, ҳар қандай касбнинг жавобгарчилиги бор, ошпаз таомнинг мазали бўлиши учун жавобгар (бу ёзилмаган бўлса ҳам), шунингдек, автобус ҳайдовчиси йўловчиларнинг манзилига ўз вақтида хавфсиз етиб олиши учун ва шу каби, журналист ўз материалининг, ўз сўзининг тўғрилиги учун жавобгардир.

Ҳозирги цивилизациялашган жамиятда сўз эркинлиги қонун билан кафолатланади ва шу билан бирга тартибга солинади. Сабаби, биз ҳуқуқий, ахлоқий нормаларга ва жамоатчилик фикрига риоя қилишимиз даркор. Ҳар қандай фикрлар плюрализмида ҳам ўзимизни бузғунчи таъсирлардан ҳимоялашимиз лозим. Шунинг учун журналистлар фаолиятини тартибга солувчи этик нормалар белгилаб берилган.

Замонавий дунёда журналист умуман халқаро алоқаларнинг ўрнатилишига ва янги ахборот соҳасидаги тартибларнинг жорий этилишига кўмаклашиши лозим. Журналистнинг вазифаси - ахборот ва коммуникация соҳасидаги халқаро алоқаларнинг демократиялаштириш жараёнларига ёрдам бериш, ва айниқса халқлар ва давлатлар ўртасидаги тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш ва ҳимоялашдир.

Албатта, анъанавий ОАВдаги фаолият учун бўлган этика нормалари автоматик тарзда интернет учун ҳам сақланиб қолади. Шундай бўлса ҳам,

айни вақтдаги замонавий ахборот технологияларининг ривожланиш эволюцияси ва уларнинг имкониятлари журналистик фаолият тўғрисидаги баъзи қоида ва тартибларнинг қайта кўриб чиқилишини ва доимо янгиланиб борилишини тақоза қилмоқда. Масалан, интернетда журналистларнинг кўринмас ҳолда чат-хоналарида иштирок этиши, аноним тарзда интернетда материаллар жойлаштириши ва ҳоказолардир. Шубҳасиз, янги медиа-интернет билим олиш, маданият ва тижорат ишларини ривожлантириш, одамларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва ҳоказо соҳалар учун жуда фойдалидир. Шундай бўлса ҳам «танганинг иккинчи томони» ҳам борлигини эсдан чиқармаслик лозим. Яъни, интернетдаги давомий тарзда сақланиб турадиган маълумотлар: расмлар, дунёвий ва диний фикрлар ҳамда илмий ғоялар фойдаланувчиларнинг одоб-ахлоқи, ижтимоий ҳаёти ва психологиясига ижобий ва шунингдек, салбий таъсир кўрсатишини ҳам ҳисобга олиш муҳимдир. Бу каби маълумотлар одамларга ҳар хил таъсир кўрсатиши, устамлик қилиши ёки уларни ҳақорат қилиши учун ҳам фойдаланилиши мумкин. Албатта, бундай мақсадларда анъанавий ОАВ ҳам ишлатилиши мумкин, аммо интернетнинг имконияти уларга нисбатан кенгрокдир. Интернет орқали узатилаётган ахборотларнинг баъзилари жуда тезкор амалга оширилаётгани сабабли баъзи хатоликлар ҳам рўй бериши кутилади. Масалан, бир марта CNN веб-сайтида (www.cnn.com) Ўзбекистон тўғрисида ахборот берилганда, Қозоғистон байроғининг расми билан жойлаштирилгани кузатилган эди, аммо бу хато кейинчалик тўғриланиб қўйилди.

Интернетнинг глобал миқёсда фаолият юритишини ва таъсирчанлигини ҳисобга олган ҳолда онлайн журналистлар халқаро жамоатчилик, турли хил миллатлар қадриятларига доимо ҳурмат билан ёндашиш керак. Экспертлар интернетнинг халқаро чегара билмас ОАВлигини ҳисобга олган ҳолда ундаги материалларнинг (матн, аудио, видео в.х. форматдаги) жойлаштирилиши бўйича фойдаланувчиларнинг тенг ҳуқуқлигини, шунингдек уларни ахлоқий томондан ҳимоясини таъминлаган ҳолда халқаро миқёсдаги тартиб ва

қоидаларни қабул қилишни таклиф қилмоқда. Масалан, қора танлиларга қарши чақириқларни ман этиш ёки мактаблар ва бошқа таълим олиш марказларида интернет хизматини фақат маорифга оид маълумотлар олишга мослаштириш лозимдир.

Журналистларнинг фаолиятида дискриминацияга йўл қўйилмаслиги учун деярли барча давлатларда журналистлар учун этика нормалари белгиланган. Масалан, Болгариянинг қонунида «Журналистнинг муросалар, миллий ва диний муносабатлар ўртасида душманликни келтириб чиқарувчи, инсон қадр-қимматини топтовчи сўз ёки жумла ишлатишига йўл қўйилмайди» дейилган. Кўплаб Европа давлатларининг журналист этикаси бўйича қоидалари мазмунан деярли мана шундай. Ҳамма нарсани ёритишда касбий нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, эҳтиросларга берилмасдан, журналистик этика нормаларига риоя қилган ҳолда яхши асар ярата оладиган журналист ҳақиқий профессионалдир. Чунки, ҳар қандай журналистнинг ахлоқий нормаларга эътиборсизлиги унинг нопрофессионал эканлигидан даракдир. Нима бўлганда ҳам, интернетнинг бошқарилиб бўлмаслигини ҳисобга олган ҳолда, ундаги аноним тарзда жойлаштирилган материаллар (нима ҳақида бўлишидан қатъий назар) жиддий қабул қилинмаслиги керак, негаки, бу муаллифнинг айтилган фактларга жавобгар бўлмаслигини ва келтирилган фактларнинг ишончсизлигидан дарак беради. Бу ҳар қандан матнга тааллуқли. Бироқ онлайн-матбуот орқали берилганларига агар у ҳаққоний, бошқалари каби ёритган бўлса, фактларга мурожаатида ортиқча бўрттиришлар сезилмаса ишониш мумкин. Ахир журналистлар онлайн-матбуот тизимида ишлашга вақтларини бекорга сарф қилмаяптиларку!

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, бугунги кунда интернет, яъни барча ахборот кирита оладиган тизим учун маълум меъёрларни яратиш керак. Журналистика касби ходими сифатида фаолият юритаётганлар, аввало, ўз касблари бўйича тузилган, қолаверса, халқаро майдонда ҳам амалда бўлаётган айрим ҳуқуқий чекловларга асосланиб жавобгардирлар. Энг муҳими, ўқувчининг қалбидан жой олиш учун тезкор ахборотнинг

холисона ёритувчи сифатида ном қозонишдир. Бунга айрим босма нашрлар эришмоқдалар, ҳам.

2.2. “The Times” газетаси онлайн версияси фаолиятининг ўзига хосликлари ва унда касбий ахлоқий мезонларга амал қилиниши

Хорижий мамлакатларни кузатганда онлайн-матбуот уларда тизими яхши йўлга қўйилгани, унга нисбатан керакли чоралар ташкиллаштирилганига гувоҳ бўлинади. Масалан, Россия Федерациясида бу тизим босма нашрларнинг каталоги сифатида қаралиб, Москва реклама агентликлари ёрдамида тузилган. Онлайн газета ва журналларни тақдим этиш сайтнинг асосий вазифаси. Сайтда фойдаланувчининг ўз эълонларини жойлаштириш имкони бор. Бу тизимда яна бугунги кунда мамлакатда фаолият олиб боровчи нашрлар ҳақида, уларнинг манзиллари тўғрисида маълумотлар берилади, ҳатто боғланиш учун телефон рақамлари ҳам келтириб ўтилади.

Энг муҳими, Россия онлайн-матбуот тизми фойдаланувчилар ва ходимларнинг фаолиятларида тартибсизликлар бўлмаслиги учун маълум меъёрлар мажмуини ишлаб чиққан. У 5 банддан иборат бўлиб, қуйидагилар акс этган:

I. Маълумотлар. Фойдаланувчининг шахсий кабинети <http://pressa-online.com/МоиОбъекты.aspx> саҳифаси орқали ташкил этилади, унга логин ва пароль берилгач қабул қилинади ва бу реклама агентлиги уни рўйхатига олиши билан амалга оширилади.

II. <http://pressa-online.com> сайтида эълон қилинадиган материаллар тегишли қоидалар. Унга кўра ушбу сайт хоҳлаган нашрда материал эълон қилиш имконини беради, мамлакатнинг Қонунларини бузмаслик шarti билан жойлаштирилади. Сайтда материал эълон қилишда фойдаланувчи муаллифлик ҳуқуқига қатъий риоя қилиши талаб этилади.

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Онлайн-матбуот мажбуриятлари: фойдаланувчига нашрдаги ахборотларни ўзи эркин ҳолатда бошқариш шароитини яратиб бериши, унинг жойлаштирган материални ишонч билан қабул қилиш ва олгани ҳақида фойдаланувчининг шахсий кабинетига маълумот жўнатиши лозим. Шунингдек, фойдаланувчини электрон манзилига жойлаштирилган ўриндан огоҳ қилиш мақсадида хабар жўнатиш, қачон, қайси вақт кўриш имкони бўлишини ҳам билдириш 15 календар кунидан ошмасидан уни кучга киришини таъминлаши даркор.

Фойдаланувчи ҳам ўз ўрнида маълум масъулятни зиммасига олиши керак. Булар: шахсий маълумотларни аниқ ва ҳаққоний киритиш, у билан боғлиқ тўлов ишларидан ўз вақтида бохабар бўлиб туриш, қолаверса белгиланган муддатни аввалдан мўлжал олиб ўз вақтида шартномани бажариш, сайт қайд этган талабларга кўра тўловларни тўлиқ бажариш, агар кейинги тўлов ишларини биров кечикиши аниқланса ўша заҳоти бундан агентликни огоҳлантириш каби вазифалари киради.

Эътибор берилса, фойдаланувчи асосан, материалнинг ҳаққонийлиги ва тўловга нисбатан шартларга жавобгардир. Энди бевосита онлайн-матбуотнинг ҳуқуқларига тўхталсак. Унга кўра сайт, аввало, фойдаланувчига тўловни бажаргандан кейингина хизмат кўрсатади ва қуйидаги ҳолатлар кузатилса, фойдаланувчига хизмат кўрсатишни тўхтатади: мамлакат қонунлари, халқаро меъёрларга риоя қилмаслик ҳолатларида, шунингдек, муаллифлик ҳуқуқига амал қилинмаслик ҳолатларида, маънавий бузғунчи ғоялар тарғиботи сингдирилган ахборотларни тарқатаётганлиги кузатилганда, қайта тузатиш, таъмирлаш ишлари амалга оширилаётган ватларда ва бошқалар. Фойдаланувчи ҳам ўзига хос ҳуқуқларга эга. У биринчи навбатда сифатли хизмат кўрсатилиши ҳуқуқига эга. Шунингдек, ахбороти бўйича барча маълумотларни ўз вақтида сайтдан олиб туриши лозим.

IV. Кафолат ва жавобгарлик. Сервис даражасида келишув шартига кўра онлайн-матбуот хизматни вақтида бажаришга масъулдир.

V. Маълумот алмашиш. Онлайн-матбуот фаолият ва хизмат кўрсатиш жойи Россия Федерацияси, Москва шаҳри. Электрон хабарлашув алоқаси онлайн-матбуотнинг қуйидаги электрон манзили support@pressa-online.com орқали амалга оширилади. Бунда фойдаланувчи электрон манзили, унинг шахсий кабинети билан сайтнинг электрон манзили орқали маълумотлар алмашинади⁵⁷.

Албатта, мазкур ҳуқуқий меъёр бекорга яратилмаган. У ҳам фойдаланувчининг ҳам хизмат кўрсатувчининг тартибсиз ҳаракатланишини олдини олади. Тўғри, ҳар соҳанинг ўз масъулияти бўлади, гарчи у маълум конунларида кўрсатилмаса ҳам. Масалан, ҳайдовчи манзилга эсон-омон етказиш учун, тикувчи ўлчамни тўғри олиб, бежирим либос яратиш учун жавобгардир. Журналист ҳам ахборотни тезкор ва холис етказиши лозим. Бу касбий бурч. Бироқ ҳозирги давр аввалгидан бироз бошқачароқ. Тарихда куч жисмоний ҳаракатда деб билинган. Шу боис урушда ғолиб бўлган тараф мағлуб ҳудудни ўз қармоғига олган. Ҳозирда бу куч мафкуравий тус олган. Мафкура ўзаро муносабатларда амалга оширилади. Фикрий бошқарув устунлиги, бирон бир инсонни сўз орқали ўз йўлига солишдек макрли ҳолатларни кузатамиз, бугун. Бу омма онгига психологик таъсир этиш ҳисобланади. ана шу ҳолат сабаб бугун журналистикада ахборот хуружи термини пайдо бўлди ва унинг маъноси сизга номидан ҳам таниш.

Глобал тизимда ахборот кўплиги сабаб ахборот хуружи масаласи ҳам кескинدير. “Жаҳон журналистикаси моҳият-эътибори билан ҳаққонийлик, эзгулик, холислик, ҳақ-ҳуқуқ сингари энг инсоний туйғулар талабларига хизмат қилса-да, ахборот глобаллаша бораётган ҳозирги шароитда тарқатилаётган оддий ахборот замирида ҳам холис-нохолис манфаатлар ётганини сезиш қийин эмас. Ахборот таҳдиди, ахборот хуружи кўринмас жанг майдонининг асосий воситаси бўлиб қолаётган экан – шу сингари ёвузликлардан нима асрайди? Қўриқчилик вазифасини ким ёки қандай куч адо этади?

⁵⁷ <http://pressa-online.com>

Жаҳон журналистикасида бу улкан тизимни изга солиб турувчи, мувофиқлаштирувчи, муҳофаза этувчи куч-механизм нуфузли қонунларда, тан олинган ахлоқий тамойилларда мужассамланган”⁵⁸.

Ахлоқий тамойиллардан ташқари кодексларлар яратиш ҳам бирмунча аввалроқ бошланган. “Жаҳон журналистикаси тарихида кодекс яратиш тажрибаси XX асрнинг иккинчи ярми, айниқса, мазкур асрнинг сўнгги ўн йиллиги алоҳида воқеаларга бой бўлган. Халқаро Журналистлар федерациясининг «Журналист одоби принциплари декларацияси» 1954 йили қабул қилинган. Профессional журналистлар жамиятининг «Ахлоқий нормалар кодекси» 1996 йили амалга киритилган. АҚШ профессионал журналистлари жамияти, Америка газета муҳаррирлари жамияти, шунингдек Бельгия, Швеция, Исландия, Испания, Германия сингари Европа мамлакатларида қабул қилинган касб кодексларининг яратилиш даври ўтган асрнинг 80-йилларига, кўпроқ 90-йилларига тўғри келади. Социалистик тузум ҳукмронлик қилган республикаларда, айниқса МДХ давлатларида асосан асрнинг сўнгги йилларида журналистнинг касб кодексларини яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш қизўин тус олган. Бундай тенденциянинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Бош сабаблардан бири XX асрнинг охирига келиб ахборот глобаллашуви жараёнлари муқаррар тус олди, бошқачароқ таърифланадиган бўлса, ахборот оқимини жиловлашнинг иложи бўлмай қолди, натижада матбуотни цензура остида тутиб туриш имкони йўқолди, демократик тамойиллар биринчи планга чиқиши муқаррар воқеликка айланди. Бундай тенденция нечоғли муқаррар бўлмасин, матбуот эркинлигининг ўзига хос масъулиятини белгиловчи мезонлар ҳам бўлиши зарур эди. Худди шу заруриятни адо этиш журналистнинг касб кодекслари ва ҳоказо касб одоби нормаларига, яъни ўзини-ўзи бошқаришга қаратилган ҳужжатлар зиммасига тушди. Характерли мисол тариқасида келтирадиган бўлсак, Россия Федерацияси Думаси матбуот эркинлигини чеклашга

⁵⁸ Дўстмухаммедов Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил. - Т.: Янги аср авлоди, 2007. Б.129.

каратилган қонун лойиҳаларини яратишга зўр бергани сайин мамлакатдаги оммавий ахборот воситалари тизимида касб кодексларини ишлаб чиқишга эътибор кучайган. Англия Парламентида мана шунга ўхшаш ҳаракатлар зўрайган паллада матбуот соҳасида ўзини-ўзи бошқариш тизимини яратиш ташаббуси эълон қилинган ва Матбуотга оид шикоятларни кўриб чиқувчи матбуот қўмитаси ташкил этилган”.⁵⁹

Демак, секин асталик билан касбга бўлган масъулият ҳисси йўқолиб борапти. Бу ҳам маълум манфаатларга хизмат қилаётган бугунги кун “уруши” белгиларидан. Тўғри, тушунчага изох киритиб ўтишимиз лозим. Ахборот ташувчининг манфаатли ҳаракати билан тикувчи ёки ҳайдовчи манфаати бироз фарқланади. Тикувчининг обрў қозонишида унинг иши сифати муҳимдир, чоклари текис, ўлчамлари аниқ бўлса бу унинг ютуғидир. Ҳайдовчи эса бир маромда йўл қоидаларига риоя қилиб машинани бошқарса, йўловчининг эътиборига сазовор бўла олади. Журналистларда эса сифатли ва жалб этарли сўзлари бир-бирига бироз ҳалақит беради. Тўғри, маълумотни етказишда тўғри маълумот барчани бирдек қизиқтиради, бироқ инсон психологиясида ахборот олишга нисбатан аниқ, яъни ҳалокат, шоу-шув ва жинсий алоқа каби тушунчаларга қизиқиш кучлилиги аниқ исботланган ва шунга кўра журналист мавзусини мана шу тушунчалар билан кўпроқ боғлайди. Улардан биринчи ва учинчиси аниқ тушунча, воқеликни ифодалайди. Шов-шувга келсак, бугун ҳар қандай ахборот таркибий қисмига айланган. Мана шу ҳолат ноҳолисликни вужудда келтиради.

Биз назарий фикрларимизни икки асрдан ортиқ фаолият юритиб келаётган ривожланган давлатлардан Англиянинг “The times” газетасининг онлайн версияси материаллари мисолида кенгроқ ёритсак.

Руперд Мердок бундан XX асрнинг янги имконияти сифатида “The times” ҳамда “The Sunday Times” газеталарининг электрон версияларини интернет тармоғига жойлаштирди. Нашрнинг ҳафталик абзолиги 3 долларни

⁵⁹ Қаранг: Сиберт С. Фред, Шрамм У., Питерсон Т. Четыре теории прессы. – М.: Вагриус -1998, С. 130.

ташқил этарди. Ҳар сонининг нусха олиш автоматик равишда интернетга пул тўлаш орқали амалга оширилади. Корпорация электрон нашрдан фойдаланувчиларнинг сони биринчи йилнинг ўзида 800 000 дан ортиқ бўлганини кузатган. “Ҳозирда Европа мамлакатларидаги онлайн-матбуот билан доимий алоқада бўлган кузатувчилардан бу ҳақда сўралганда, албатта, улар энг ишончли ва бошланғич электрон манбалар, шубҳасиз, бу “The times”, “The Sunday Times” газеталари эди, деб жавоб беришади. Статистик маълумотларга кўра, бугун пуллик онлайн-нашрлар 105 минг фойдаланувчига, 100 мингтаси эса босма газеталарни харид қилишлари кузатилади.

Бироқ вақт ўтиб, “The times” онлайн нашри сайти ўзининг алоқасини монетизация қилгандан сўнг 4 миллионга яқин фойдаланувчисини йўқотди”⁶⁰.

Лекин бу нашрнинг обрўси тушиб кетди дегани эмас. Анъанавий нашрнинг 2010 йил 12 июль сониди газетанинг янги замон ва ўқувчилар талабларига мослашиб бораётгани ҳамда уни келажакда турли ахборот технологиялари орқали ҳам ўқиш мумкинлигини ифода этган “Oday’s Times Of London: A Newspaper To Read” номли мақола эълон қилинади⁶¹.

Нашр онлайн муҳитда ва янги турдаги ахборот технологияларига тез мослашди. Алоҳида онлайн журналистлар бўлими фаолиятини йўлга қўйди. Энг эътиборлиси бугунги кунда онлайн версияси фаолиятини кузатганда шунинг гувоҳи бўлдики, нашрнинг ҳар бир оммавий коммуникация воситаси орқали интернетдан ўқиш имкониятини таъминловчи версиялари абонентларга тақдим қилинмоқда. Хусусан, агар обуначи компьютер, ноутбук ёки нетбук орқали газетани мутолаа қилмоқчи бўлса алоҳида; агар қўл телефони ёки I-pad орқали ўқимоқчи бўлса алоҳида тарифларда обуна бўлиши мумкин. Ҳаттоки ҳафтанинг иш кунларидаги нашрлар учун алоҳида, шанба кунги нашр (у асосий саҳифадан ташқари яна бешта иловаси билан

⁶⁰ <http://www.nestor.minsk.by/kg/2010/44/kg04419.html>

⁶¹ “Oday’s Times Of London: A Newspaper To Read”, “The Times”, 2010 йил 12 июль сони

чиқади) алоҳида, якшанба сони (таҳлилий материаллар ва иловалар ҳажми каттарок) учун алоҳида обуна бўлиши мумкин. Шубҳасиз, ойлик ёки йиллик онлайн обуначилари учун нархларда имтиёзлар мавжуд. Буни ишимиз охирида берилган сўнгги иловадан кўриш мумкин.

www.thetimes.co.uk саҳифасини очар экансиз, сизга бош саҳифа намоён бўлади. Унда газета номи ёнига қизил лентага ёзилган “Website of the year” (“Йилнинг энг яхши вебсаҳифаси”) ёрлиғи ёпиштирилган. Ундан сўнг газетанинг асосий иловалари рўйхати берилган: “The Times”, “The Sunday Times”, “Times +”. Уларнинг биринчиси газетанинг кундаликнашри, иккинчиси якшанбалик ва учинчиси маданий ҳордиқ нашри. Аввал таъкидлаганимиздек, ҳар бирининг илк саҳифасини бепул ўқиш мумкин.

Онлайн версиядаги ҳар бир рукн яна бир қатор ички саҳифаларга бўлиниб кетади. Ҳар бир мақолага расм, сурат ёки қўшимча графикли материал илова қилинади.

Газетанинг ҳар бир онлайн нашр версияси ўзининг анъанавий шакли мавзу-мундарижасини қамраб олган. Жумладан, кундалик нашрнинг асосий рукнлари қуйидагилар: “News”, “Opinion”, “Business”, “Money”, “Sport”, “Life”, “Arts”, “Puzzles”, “Papers”. Улар ҳар куни чиқадиган “The Times”нинг асосий бош рукнлари, бўлиб тезкор долзарб мақолаларни ўз ичига олади.

“The Sunday Times” – якшанбалик нашр ўз характерида келиб чиқиб “News”, “Sport”, “Business”, “Comment Section”, “News Review”, “Culture”, “Style”, “Travel Section”, “Ingear”, “Magazine”, “Papers” номли кўпроқ таҳлилий характердаги рукнларни ўз ичига олган.

“Times +” – бу маданий ҳордиқ чиқаришни таъминлайдиган онлайн нашр версияси бўлиб, унда “Home”, “Culture +”, “Travel +”, “Food +”, “Style +”, “Sport +”, “Members Area” асосий рукнлари мавжуд. Мазкур версия ранг-баранглиги, суратларнинг кўплиги ва ҳар бир материални жойлаштиришда юқори даражадаги маҳорат талаб қилинганлиги билан дарҳол ўқувчи эътиборини жалб этади.

Ушбу онлайн нашр версиялари бош мақола ва унга мос сурат билан бошланади. Кейин турли мақолаларнинг бошланиш қисми, кўпинча лид қисми ва унга илова қилинган ёрқин сурат билан тўлдирилади. Рекламалар барча саҳифаларнинг асосий бўғинларидан бирига айланиб улгурганини ҳам таъкидлаш жоиз.

“The Times” нашрининг онлайн версияси ўзининг тез янгиланиб туриши ва интерактив усуллардан имкон қадар самарали фойдаланиши билан ажралиб туради. Жумладан, сайт фаолиятини таҳлил этганимизда унинг ҳар тўққиз дақиқада янгиланиб туришининг гувоҳи бўлдик. Албатта, бу дегани ҳар тўққиз дақиқада сайт бутунлай ўзгариб қолмайди, балки куннинг асосий долзарб мақолаларига янги фактлар қўшилиб туради. Айрим ҳолларда бош мақола ўзгаради ёки ундаги сурат ўзгаради. Лекин сайтнинг қуйи қисмидаги эскирмайдиган журналистик материаллар, жумладан: спорт, соғлиқ, санъат, маданият кабиларга оид мақола ва маълумотлар, рекламалар бир суткадан кейингина ўзгартирилганини кузатдик. Айрим вақтларда бундай материаллар уч кунгача турганининг ҳам гувоҳи бўлдик. Хусусан, Қироличанинг дам олиш ёки сайр учун қарга боргани⁶², айрим ҳукумат аъзолари, айниқса, бош вазир оиласининг ҳаётига доир янгиликлар⁶³, соғлиқ учун фойдали маслаҳатлар, турли таомларнинг рецептлари, бир қатор рекламаларнинг асосан уч кунгача ўзгармаган ҳолда сайтдан ўрин олгани кузатилди.

Газета фаолиятида биз кенг тўхталаётган ахлоқий масалалар ҳам катта ўрин тутади. Онлайн-нашрнинг материалларни беришда ахлоқий масалаларга эътибори ва унинг ўзига хосликлари хусусида қуйидаги умумтушунчаларни билдириб ўтиш мумкин:

Фотосуратларнинг берилиши. Унинг ютуқлари, улардаги андишасизлик ва очиқлик. Онлайн-нашр, хусусан, “The Times” электрон версияси суратларга жуда катта эътибор қаратади. Ҳар икки-уч соат ичида

⁶² www.thetimes.co.uk, 14.04.12. 22.10.

⁶³ www.thetimes.co.uk, 02.10.11. 16.32.

бош сарлавҳаларнинг суратлари ўзгартирилиб турилиши бунинг ёрқин далилидир. Қолаверса, фойдаланувчи суратнинг ўзидан ушбу материал нима ҳақида ёзилганини билиб олиш имкониятига эга. Шу сабабли фотосуратлар мақоланинг асосий қисмидир, деб таърифланади ва уларга катта ҳажмдаги жой ажратилади. Қолаверса, интернет тизми ушбу фотолавҳани видеолавҳа ёки ролик, слайд тарзида ҳам саҳифасига жойлаштириши мумкин. Бу рекламага нисбатан кенг қўлланиладиган усулдир. Бу эътиборни жалб қилишга жуда катта ёрдам беради. Чунки нима қилганда ҳам тан олишимиз керакки, тасвир бизни бирламчи қизиқувчи нарсамиздир. Сурат, ҳаракатли ҳолатлар жуда яхши, лекин у нимани кўрсатаёпти, ахлоқий жиҳати шунда кўринади, юқоридаги санаб ўтганларимиз, шунчаки технологик имкониятлардан эди, ҳалос. Афсуски, бугун кийиниш маданияти, йигит ва қиз тасвирига нисбатан жуда уқувсизлик, беҳаёлик нафақат суратда, балки ҳаётимизда ҳам салбий кузатувлар кўпайиб кетмоқда. Тўғри, бу ғарб мамлакатлари учун оддий ҳолатдир, бироқ газета билан танишган кишилар, биринчи навбатда, унинг суратига назар ташлайдилар. Психологлар ундаги ёзувлар умуман қизиқтирмаса ҳам, суратини ўта қизиқиш билан томоша қилувчи кишилар кўпчилиكنи ташкил этиши, бунда айниқса, болаларнинг иштироки кўплигини алоҳида қайд этадилар. Англиянинг сариқ матбуот нашрларидан бирининглектрон версияси “Ёдимда, ўшанда” номли руқн остида “Бугуннинг энг қизиқ лавҳаларидан”⁶⁴ деб номланган материал эълон қилинади. Унда эркак ва аёлнинг бепарда иши тасвирланган. Бу каби суратлар газетанинг ҳар сонидида берилади. Умуман, жинсий муносабатлар масаласи европа мамлакатлари учун одатий мавзуларга айланган. Чунки уларда биз каби андиша, ҳаёо каби қадрли тушунчалар аста йўқолиб бормоқда. Балки таҳлилимиз хорижликларга ёқмас, бироқ бу жумлаларимизни улар фарзандларига нисбатан ҳам ўйлаб кўрсалар бўлади.

Суратлар бериш масаласида яна айрим қонли тасвирларнинг берилиши ҳам кўп кузатилади, хусусан, Ироқ давлати билан боғлиқ материалларда.

⁶⁴ www.thetimes.co.uk, 24.05.12. 18.39.

(Асосан авваллари) бирон жасаднинг сурати берилиши ўқувчини жалб этади, бироқ унда бу ҳолатга нисбатан аввало, жирканиш, нафрат ва кейинчалик ўрганиш хусусиятини шакллантиради. Буни омма “бети қотган” ибораси билан изоҳлайдилар.

Мафкуравий таҳдид. Нима учундир газетанинг онлайн саҳифасида ислом олами вакилларига нисбатан бир қадар салбий ёндашув ва улар билан билан боғлиқ кўпроқ “ғамгин” воқеликлари акс этади. Бу балки фақатгина бизнинг нуқтаи назаримиздир. Бироқ газетанинг 2011 йил 23 май сониди ҳам мусулмон олами вакиласи Сафия Аҳмаднинг ўз яқинларини ўлими билан боғлиқ ҳодисаларни битгани ёзилади⁶⁵. Балки бу каби мақолалар англия фуқароларига жуда кизиқдир, бироқ юқоридаги каби ҳодисалар мамлакатнинг ўзида ҳам қалашиб ётибди.

Бу фикрга келишимизда Англия фуқаролари ҳаёти фаровон турмуш тарзини ифодаляётгандек, бошқа давлатларда эса нотинчлик кузатиляётгандек, талқин қилиш сингдирилади. Шу сабабли ҳам ахлоқий меъёрларга риоя қилмаслик ҳолатининг бу банди мафкуравий таҳдиднинг бир кўриниши сифатида баҳоланиши мумкин.

Ана шундай материаллардан яна бири бу <http://www.businesspress.ru> сайти эълон қилган “The Times” Ельцинга қайчини суқди” номли мақоласидир. Асли www.gazeta.ru муаллифлигида қайд этилган мазкур материал сиёсий оламда жуда шов-шувли ҳолатни кўрсатди. унда таъкидланишича, Борис Ельцин ўзини ўлдириш учун ўзига қайчини суққан. Бу ҳақда Ельциннинг аввалги издошлари томонидан ёзилган “Эпоха Ельцина. Очерки политической истории” китобида маълумот келтирилади. “The Times” газетаси ушбу китоб ушбу ойда дўконларнинг пештахталарига чиқишини маълум қилган. “Эпоха Ельцина. Очерки политической истории” китоби Россиянинг биринчи президенти яқин шогирдлари томонидан тузилганини “The Times” маълум қилади. Яна манбада таъкидланишича, кафолатланган бестселлерга Юрий Батурин, Александр Лившиц, Георгий

⁶⁵ www.thetimes.co.uk, 14.05.11. 14.23

Саттаров, Вячеслав Костиков ва Людмила Пихоялар имзоларини қўйишган. Қизиғи, улар Ельциннинг олдида ўн йил спичрайтер вазифасини бажарганлар. Газетанинг ёзишича, китобда Ельцин “ичкиликка ружу қўйганди”. Ўша пайтларда, яъни 1993 йил армиянинг октябрь йиғини унга тарафкашлик қилган ва уни тақдирлаган. Бундан ташқари китоб муаллифлари Ельциннинг сабрли ва қаноатли бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтадилар. “The Times” китобда ёзилганларидан яна шуни қайд этадики, 1991 йил компартиянинг юқори бошқарувчилари марказий қўмитани эски майдондан (марказий йўлдан) эмас, махфий ерости ўтиш йўлидан ўтганлар. Ельцинни қутқаришда коммунистлар қўрқувдан қутула олмасдилар. Хуллас, мазкур материалда гўё давлатга қарши мафкуравий, ғоявий кураш олиб бориш йўлини танлагандек туюлади.

Интернетнинг ОАВ сифатидаги хусусияти жуда тезкор узатиши, маълумотга жуда бойлиги ва чегара билмаслигидир. Шундай экан, веб-журналистикада маълумотнинг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу масала айниқса интернетда жуда муаммоли, чунки уни бошқариш мумкин эмас. Шунинг учун муаллифлик ҳуқуқи бузилишининг ҳамма кўринишларини интернетда кузатиш мумкин, яъни: муаллифнинг розилигисиз интернетда материални чоп қилиш, фойдаланилган маълумотларнинг манбаларини кўрсатмаслик, плагиат ва бошқалар. Бу ҳам ўрганилиши керак бўлган муҳим масалалардандир.

Мультимедиа материаллар эълон қилиш. Мультимедиа материаллар веб-сайтнинг шаклланишига ва дизайнига жуда қўл келади, шу билан бирга фойдаланувчиларнинг ҳам эътиборини тез жалб қилади. Буни сайтда жойлаштиришдан олдин аудиторияни ўрганиб чиқиб ва уларга мосланган дизайнни амалга ошириш керак. Чунки, ҳар хил тоифадаги одамларнинг ёндашуви ҳар хил бўлади. Шунингдек, жойлаштирилган рекламанинг самаралиги сервернинг тематикасига ҳам боғлиқ, ўқув курслари ёшлар учун сайтда, кулинария воситалари аёллар учун тузилган сайтда қўйилгани мақул.

Умуман олганда, бугун “The Times” газетасининг онлайн версияси ўз олдига қўйган барча мақсадларига эриша олган. Улардан бири ўз аудиториясини ташкиллаштириш бўлса, у бунинг уддасидан тўлиқ чиққан. Бироқ нима учундир ғарб мамлкатлари шарқ давлатларига назар ташлашда уларга нисбатан биров кескинроқ, салбий хусусиятларни иф одаловчи материалларни кўпроқ эълон қилишлари кузатилади. Қолеверса, ғарб маданиятига шарқ одоби унчалик мос эмас. Бу нашрларнинг фотолавҳаларида акс этади. Бу онлайн нашрларнинг ахлоқий меъёрларга риоя қилмаслиги сифатида баҳолана олади. Сабаби онлайн-нашр фақат ўз минтақаси вакили учун хизмат қилишга ташкиллаштирилмаган. Қолаверса, бугун ахборотнинг асли билан танишишда болаларнинг ҳам ушбу нашрларга мурожаати кўплиги кузатилади. Ана шу нуқтаи назардан ҳам нашрлар тасвирларига биров масъулият билан эътибор қаратсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Энг катта муаммолардан бири “The times” маълумотларни беришда ўз позициясига эга. Бироқ унга кўра у ўз мамлакати ҳақида салбий маънони ифодалайдиган материаллардан кўра бошқа давлатларнинг сиёсий тизими ҳақида ҳам тартибсиз ҳолатларни баён этишга ихтисослашгандай. Тўғри, маълумотларни битишда у маълум манбадан олингандек кўрсатади, яъни гўё унинг ўзи муаллифмас, жавобгар ҳам эмас. Бироқ берилаётган материалларнинг аксари да бузғунчиликка биров бўлса-да дахлдорлари мавжудлиги тадқиқот давомида кузатилди. нима бўлганда ҳам, биз газетанинг онлайн версияси ютуқлари талайгина ва у эҳтиёткорона, ўзини айбсиз тута олишдек маҳоратга эга нашр сифатида фаолият юритади, деган хулосага кела оламиз.

2.3. “The times” нашрининг интерактив фаолиятида касбий этика:

ютуқ ва камчиликлар

XXI аср бўсағасига келиб инсоният зудлик билан ахборот олиш ва зудлик билан ахборот узатиш “дард”ига мубтало бўлди. Янада муҳим ўзига хосликлардан бири – Интернет тармоғининг интерактивлигида эди. Яъни, ахборот узатувчи ўша заҳоти узатган ахборотига жавоб олиши, шу билан ўзи ахборот олувчига айланиши мумкин эди. Табиий, бирорта анъанавий оммавий ахборот воситаси бундай имкониятга эга эмас.

Интернет журналистикасини вужудга келтирган бош омиллардан бири ҳам шу. Ва бу ҳолат ер юзидаги деярли барча интеллектуал қатлам вакиллари ҳаётида тубдан ўзгаришлар ясади.

Бу ўзгариш бор-йўғи 10-15 йил асносида юз берди. Ваҳоланки, ахборотлашган жамиятнинг мўъжизаларга ва мураккабликларга тўла барча кўриниш ва манзаралари ҳали бу билан тугамаслиги муқаррар.

Одамларга факт ва ахборотларни тўлиқ берилиши уларни ўз-ўзини ҳимоя эта олишни таъминлайди. Ундан ташқари Британия оммавий ахборот воситалари фаолиятида интерактивлик ҳам ўзига хос тарзда йўлга қўйилгани, бу эса ОАВ учун ўз аудиториясини кенгайтириш имкониятини беради⁶⁶.

Айни пайтда мутахассислар интернет журналистикасининг омма ўртасидаги мавқеини янада ошириш учун интернетнинг кўплаб интерактивлик хусусиятларидан фойдаланишга ҳаракат қилаяптилар (масалан, фойдаланувчининг дидига қараб ахборотларни узатиш, ҳар хил тилларда чоп этиш в.х.). Кўпгина ахборот узатувчи сайтларга ахборот олиб туриш учун бепул обуна бўлиш мумкин ва улар E-mail орқали янгиликларни жўнатиб турадилар. Кўпчилик давлатларда оддий аҳоли ҳаттоки мамлакат президентиға ҳам E-mail орқали мактуб йўллашлари мумкин.

Одатдагидек **интерактив**⁶⁷, яъни мухлис таҳририят ходими билан интернет орқали мулоқотга киришиши (форум, чат, e-mail в.х. орқали),

⁶⁶ Дадахонов А. Замонавий хорижий ОАВ (АҚШ ва Европа журналистикаси). Маъруза матни. Тошкент. 2011, Б.23.

⁶⁷ Интерактив - Бир-бири билан мулоқот, ўзаро алоқа қилувчи

дастурлар тўғрисида фикр билдириши, материаллар мавзусини таклиф қиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, газетанинг онлайн версияси биринчи навбатда тезкорлиги ва мухлислар талабларига тез жавоб бериши билан эътиборга лойиқ. Жумладан биз диссертациянинг аввалги бобида М.Барроунинг Англиядаги шифокорларнинг иш ташлаши ҳақидаги материални таҳлил этган эдик(Martin Barrow, “Doctors vote for first strike in 40 years over pensions”, “The Times”, 2012 йил 22 март сони). Агар газетанинг онлайн нашри архивини кузатсангиз, орадан икки кун ўтиб, мазкур материалнинг мантикий давоми сифатида “Doctors to strike over pension changes” (“Шифокорлар нафақа ошириши юзасидан намойишга”) номли мақола берилади. Бироқ уни муаллифи кўрсатилмайди. Унда ёзилишича, барча шифохоналар ва жарроҳлик бўлинмалари намойиш даврида беморларни қабул қилиш ва ҳаттоки жарроҳлик амалиётлари ўтказишни тўхтатиб туришлари ҳақида келишиб олганлари муҳокама қилинади. Бу мақола аввалгисидан кескинроқ ва шифокорларнинг ўз фикрида қатъий эканлигини кўрсатишга интилиб ёзилгандек таассурот қолдиради. Бироқ олдингисидан фарқли равишда ушбу онлайн мақолада ўзгалар фикридан иқтибослар келтирилмайди. Бу муайян даражада касбий ахлоққа зиддир⁶⁸.

Ҳар бир сайт электрон почтага эга бўлиши сайтнинг интерактивлигини таъминлайди ва унинг имиджини оширишга хизмат қиладиган воситадир. Интернет вақт ўтган сари оммавийлашиб борар экан ундаги рекламанинг жойлаштирилиш ва ишлаш тизимлари мураккаблашиб, ривожланиб бораверади.

Булардан ташқари ҳозир E-mail га рекламалар жўнатишни амалга оширадиган автоматик программалар ҳам ишлатилмоқда, аммо бу E-mail эгаси томонидан салбий қабул қилинади. Бу каби мактублар эса «спам»⁶⁹ номини олган ва улар E-mail хизматлари томонидан ҳам тўсиб қўйилади.

⁶⁸ www.thetimes.co.uk, 24.03.12. 13.07

⁶⁹ Спам (spam) – кераксиз, фойдасиз маълумот

Интернетда видео файлларни узатишда кўпинча Real Audio Media (*.ram), Windows Media Video (*.wmv), Motion Pictures Experts Group (mpeg/mpg) ва ҳоказо форматлар ишлатилади.

Интернет тизимида интерактив методлардан энг фаоли бу шубҳасиз, форумлардир.

Форум – мазмуний алоқадир. Чат ёрдамида форум ташкил этилади, унда бирон-бир мавзу юзасидан муҳокамалар юритилади. Бошқача айтганда, форум бу – қизиқишларга кўра клубдир. Умуман, интернетда турли тоифа, жинс, миллат вакилларининг бир мавзу юзасидан баҳс, келишув ва муносабатлари, ўзаро мулоқотлари ойнасидир. Кишилар форум ёрдамида бир-бирларидан билмаган нарсалари ҳақида маълумот олиш, ҳаётий тажриба алмашиш, ҳатто ўзаро қўллаб юбориш каби хусусиятларини намоён қиладилар⁷⁰. Масалан, бирон-бир нашр фаолиятига доир материални билишда биз қидирув тизимига йўл оламиз. У ердан эса минглаб маълумотлар омборига дуч келамиз. Агар бирон-бир форумга аъзо бўлсак, бизда ана ўша ердаги дўстлар, ҳамсуҳбатларимиздан қайси материалдан фойдаланиш қулайлиги, умуман уларнинг бу борадаги тажрибаларини тинглаб керакли манзилга, қолаверса, ишончли маълумотга йўнала оламиз.

Интернетдаги форумлар жуда кўп ва турли-хилдир. Улар жамоатчиликнинг қизиқишларига кўра ҳайдовчилар, авиаконструктор, прогномистлар, ёш оналар, ташкилотчилар ва бошқа шу каби оммалар учун алоҳида форумлар ташкил этилган. Онлайн-матбуот тизими учун ҳам форумлар ташкил топган бўлиб, улар ташкилот билан унинг жамоатчилиги ўртасида муҳим восита ҳисобланади. Матбуотга, ундаги мақолалар тизимига муносабат, бирон мақола хусусида ўзаро баҳслашув имкониятини берадиган форумларни бевосита Англия журналистикасида ҳам фаоллигини кузатамиз. Бироқ газеталарга аъзолигимиз бўлмагани сабабли биз ички форумларга мурожаат қила олмаймиз. Шу ўринда айтиш мумкинки, сайт обуна тизимини қўллайди. Унга тўлов бажариш вақтида логин ва пароль берилади.

⁷⁰ http://www.neumeka.ru/chto_takoe_forum.html

Чунончи, Интернет тармоғи моҳиятан либерал, яъни эркин муҳит майдонида “яшайди”. “Интернет “ғоялар бозори” сифатида либерал тузилмалар хусусиятларини яққол намоён этади ва уларни кучайтиради... Тармоқ – технологик эмас, кўпроқ сиёсий ва ахлоқий тушунчадир. У дунёни ўз камровига тортиш хавфини туғдирмоқда”.⁷¹

Ушбу мулоҳаза замирига эътибор берилса, Интернет тизимидек кудратли технология воситаси ўзининг асосий хусусияти бўлган техникага оидлиги билан эмас, ахборот дунёсидаги сиёсатни белгилаб берадиган ва шу билан дунёга гегемонлик даъвоси бўлган сиёсий тизим сифатида, ҳатто ахлоқий қадриятлар мезонига айланиш воситаси сифатида талқин этилмоқда. Бу ҳол, яъни ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларининг ортиши даставвал Интернет журналистикасининг оммалашишини (1995–1996 йилларда) келтириб чиқарган бўлса, унинг кетидан, яъни 1997–1998 йилларнинг ўзидаёқ ахборотни глобал муҳофаза қилиш муаммосини келтириб чиқарган.⁷²

2007 йилнинг январь ойида Россия Федерациясининг Владимир вилояти Коврово шаҳрида ноёб суд жараёни иш бошлади. Интернет тармоғи орқали “турунг” қурган беш ҳамсуҳбатдан журналист Д.Ташликов вилоят губернатори Н.Виноградовнинг даъво аризасига биноан судга тортилди. Матбуотда ёзилишича, журналист Коврово форумида ўз ҳамкасблари иштирокида бўлиб ўтган “турунг”да губернатор шаънига қарата ўта ножўя мулоҳазаларни баён этган.⁷³

Юз берган ҳодиса юзасидан ўз мулоҳазасини билдирган адвокатнинг нуқтаи назарига кўра, шахснинг обрўсига путур етказиш қай восита билан амалга оширилганининг фарқи йўқ, яъни газета орқалими, телевидение

⁷¹ Қаранг: СМИ и современные медиа-технологии. – Международная конфедерация журналистских союзов. – М.: АСМО-пресс. 2000. – С. 35.

⁷² Ўша манба. – Б. 103.

⁷³ Козлова Н. Цензура онлайн. // Российская газета. – 2007, 31 января.

орқалими ёки Интернет орқалими, бундан қатъи назар, шунга йўл қўйган шахс қонун олдида жавоб бермоғи шарт⁷⁴.

Бундай ҳолатлар эса бизга форумларнинг салбий хусусиятларини очиб бермоқда. Бу ахлоқий меъёрларга риоя қилинмаслик ҳолатларига киради.

www.thetimes.co.uk сайтининг ҳар бир мақоласининг охирига “Comments” (изоҳлар, фикрлар) рукни илова қилинган. Унга кўра мақола билан танишган интернет фойдаланувчи ўз қайдларини ва фикрларини қолдириши мумкин. Бундай қайдлар шу кунгача нечта ёзилгани кўрсатиб турилади. Уларни кўздан кечирсак, айрим ўқувчилар материалдаги муаммоларнинг ечими тўғрисида ўз фикрларини ёзганлари ёки таҳририят журналистларидан шу мавзунини яна давом эттиришларини сўраганларини ўқиш мумкин. Бундай ҳолатлар таҳририят ишини янада яхшилашга ва аудиториясини кенгайтиришга муҳим омил бўлади.

Албатта, ҳар ишда қийинчилик бўлмай иложи йўқ. Бугун нашр яна ўз номини тиклаб олди. Бугун www.thetimes.co.uk сайти газетанинг электрон версияси ҳисобланади. Афсуски, нашрнинг фақат инглиз тилидаги саҳифаси мавжуд ҳолос. Йирик ОАВ корпорациялари, жумладан, ВВС, Дойче Велле ва бошқалар каби у бир неча тилларда фаолият юритмайди. Бироқ ўқувчилар бугунги кунда технология ва автоматик таржима технологияларининг ривожланиши натижасида яна янги имкониятларга эгалар. Нашрнинг қулайлиги унинг бошқа тилларда ҳам таржима қилинган ҳолатда ўқий олишдир. Масалан, www.yandex.ru қидирув тизими орқали саҳифанинг рус тилига ўгирилган таржимаси билан таниша оламиз.

⁷⁴ Дўстмуҳаммедов Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил: /Монография/ — Т.: Янги аср авлоди, 2007. Б.49.



Тўғри, интернетнинг автоматик таржимасида биров камчиликлар, орфографик, пунктуацион ва айрим услубий хатоликлар мавжуд бўлади.

Бироқ нима бўлганда ҳам у инглиз тилини билмайдиганлар учун жуда қулай восита саналади. Мазмунига тушуниш энг муҳим жиҳатдир.

Умуман олганда, бугун интерактивлик нашр учун жуда катта имкониятдир. Жамоатчилик билан алоқаларни йўлга қўйиш эса муҳим масалалардандир. Зеро, Авраам Линкольн таъкидлаганидек, “Агар жамоатчилик фикри қарши бўлса, ҳар қандай иш ютуққа эришмайди. Жамоатчилик қўллаб-қувватлаган ҳеч бир ҳаракат бекор кетмайди”.

Демак, www.thetimes.co.uk сайти материалларида интерактивлик турли шаклларда намоён бўлмоқда. Материалларни янгилаб туришдаги тезкорлик, мухлисларнинг қайд қолдиришлари учун шароит яратилганлиги, сайтнинг турли мавзудаги рукнларининг мавжудлиги ва анъанавий нашридан кўр ранг-баранглиги унинг онлайн муҳитидаги рақобатда ҳам яхши натижаларга эришаётгани билан баҳоланиши мумкин.

“The Times” нашрининг интерактив фаолиятида касбий этика: ютуқ масаласида аудитория қизиқишларидан келиб чиқиб, сайтларнинг тизимли ва аниқ таснифланган ҳолда фаолият юритиши, энг сара янгиликлар ва уларга сирли ва жиддий сарлавҳалар қўйилишини кўрсатиш мумкин. Бу нашрнинг сариқ матбуотдан фарқлаб туради.

Касбий ахлоқ борасидаги камчиликлар юзасидан эса тезкорликка интилиб, баъзан бир ёқлама материалларнинг берилиши, баъзан сиёсий раҳбарлар ва санъаткорлар, спортчиларнинг шахсий ҳаётига аралашиб, суратларда зўравонликлар ва мурдаларнинг ҳам очик берилавергани кабиларни кўрсатиш мумкин. Албатта, бу ҳолатлар одоб-ахлоқ меъёридан чиқмасликни талаб этади.

Хулоса

Бугун журналистикани жаҳон миқёсида ўрганилганда ҳам унинг маълум бир меъёрларга риоя этиш масаласига эътибор кучаяётганини кузатамиз. Касб одобини ташкил этиш борасида маълум Халқаро кодекслар мавжуд. XX асрнинг бошларидан вужудга кела бошлаган мазкур кодексларга сўнги пайтларда жуда тез мурожаат қилинаётгани бу ахборотга бўлган ишончга нисбатан эҳтиёткорна муносабат талаб этилаётганини ифодалайди. “Мана шундай ҳолатда ягона чоралардан бири – журналистларнинг ўзларида масъулият туйғусини кучайтириш эдики, касб кодексининг моҳияти ҳам журналистлик бурчига садоқатни эслатиб турувчи ҳужжат ҳисобланади”⁷⁵.

Ахлоқий меъёрлар масаласи жуда долзарб, айниқса, интернет тармоғида сониясига нимадир ҳодиса ҳақида маълумот қолдирувчи, жуда катта, жаҳон миқёсида ўзининг аудиториясига эга бўлган нашрларнинг сайтлари таҳлили асосида бўлса.

Англия журналистикасида ўзининг мавқеини қарийб 227 йилдан буён сақлаб келаётган, ҳар қандай қарама-қарши муносабатларга ҳам чидам билан фаолият олиб борган, юзлаб қаламкашларнинг ижод ойнаси, қалб туйғусини ифодаловчи маскан сифатида хизмат қилган ва энг муҳими, миллионлаб, ҳатто миллиардлаб кишиларнинг ахборот маконига айланган “The times” газетаси ва унинг онлайн наشري фаолиятини ўрганиш ҳам қизиқ, ҳам масъулиятли.

Онлайн матбуот тизимида ахлоқий масалалар, хусусан, “The times” газетасининг электрон версияси таҳлилига асосланган мазкур диссертациямизни қуйидаги хулосалар билан якунламоқчимиз. Бироқ иш жуда катта ва бугунги куннинг долзарб мавзуси эканини ва бу мавзу юзасидан номзодлик, докторлик диссертациялар устида ҳам изланиш олиб бориш лозимлигини, албатта, б у ишларни ҳам имокнимиз борица бажаришга

⁷⁵ Дўстмухаммедов Х. Журналистнинг касб одобини муаммолари: назарий-методологик таҳлил. - Т.: Янги аср авлоди, 2007. Б.63.

кизиқатганимизни маълум қилмоқчимиз. Демак, магистрлик диссертациямиз бўйича умумлашма хулосаларимиз қуйидагилар:

- демократик давлатда плюрализм бўлиши, бунда ҳар бир шахс ўз фикри, қарашига эгалиги ҳар жиҳатдан ижобий самара беради. Бу эркин демократик давлат ва одил фуқаролик жамияти тушунчасини ифодалайди. Демократия амалда бўлган давлатда яшаш тарзини яхшилаш учун керакли ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўлади, хусусан касбий фаолиятга доири ҳам. Инглиз журналистлари учун тузилган ахлоқий кодексларда кўрдикки, аввало, бу касб эгаси ахборот билан ишлашда холис ёндашувни амалга ошириши, қолаверса, масалага эҳтиёткорона ёндашиши умумий маъно касб этади. Энг муҳими, касб ахлоқи бўйича тузилган кодекслар журналистдан маълум тартибларга риоя қилиб материал тайёрлашни талаб этади, бу эса омманинг манбага бўлган ишончини кафолатлайди;

- анъанавий нашр фаолиятида самарадорликка эришиш учун унда хизмат қилаётган ходимлар, хусусан, журналистларнинг ҳатти-ҳаракатлари аҳамиятли ҳисобланади. журналист касб меъёрларига риоя қилиши, материал устида ишлашда холислик, анишлик каби асосий мезонларга риоя қилиши керак. Чунки касбий-ахлоқий меъёрларнинг талаб этилиши жамият манфаатларидан келиб чиқиб тузилган. Жамиятнинг тинчлиги, фаровонлиги, ана шу журналистнинг ҳам осуда ҳаёти демакдир, сабаби у ҳам ана шу жамиятнинг бир қисми ҳисобланади;

- бугун “The Times” газетаси яратилганига 2 аср бўлганига қарамай ҳамон муҳим манба бўлиб саналади. Унда ёритилаётган материаллар аҳоли томонидан ишонч билан қабул қилинади. Чунки эҳтиёткорона муносабат талқинида фаолият олиб борувчи мазкур нашр мақолаларда кўплаб фактлар тўплаш ва улардан таҳлил давомида моҳирона фойдаланиш тизимини яхши йўлга қўйган. Албатта, бунда заҳматкаш журналистларнинг роли катта. Касбий этика масаласида эса улар қатъий меъёрларга амал қиладилар ва ҳатто бу борада таҳририят махсус, ички тартиботига ҳам эга. Албатта,

журналист касбий ахлоқи газетанинг самарали фаолияти учун асосий хусусиятлардан саналади;

- бугунги кунда интернет, яъни барча ахборот кирита оладиган тизим учун маълум меъёрларни яратиш керак. Журналистика касби ходими сифатида фаолият юритаётганлар, аввало, ўз касблари бўйича тузилган, қолаверса, халқаро майдонда ҳам амалда бўлаётган айрим ҳуқуқий чекловларга асосланиб жавобгардирлар. Энг муҳими, ўқувчининг қалбидан жой олиш учун тезкор ахборотнинг ҳолисона ёритувчи сифатида ном қозонишдир. Бунга айрим босма нашрлар эришмоқдалар, ҳам.

- интернет журналистикасида касб одоби меъёрлари (ёки кодекси)ни ишлаб чиқишга киришишни ҳам кечиктирмаслик керак. Бунда анъанавий оммавий ахборот воситалари тажрибалари қўл келади албатта. Ҳозирги паллада Интернет тармоғидаги чиқишларни ўз ҳолига қўйиш керак, уларга ҳеч қандай тўсқинлик кўрсатилмаслиги керак деган қарашларга қўшила олмаймиз албатта. Шу билан бирга бундай вазифа тизимини яратишда кўплаб давлатлардаги энг илғор тажрибалардан саралаб фойдаланиш самара беради деб ўйлаймиз⁷⁶ Изланишимиз давомида биз ҳам ана шу фикрга келдик;

- “The Times” газетасининг онлайн версияси ўз олдида қўйган барча мақсадларига эриша олган. Улардан бири ўз аудиториясини ташкиллаштириш бўлса, у бунинг уддасидан тўлиқ чиққан. Бироқ нима учундир ғарб мамлакатлари шарқ давлатларига назар ташлашда уларга нисбатан бироз кескинроқ, салбий хусусиятларни иф одаловчи материалларни кўпроқ эълон қилишлари кузатилади. Қолаверса, ғарб маданиятига шарқ одоби унчалик мос эмас. Бу нашрларнинг фотолавҳаларида акс этади. Бу онлайн нашрларнинг ахлоқий меъёрларга риоя қилмаслиги сифатида баҳолана олади. Сабаби онлайн-нашр фақат ўз минтақаси вакили учун хизмат қилишга ташкиллаштирилмаган. Қолаверса,

⁷⁶ Дўстмухаммедов Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил. - Т.: Янги аср авлоди, 2007. Б.132.

бугун ахборотнинг асли билан танишишда болаларнинг ҳам ушбу нашрларга мурожаати кўплиги кузатилади. Ана шу нуктаи назардан ҳам нашрлар тасвирларига бироз масъулият билан эътибор қаратсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Энг катта муаммолардан бири “The times” маълумотларни беришда ўз позициясига эга. Бироқ унга кўра у ўз мамлакати ҳақида салбий маънони иф одалайдиган материаллардан кўра бошқа давлатларнинг сиёсий тизими ҳақида ҳам тартибсиз ҳолатларни баён этишга ихтисослашгандай. Тўғри, маълумотларни битишда у маълум манбадан олингандек кўрсатади, яъни гўё унинг ўзи муаллифмас, жавобгар ҳам эмас. Бироқ берилаётган материалларнинг аксари да бузғунчиликка бироз бўлса-да дахлдорлари мавжудлиги тадқиқот давомида кузатилди. нима бўлганда ҳам, биз газетанинг онлайн версияси ютуқлари талайгина ва у эҳтиёткорона, ўзини айбсиз тута олишдек маҳоратга эга нашр сифатида фаолият юритади, деган хулосага кела оламиз;

- бугун интерактивлик нашр учун жуда катта имкониятдир. Жамоатчилик билан алоқаларни йўлга қўйиш эса муҳим масалалардандир. Зеро, Авраам Линкольн таъкидлаганидек, “Агар жамоатчилик фикри қарши бўлса, ҳеч қандай иш ютуққа эришмайди. Жамоатчилик қўллаб-қувватлаган ҳеч бир ҳаракат бекор кетмайди”.

- онлайн нашрлар фаолияти бўйича касбий ахлоқий меъёрлар яратилиши кераклигини эса тавсия этамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон. – 2007.
2. Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2002. – № 4-5
3. Ахборотлаштириш тўғрисида. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2004. № 1-2. Б. 43-51
4. Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида. – Тўртинчи ҳокимият. – Т.: Меҳнат. – 2003. Б. 37-43
5. Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида. – Тўртинчи ҳокимият. – Т.: Меҳнат. – 2003. Б. 45-50
6. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида. – Тўртинчи ҳокимият. – Т.: Меҳнат. – 2003. Б. 89-115
7. Оммавий ахборот воситалари тўғрисида. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2007. № 1. Б. 25-38

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

8. Каримов И. Ўзбекистон: миллий мустақиллик, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1 -ж. –Т.: Ўзбекистон. – 1996.
9. Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – 3-ж. –Т.: Ўзбекистон. – 1996.
10. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсаўасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон. – 1997.
11. Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон. – 1998.

12. Каримов И. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-ж. –Т.: Ўзбекистон. – 1998.

13. Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-ж. – Т.: Ўзбекистон. – 1999.

14. Каримов И. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-ж. – Т.: Ўзбекистон. – 2000.

15. Каримов И. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-ж. – Т.: Ўзбекистон. – 2005.

III. Халқаро ҳужжатлар

16. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Т.: 1998.

17. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми.

18. Инсонийлик мезонлари. Хелсинки.1975–1999. Т.: 2002.

19. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт.

20. ЮНЕСКОнинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалари.

21. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари.

IV. Соҳага доир адабиётлар

22. Абдуллаев М., Хакимов Э. Введение в этику. (Краткий курс) Изд-е 2-ое. Изд-во Фарғона. – 2001.

23. Авраамов Д.С. Основы творческой деятельности журналиста. — М.: Аспект Пресс. — 2000.

24. Авраамов Д. С. Профессиональная этика журналиста. М.: Мысль. – 1991.

25. Авраамов Д.С. Профессиональная этика журналиста. М.: Учеб.пособ-е., Изд-во МГУ, 2003.

26. Баҳриев К., Демократия ва инсон ҳуқуқлари. – «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи. Т.: 1997.

27. Бухарцев Р. Вопросы профессиональной этики журналиста. (В помощь изучающим спец.курс). – Свердловск. – 1971.

28. Власть, зеркало или служанка? – Энциклопедия жизни современной Российской журналистики. – В 2-х томах. Союз Журналистов России. – 1998.
29. Ворошилов В.В. Журналистика. (Учеб.) Санкт-Петербург. – Изд-во Михайлова В.А. – 1999.
30. Ворошилов В.В. Право и этика в журналистике.
31. Голубева Г.А. Этика. Учебник. М.: – Экзамен. – 2005.
32. Горохов В.М. Основы журналистского мастерства. – М.: Высшая школа. – 1989.
33. Дўстмухаммедов Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил. - Т.: Янги аср авлоди, 2007.
34. Дўстмухаммад Х. Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари. – Т.: Ўзбекистон. – 2005.
35. Дадахонов А. Замонавий хорижий ОАВ (АҚШ ва Европа журналистикаси). Маъруза матни. Тошкент. 2011.
36. Журналистлар ҳуқуқий саводхонлиги муаммолари. Оммавий ахборот воситалари ва ҳуқуқ. (Халқаро семинар-машғулот материаллари. 2002–2003 йиллар). – Т.: 2003.
37. Информационное общество. – (Сборник) Изд-во «АСТ». 2004.
38. История мировой журналистики. Изд-е третье, допол. И исправ. – М.:– Ростов-на-Дону. – 2004.
39. Лазутина Г.В. Основы творческой деятельности журналиста. М.: Аспект Пресс. – МГУ, 2000.
40. Ламбет Б. Эдмонд. Приверженность журналистскому долгу (Об этическом подходе в журналистской профессии). – М.: Виоланта. – 1998.
41. Муминов Ф. Метод журналистики и методы деятельности журналистов. – Т.: Университет. – 1998.
42. Муминова Ф. История мировой журналистики. – Т.: Университет. – 2004.
43. Мухаммад ал-Бухари. Международные информационные агентства и международная пресса в рамках обмена информацией. – Т.: ТГИВ. – 2000.

44. Мухаммад ал-Бухари. Принципы международной журналистики и международный обмен информацией. – Т.: ТГИВ. – 2000.
45. Мўминов Ф. Журналистика самарадорлиги фани бўйича маърузалар тўплами. – Т.: Университет. – 1994.
46. Нестеренко Ф.П., Миралимов Ш.А. Журналистика: координаты профессии. – Т.:УзНУ– 2001.
47. Оммавий ахборот воситалари типологияси. Маърузалар матни. Тўпловчи М.Худойкулов. – Т.: ЎзМУ – 2000.
48. Оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш – жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим омили. // (Республика конференцияси материаллари)– Т.: Истиқлол. 2006.
49. Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики. — М.: РИП-холдинг. — 2000.
50. Рашидова Д. Интернет в Узбекистане: возможности и проблемы. – Т.: Zar qalam. – 2003.
51. Рашидова Д. Информационные технологии и интерактивная интернет журналистика. – Т.: Университет. – 2003.
52. Рэндалл Д. Универсальный журналист. – Алматы. Центральноазиатская Школа Молодых Журналистов. – 1996.
53. Свобода и ответственность. (Ежегодный сборник статей за 1999-2000 г.) – Вена. 2000.
54. Сиберт С. Фред, Шрамм У., Питерсон Т. Четыре теории прессы. – М.: Вагриус. – 1998.
55. СМИ и интернет: проблемы правового регулирования. – М.: Экопринт. – 2003.
56. СМИ в СНГ: сумерки свободы? (Материалы Алма-Атинской конференции «Состояние и проблеме СМИ в странах СНГ» 11-12 февраля 1998г.) – Алма-Ата, 1998.
57. Теплюк В.М. Свобода и ответственность в деятельности журналиста. Изд-во Дальневосточного университета. – Владивосток, 1985.

58. Теплюк В.М. Социальная ответственность журналиста. – М.: Мысль. – 1984.

59. Энг содиқ дўст, энг зарур ҳамроҳ//«Оммавий ахборот воситаларида демократик жараёнларни чуқурлаштириш, ҳаётга танқидий-таҳлилий қарашни кучайтириш» мавзuidaги семинар-кенгаш материаллари. 1998 йил, март. – Т.: Ўзбекистон. – 1998.

V. Хорижий тиллардаги адабиётлар:

Инглиз тилидаги адабиётлар:

60. Barbie Zelizer. CNN, the Gulf War and Journalistic Practice. Oxford University Press. 1992.

61. Benjamin B. Fair Play. New York, Harper and Row, 1988.

62. Brian S. Kennedy G. Moen D. Ranly D. News Reporting and Writing. 7th Edition, Columbia. University of Missouri. 2002.

63. Fallows J. Breaking the News. New York, Panteon Books, 1996.

64. Hilliard R. L. Keith M. C. Global Broadcasting Systems. Focal Press. 1996.

65. Howard T. News; A Reader. Oxford University Press. UK.1999.

66. Lambeth E. B. Committed Journalism. Second Edition. Bloomington. Indiana University Press. 1992.

67. Mencher M. M. News Reporting and Writing. Seventh Edition. Columbia: Columbia University Press. 1997.

68. Merrit D. Public Journalism and Public Life: Why Telling the News Is Not Enough. Columbia University Press. 1995.

69. Piers R. N. A. Sacred Trust. Nelson poynter and the St. Petersburg Times. Gainesville. Fla., University of Florida. 1994.

70. Stuart Hall, Chas Critcher, Tony Jefferson, John Clarke and Brian Roberts. Policing the Crisis: Mugging, The State, and Law and Order. London: Macmillan, 1978.

71. The International World of Electronic Media. Edit. Gross L. S. Cal. McGraw-Hill, Inc. 1995.
72. Willings Press Guide 2002. Volume 1. 128th edition. Waymaker Ltd.UK. 2002.

VI. Электрон сайтлар

73. <http://www.timesonline.co.uk>
74. <http://www.odnoklssniki.ru>
75. <http://pressa-online.com>
76. www.yandex.ru
77. www.yahoo.com
78. <http://www.businesspress.ru>
79. www.gazeta.ru
80. <http://www.neumeka.ru/>
81. <http://www.nestor.minsk.by>

The upcoming memoirs of Lord Mandelson, *The Third Man*, are a big event here in the UK.

And *The Limes of London* is playing big too with a great coverage that includes this double spread with a great illustration.

Rupert Murdoch is following the successful LIFE formula of Henry Luce: serializing great books sell magazines... and newspapers.

The print edition is a must-read but what it's more important is the extra-work done on the website and iPad with videos, graphics and more information that Murdoch wants you to pay for.

I just went to my local Press Agent and asked about today's papers sales, and my newspaper guru said:

The Times? Sold out in one hour!

Well done!

Exclusive extracts from the Mandelson Memoirs: Day 1



How the coalition deal was really done

In the first of three extracts from his explosive memoirs, serialised exclusively in *The Times*, Peter Mandelson reveals the frantic days of negotiation that led to the end of 13 years of new Labour rule



The polls finally opened on May 6. As a peer I was barred from casting a vote in the general election. It seemed very strange not to be putting my cross next to the name of a Labour parliamentary candidate. There was the usual mixture of excitement, reports on the efforts to get out our vote, and an awful lot of waiting around. Gordon and Sarah were voting in Scotland, and I phoned him to tell him I thought he had done well in the campaign.

I did not feel the same about my own performance. We had had some successes in the opening months of the year in halting the apparently unstoppable march by [David] Cameron. But I had struggled in the weeks leading up to the election, and had never felt able to get a grip on the campaign. Philip [Gould] was a wise head, and Alastair [Campbell] had brought great spirit to our efforts, but we had never really seemed to be able to set the campaign agenda. My frustrations showed. The debates had altered the rhythm of the campaign, and I felt the media's view of the parties' lack of candour on the deficit had done off any meaningful policy debate on the economy. In my first campaign in charge, in 1987, we had lost badly, but the campaign itself was seen as a triumph: a "brilliant defeat". I did not feel that way about this campaign. I was now certain it would end in defeat, but brilliant it wasn't.

That night I was in the BBC studios when their extraordinary exit poll came in. It showed that, with just over 300 seats, the Tories were going to be the largest party by some distance. However, despite being projected to lose nearly 100 seats, we were comfortably in second place. The Lib Dems were way down on their post-debate peak, and were predicted to end up with about the same number of seats as in 2005. No party would have an overall majority.

The mood at Labour HQ was surprisingly upbeat. The results, though bad, were less dire than we had expected, and it was apparent that the Tories would not get the majority

that had been predicted. I think we were all determined that the atmosphere should not be funeral after the tough campaign. As the results came in, there were even cheers around the room as we held on to a number of seats we had expected to lose.

Gordon arrived at Victoria Street before dawn. He addressed the staff with gratitude and grace, and then I went with him and Andrew Adonis to the room where I'd held my daily morning meetings. As soon as we sat down, he tore a sheet from my yellow pad and started stabbing, rather than writing, rows of figures. When he looked up, he said straight away that there were two possible scenarios. If the Conservatives did scrape a majority, or got near enough to it to govern as a minority, we were out. But then, with real anticipation in his voice, he said: "If not, we put together a Labour and Liberal majority." Andrew and Gordon now seemed to compete with each other in their excited calculation of how we could make what Gordon called "an arrangement with the Liberals" happen. "If you're serious," I joked, "perhaps you should stop calling them the Liberals, and get their name right."

I was, if not sceptical, at least cautious about whether it would work. Any way you juggled the figures, we had lost this election. We were heading for a result that put us at under 30 per cent of the vote. It looked as if even the combined total of our seats and the Lib Dems' would not add up to an overall majority. Nick Clegg had made it clear at the height of his post-debate popularity that he would find it very hard to be part of any arrangement that kept Gordon, whom he had found patronising in the Commons and in their personal dealings, in Downing Street. "The Lib Dems will fear being hoovered up by us if they do a deal," I said to Gordon. He was certain, however, that this would be outweighed by the attraction of their Holy Grail: a new voting system.

The final results were still not in. Every few minutes we would hear cheers or groans as the latest constituency count was declared. But Gordon was determined that if the

Continued on next page



TWEETING AWAY

Why Twitter is tops

PAGE 14

MISSING THE CUT

Brazil to drop star

PAGE 27

The Times

THE PAPER FOR THE PEOPLE

R2.00

TUESDAY MAY 11 2010

DELIVERED TO 137 717 SUBSCRIBERS — CALL 0860 946 946

www.timeslive.co.za

'I'm your boss from today. I've killed ET'

— Chris Mahlangu

How AWB leader met his grisly end



IN THE DOCK: Murder accused Chris Mahlangu hides his head while waiting ahead of his bail application in the Eugene Terre Blanche case at the Ventersdorp Magistrate's Court yesterday. Picture: HALDEN KROG

SIPHO MASONDO

THE 28 wounds that Eugene Terre Blanche suffered turned the stomachs of hardened police officers.

The Ventersdorp Magistrate's Court yesterday heard chilling details of the lacerated brain, liver and tongue, as well as the broken skull, facial bones and ribs which the Afrikaner Weerstandsbeweging leader suffered during his murder on April 3.

Captain Tsietso Mano, the detective in charge of the murder investigation, said the right-wing leader "never saw it coming".

Chris Mahlangu, 28, and a 15-year-old boy are accused of the murder.

During Mahlangu's bail hearing yesterday, Mano said the two wanted to cut off Terre Blanche's penis with a panga after the killing but made a "last-minute" decision not to.

"I never got a straight answer from Mahlangu as to why [they pulled his pants down after the murder], but the [15-year-old] told me that the intention was to cut off his manhood," Mano told the court. "He never saw it coming. Literally speaking, he was killed in his sleep."

Afterwards, Mano said, Mahlangu boasted to friends that he had killed Terre Blanche, saying he



Eugene Terre Blanche

was now their "boss". The suspects later allegedly called the police to confess to the crime.

Mano — who was arrested on Friday on charges of serious assault for allegedly being part of a group of seven Klerksdorp policemen who allegedly beat suspects to extract confessions — said the brutality of Terre Blanche's killing was difficult to deal with.

"I was at the post mortem. It was a sorry sight," he said.

He showed Magistrate Magaola Foso gruesome pictures of Terre Blanche's body taken by forensic investigators shortly after the murder.

In them, Terre Blanche is lying

on his back face up, with blood spattered on his chest and stomach and on the bed and headboard. There is a panga lying across his chest. He had also been assaulted with an iron bar.

Mano said: "His face was swollen and he was totally unrecognisable. This was a very serious crime and the brutality with which it was committed is a serious concern. Excessive violence was used."

Terre Blanche's wife, Martie, and daughter, Bea, were not in court yesterday.

Mano testified that they "can't even pass outside this court because of their emotional state".

Despite the fact that Mahlangu and the teenager handed themselves over to police, the state is strongly opposing Mahlangu's bid for bail.

"Farm attacks are serious crimes. That's where most defenceless people are attacked brutally. It's very rare for those attacked to survive," Mano testified.

Prosecutor George Baloyi told the court that the state opposed bail on the grounds that Mahlangu would endanger public safety, try to avoid his trial and intimidate and influence witnesses.

Mahlangu's lawyer, Puna Moroka, read two affidavits: one by Mahlangu and the other by his former girlfriend, Ntombifuthi

Mokoena, the mother of his two children.

Mahlangu said he feared for his children's welfare and safety should he be kept in jail.

Mano said Terre Blanche's murder had sent shock waves around the world and that he'd seen coverage of it on international news networks like CNN and BBC.

At home, he said, the murder came just short of creating pandemonium, averted by the response of President Jacob Zuma, police chief General Bheki Cele and the minister of police, Nathi Mthethwa.

Mano testified that Mahlangu bragged about the crime and showed police around the crime scene to explain exactly how Terre Blanche had been killed.

"After committing the crime, Mahlangu and the 15-year-old went to see their friends on a neighbouring farm. He was bragging that: 'I'm your boss from today. I've killed Eugene Terre Blanche,'" he testified.

Mano said that the two alleged killers went to great lengths to hand themselves over.

"They told the police

that they had killed Eugene Terre Blanche.

A police van, without a canopy, arrived to pick them up. They called for another van with a canopy, which took them to the scene of the crime where they found the deceased's lifeless body," Mano said.

Mahlangu's bail application was postponed to May 19.

HAVE YOUR SAY
Does Zuma deserve praise for defusing tensions?
tellus@thetimes.co.za
or SMS 33971

30 days to the World Cup

things that make Mzansi special

'Justice is done'

US special forces kill Osama bin Laden in Pakistan

Martin Fletcher

World leaders yesterday hailed the end of a ten-year manhunt for the man who ignited war between the West and the Muslim world with the deadliest terrorist attack in history.

In capitals around the globe there was jubilation at the killing by US commandos of Osama bin Laden, the mastermind of the 9/11 attacks that led to the conflicts in Afghanistan and Iraq, spawned a decade of Islamic terror and changed the lives of almost everyone on the planet.

The death of its iconic leader is a major blow to al-Qaeda, which was already threatened by the pro-democracy movement sweeping the Arab world, and gives a huge boost to President Obama as he prepares to seek re-election next year.

"We got him," Mr Obama proclaimed when told of bin Laden's death after hours of anxious waiting in the White House situation room. "Justice is done," he told America in a late-night address from the White House.

Mr Obama called it "the most significant achievement to date in our nation's effort to defeat al-Qaeda". David Cameron said it was a "massive step forward". Ban Ki Moon, Secretary-General of the United Nations, described it as a "watershed moment" in the global fight against terrorism.

But while the consequences will be profound, they may not all be positive.

The euphoria was tempered by fears that al-Qaeda will launch fresh attacks on Western targets to avenge bin Laden's death, with experts warning that he was merely the figurehead of a highly devoted organisation with franchises across the world.

"Though bin Laden is dead, al-Qaeda is not," Leon Panetta, the CIA director, said as Britain and America issued travel warnings to their citizens around the world and put their embassies and military bases on alert. "The terrorists almost certainly will attempt to avenge him."

The discovery of the world's top terrorist in a compound only 35 miles from Islamabad, and in a town bristling with military installations, will fuel suspicions of Pakistan's duplicity. "It is inconceivable that bin Laden did not have a support system in a country that allowed him to live there for a considerable period of time," John Brennan, the White House counter-terrorism chief, said yesterday.

The use of information gleaned from Guantanamo detainees to track down bin Laden will reopen the debate over whether torture of terrorist suspects is justified to extract information that could save many lives.

Bin Laden's death will also increase the domestic pressure on Mr Obama to accelerate America's military withdrawal from Afghanistan despite fears that such a move would be premature.

Carl Levin, chairman of the US Senate Armed Services Committee,



Bin Laden's body was buried at sea barely ten hours after his death. DNA tests proved it was the al-Qaeda leader, the US said

predicted a "robust reduction" in troop levels this summer.

US intelligence officials tracked down the world's most wanted man after Guantanamo detainees identified a trusted courier of bin Laden.

It took four years to trace the courier to a huge six-year-old compound, with 18ft walls but no internet or telephone, in the relatively affluent town of Abbottabad, and to confirm that it was bin Laden's hideout.

About midnight yesterday local time two dozen US Navy SEALs left Bagram air base in Afghanistan in three Black Hawk helicopters for the Ghaziabad base in northwest Pakistan. The US Administration said that it gave no warning to the Pakistani Government, reflecting its intense distrust of its supposed ally in the War on Terror.

The helicopters hugged the ground to avoid Pakistani radar, and when they reached the compound the commandos descended down ropes. Mr Brennan said that the SEALs would have



Full coverage inside

The operation

Pages 4, 5

Burial at sea

Page 6

Al-Qaeda's future

Pages 10, 11

Obama's speech

Pages 12, 13

Ben Macintyre

Opinion, page 21

taken bin Laden alive if they could, but that he resisted and was shot in the head.

US officials said that four other people died — one of bin Laden's sons; his youngest wife, who might have thrown herself in the line of fire; the courier; and the courier's brother.

Television pictures showed a ransacked house and bloodstains smeared across a bedroom floor after the raid, which lasted 40 minutes. One helicopter was lost. The SEALs took away bin Laden's body, which was flown to the USS Carl Vinson aircraft carrier and buried at sea barely ten hours later.

It was an outcome that precluded a trial that bin Laden might have used as Continued on page 5, col 4

THE TIMES OF LONDON EXPLAINS THE NUCLEAR ARMS LANDSCAPE

Files under General | Oct 7th, 2011

A brilliant way to explain the nuclear arms race.

Show, don't tell at its best!

(Thanks to INNOVATION's Michael Agar)

Tags: Michael Aar, Nuclear Arms Race, Show, The Times of London, don't Tell

